O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2009 йил, **14** август, жума №**33** (2316). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **14** августа, **2009** год, № **33** (2316). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена договорная

МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК ДЕГАН ИБОРАДА БИЗНИНГ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА КЎЗ ҚОРАЧИҒИДЕК АСРАБ-АВАЙЛАБ, КЕЛАЖАК АВЛОДЛАРГА ЕТКАЗАДИГАН ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ, ЭНГ ҚИММАТЛИ ЮТУҒИМИЗ ЎЗ АКСИНИ ТОПГАН.

Ислом КАРИМОВ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 август куни Оқсаройда Корея Республикаси Президентининг махсус вакили Ан Санг Суни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар ҳамкорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар очаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари ўзаро муносабатларни ривожлантириш масалалари, кўплаб минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар борасида ҳамфикрдир. Мамлакатларимиз икки томонлама савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқаларни ривожлантириш билан бирга, халқаро майдонда бир-бирининг таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида парламентлараро алоқалар фаоллашмоқда. Икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасида парламент делегацияларининг ташрифлари йўлга қўйилган.

Иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Жанубий Корея кўплаб соҳаларда йирик қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқда. 2008 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард 56,7 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жанубий Кореянинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармоясининг умумий ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Гуманитар ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. «Ўзбекистон – Корея Республикаси» дўстлик жамияти маданий алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Мунтазам равишда фестиваль, кўргазма, концерт ва бошқа кўплаб маданий тадбирлар ташкил қилинмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Ан Санг Су самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Жанубий Корея Ўзбекистон билан ҳамкорликни бундан буён ҳам барча соҳаларда кенгайтириб бораверишга тайёр эканини таъкидлади. Корея Республикаси Президентининг мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Ўзбекистон Президентига йўллаган мактубини топширди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон – Корея Республикаси муносабатларига доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

КОРЕЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикаси Президентининг махсус вакили, Миллий ассамблеяси депутати Ан Санг Су раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида музокаралар ўтказди.

Мулоқотлар чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Корея делегацияси аъзолари Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг экспонатлар ва ноёб буюмларни кўздан кечирдилар.

(ЎзА).



Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

Кучимиз, қудратимиз ҳур Ватан билан!

ВАТАН МАДҲИ – ОЛИЙ ШАРАФ

Ватан – буюк аждодларимизнинг муборак хоклари осойиш топган табаррук замин. Ватан борки, ор-номусимиз, қадр-қимматимиз бор, ғурур-ифтихоримиз, иймон-эътиқодимиз мустаҳкам. Жонажон Ўзбекистонимизга бўлган чексиз меҳримизни изҳор қилиш, гўзал диёримиз мадҳини юксак пардаларда тараннум этиш – биз, фарзандлар учун шарафли бурчдир.

Пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими ва улар иштирокидаги гала-концертда бу жиҳатлар яна бир бор ўзининг ёркин ифодасини топди.

Концертда кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиз, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тизими ғолиблари, таниқли санъаткорлар, ёш ижрочилар иштирок этди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови ташкилий қўмитаси раиси Эркин Воҳидов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг самарадорлиги халқимиз маънавиятининг янада юксалиши, бой тарихий меросимизни чуқур ўрганиш, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи, жамият тафаккурининг ўзгариши ва ривожланиши билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидлади. Ёш авлодни соғлом тафаккур соҳиблари этиб тарбиялаш, қалби ва онгига Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳини сингдириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ушбу эзгу мақсадга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 7 апрелда қабул қилган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янги, янада юқори поғонага олиб чиқишда муҳим омил бўлмоқда. Кўрик-танловнинг асосий мақсад ва вазифаси юртдошларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтириш, ватанпарварлик руҳидаги мазмунан теран, бадиий етук қўшиқларни яратишни рағбатлантириш, жонажон диёримизни шарафлайдиган, мардлик, фидойилик фазилатларини мадҳ этувчи энг яхши қўшиқларни холислик ва ҳаққонийлик асосида танлаб, халқимизнинг маънавий мулкига айлантиришдан иборатдир.

Танловда ёши, миллати, касбу кори, профессионал даражасидан қатъи назар иштирок этишни истаган барча фуқаролар қатнашгани эътиборга моликдир. Ижодий беллашувга иштирокчиларнинг шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорлигида яратилган она юрт, мустақиллигимиз, миллий ўзликни англашга бағишланган янги қўшиқлари ва мусиқий асарларини тақдим этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Юртимизнинг барча ҳудудларида ўзгача шукуҳ, кўтаринки руҳ, юксак савияда ўтказилган ушбу ижодий беллашув ўзига хос санъат байрамига айланиб кетди. Дунёда тенги йўқ диёримизни асраб-авайлашга, эъзозлашга, истиқлолимизнинг азиз неъматларини кўз қорачиғидек ардоқлашга даъват этган, Ватан тақдири учун дахлдорлик ва масъуллик ҳисси билан яшашга ундаган ушбу танлов самараси ўлароқ, миллий қўшиқчилик, шеърият, бастакорлик соҳасида изланаётган янгидан-янги истеъдод соҳиблари аниқланди, юзага чиқди. Айни пайтда Ватанимизни, истиқлолимизни, унинг саодатли неъматларини, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳиятини шарафловчи кўплаб янги мусиқий асарлар санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилди. Қўшиқчилик санъатимизнинг барча йўналишларида шеърият, мусиқа, ижрочилик талабларига тўла жавоб берувчи бадиий пухта қўшиқларнинг яратилиши учун муҳим омил бўлди.

Танловда Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов сўзи, Ўзбекистон санъат арбоби Анор Назаров мусиқаси билан айтиладиган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Озодбек Назарбеков ижросидаги «Жон Ўзбекистон» қўшиғи биринчи ўринга лойиқ топилди. Иккинчи ўрин Муртазо Қаршибоев сўзи Анвар Эргашев мусиқаси билан айтиладиган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулсанам Мамазоитова ижросидаги «Фидо бўл!» қўшиғи учун, учинчи ўрин Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо шеъри Анор Назаров мусиқаси билан айтиладиган «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг Наманган вилояти бўлими хонандаси Малика Эгамбердиева ижросидаги «Ўзбекистон» қўшиғи учун берилди.

Тадбирда кўрик-танлов ғолиб ва совриндорлари иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

8 СЕМЬЯ – НАДЕЖНЫЙ ТЫЛ ОФИЦЕРА

ДЕНЬ РОЖДЕНИЯ КАПИТАНА САЛОМОВА

12 ИДЕТ БОЕВАЯ УЧЕБА

ДЕЙСТВОВАЛИ СЛАЖЕННО И ЧЕТКО

13 МАҲОРАТ

ЮКСАК ЖАНГОВАР ШАЙЛИКНИ КЎЗЛАБ

21 СПОРТ

«ЗОЛОТО» И «СЕРЕБРО» ВАДИМА ШАЕХОВА

ЭЪТИРОФ

Твои герои, Узбекистан!

МАСТЕРСТВО НЕ ПРИХОДИТ САМО

Младший сержант Отабек Обидов не устает повторять слова этой простой истины своим подчиненным. Ведь заместителю командира группы надо не только личным примером, но и словом увлекать за собой воинов.

Впрочем, в этом элитном подразделении, где собрались одни военные профессионалы, как-то не принято напоминать о верности долгу и Родине. Здесь отобраны сильные духом и телом парни, проверенные годами срочной и контрактной службы в обычных подразделениях. Вот и для младшего сержанта О. Обидова путь сюда начинался со срочной службы в мотострелковой части. Старательного солдата заметили командиры, предложили остаться на службу по контракту.

– На младшего сержанта Обидова во всем можно положиться, – так отозвался о нем командир группы старший лейтенант Баходир Аъзамов. – Он способен не только точно и правильно выполнить поставленную задачу, но и сам принять решение в нестандартной ситуации учебного боя, четко оценить все «за» и «против». Эти лидерские качества только укрепляют его авторитет в подразделении.

Поэтому весть о награждении заместителя командиры группы медалью «Содик хизматлари учун» сослуживцы восприняли с большим удовлетворением. Этой медалью по доетоинству был оценен многолетний и плодотворный воинский труд во благо укрепления обороноспособности Отчизны, надежную защиту мирной жизни миллионов простых сограждан.

Вот и в предпраздничные дни воины группы младшего сержанта отправятся на учения в горные районы. В минувшем году она завоевала звание лучшей горной группы в военном округе, так что надо теперь отстаивать это высокое звание. А горы признают только целеустремленных и настойчивых людей, готовых посвятить жизнь повышению мастерства. К таким настоящим профессионалам можно по праву отнести и младшего сержанта Отабека Обидова.

В дни нашей встречи с ним подразделение проходило сборы на одном из полигонов. Воины неустанно трудились день и ночь, оттачивая искусство ведения огня из стрелкового оружия, преодоления полосы препятствий, умение скрытного передвижения на пересеченной местности. Ведь к этим практическим занятиям в горах они готовились на равнине.

Беседуя с военным профессионалом, его товарищами, еще больше убедился в том, что они горят желанием новыми успехами в боевой учебе встретить самый дорогой для нас всех день – восемнадцатую годовщину Независимости.

Майор Анвар КАСЫМОВ.
Фото **автора.**

Ёш офицерлар – Қуролли Кучларимиз келажаги

ДОВОНЛАРНИ ЗАБТ ЭТИБ...

Тинчлигимиз посбонлари, Ватанимнинг марду майдонлари... Сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш, эл-юрт осойишталигини таъминлашдек эзгу ишга умри бахшида шарафли касб эгаларини шундай атагим келади. Уларни кўрганда кўзинг қувнайди, суҳбатларини олганда баҳри дилинг очилади, Ватаннинг эртанги куни порлоқ эканига кўнгилда ишонч мустаҳкамланади. Чунки юрт қўришни зиммаларига олган шунқорларнинг касбига меҳри, она Ватанга чексиз муҳаббати, бурчига содиқлиги сабаб халқ осуда ҳаёт кечирмоқда. Қувонарлиси, бундайлар Қуролли Кучларимиз сафларида ҳам кўплаб топилади. Офицер Абдусамад Юлдашев тўғрисида ҳам шу мулоҳазаларни билдириш мумкин.

Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида туғилиб ўсган ўғлон болалигидан ҳарбийликка меҳр қўйди. Мактабда, ундан кейин Самарқанд тиббиёт институти ҳузуридаги махсус лицей интернатда ўқиб юрган кезларида қалбидаги бу истак, ҳавас асло сусаймади.

– Абдусамадни интилувчан, билимга ташна ўқувчиларимдан бири сифатида яхши эслайман, – дейди Пайариқ туманидаги 27-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Дилбар Жалилова. – Ундаги ҳарбийликка қизиқишга нафақат ўртоқлари, балки биз – устозлар ҳам ҳавас қилардик. Айниқса, чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик фани – унинг жону дили эди. Дарслардан бўшади дегунча кутубхонага, машғулотлар залига югурар, ўз устида ишлашдан чарчамасди. Барчамиз келгусида унинг Ватан ҳимоячиси бўлиб етишишига ишонардик.

Қўлига етуклик гувоҳномасини олгач, у орзусини амалга ошириш, эгнига офицерлик либосини кийиш мақсадида Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга кириш учун ҳужжат топширди. Мактабда устозларидан олган билимлари синовларда муваффақият қозонишида қўл келди ва курсант деган номга муяссар бўлди.

У тўрт йил давомида устоз офицерлардан соҳа сирларини, ҳарб илмини қунт билан ўзлаштирди, соҳанинг етук мутахассиси бўлиб етишишга интилди. Бу борада унга билим юртида сабоқ берган устозлари – офицерлар Шокир Суяров, Носир Ибрагимов, Бекзод Шодмоновларнинг ёрдами катта бўлди.

Ўғлон 2006 йилда билим юртини тамомлаб, ҳарбий қисмлардан бирида фаолиятини бошлади. Билим юртида ўз касбининг жонкуярлари ва усталари бўлган устоз офицерлардан соҳага доир билимларни мукаммал ўзлаштирган ёш командир уларни амалда қўллашда барчага намуна бўла олди. Ҳарб илмини пухта эгаллаганлиги, ҳарбийликни шунчаки касб эмас, балки юксак шон-шараф иши деб билиши, ишга ноанъанавий ёндашиши, зиммасидаги вазифаларини сидқидилдан адо этиши билан у тез орада командирлари ва қўмондонлик назарига тушди. Буни умидли офицерга ёш бўлишига қарамай, масъулиятли вазифаларнинг ишониб топширилганидан ҳам билса бўлади. Фаолиятини гуруҳ командирлигидан бошлаган лавҳамиз қаҳрамони бугунги кунда ҳарбий қисм кимё хизмати бошлиғи лавозимида хизмат қилмоқда.

– Лейтенант Юлдашев ўзининг хушмуомалалиги, намунали хулқи билан ҳарбий жамоада ҳурмат қозонган, – дейди офицер Д. Исроилов. – Шунингдек, соҳага оид билимларни ҳам пухта ўзлаштирган, ўз ишини яхши билади. Муҳими, касбига юракдан меҳр қўйган. Қўл остидагиларга, аввало, қатъиятли ва мард бўлиш лозимлигини уқтиради. У посбонларнинг нафақат жанговар, ижтимоий-сиёсий, жисмоний тайёргарлигига, шунинг баробарида маънавий-руҳий сифатлари шаклланишига, жамоада дўстона муҳит қарор топишига ҳам эътибор қаратди.

Ҳамиша ўз маҳорати ва билимларини оширишга ҳаракат қиладиган офицер ўтган йили дала-ўқув йиғинида гуруҳи билан биргаликда юксак натижаларни қайд этгани учун Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг Эсдалик нишони билан тақдирланди.

Бу мукофот қаҳрамонимизга катта куч бағишлади, десак муболаға бўлмаса керак. Эътибордан руҳланган офицер билимларини янада оширишга, қўл остидаги посбонларни профессионал, маҳорат ва салоҳиятда ҳеч кимдан кам бўлмаган Ватан ҳимоячилари қилиб тарбиялашга бугун алоҳида аҳамият қаратган. Олдинда уни бундан-да шарафли ва масъулиятли вазифалар, довонлар кутиб турибди. Сергайрат, интилувчан, касбига меҳри юксак посбоннинг бу довонларни забт этишига ишонамиз.

Жамшид НИЁЗОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Муаллиф суратга олган.

ҲУҚУҚ

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН

1991 йилнинг 1 сентябридан бошлаб жаҳон сиёсий харитасида янги мустақил давлат – Ўзбекистон Республикасининг пайдо бўлиши тасодиф ёки фавқулодда ҳодиса эмас, балки у она заминимизда асрлар оша ўзбек халқи билан ёнма-ён яшаб, меҳнат қилиб келаётган мамлакатимиз халқларининг асрий орзуси рўёбга чиқиши, олиб борилган узоқ ва машаққатли курашларининг маҳсулидир.

1990 йил 20 июнда «Мустақиллик декларацияси», 1991 йил 31 августда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари ҳақида» Конституциявий қонун Ўзбекистон Парламенти томонидан қабул қилинди. 1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни деб эълон қилинди. Халқимизнинг асрий орзуси, қутлуғ нияти амалга ошди ва ушбу санани ҳар йили улуғ байрам сифатида нишонлаб келмоқдамиз.

2009 йил 23 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Унда, мустақиллик биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, эзгу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандошларимиз қалбидан тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда, шу сабабли ҳам халқимиз, жамоатчилигимиз мамлакатимиз мустақиллигининг ҳар бир санасини муносиб кутиб олиш ва нишонлаш учун доимо катта тайёргарлик кўради, дейилган.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий жабҳаларда, давлат қурилишида чуқур демократик ўзгаришлар юз берди. Яъни юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамияти қурилиши жараёни бошланди. Президентимиз Ислом Каримов шундай дейди: «...Бугун босиб ўтган йўлимизни танқидий ва холисона баҳолар эканмиз, юртимизда миллий давлатчилик, эркин ва обод жамият қуриш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизнинг салоҳияти ва қудратини, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш йўлида қандай улкан марраларни қўлга киритган бўлсак, буларнинг барчасига Конституциямиз белгилаб берган йўл-йўриқларни оғишмай амалга ошириш натижасида эришаётганимизни мамнуният билан таъкидлаш лозим».

Президентимиз раҳбарлигида ана шу эзгу мақсад йўлида самарали ютуқларга эришдик. Халқимиз кенг қамровли ўзгаришлар, беқиёс имкониятлар билан фахрланса арзийди. Юртбошимиз улуғ неъмат мустақиллик байрамини кўтаринки руҳда ўтказиш бўйича мазкур қарорни қабул қилиши ҳам бунинг тасдиғидир.

Мана ўн саккиз йилдирки, халқимиз янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Юртбошимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида 1991 йил 31 сентябрда қўлга киритилган миллий мустақиллигимизни ўзбек халқининг XX асрдаги энг буюк маънавий жасорати намунаси дея таърифлайди.

Таъкидлаш жоизки, халқимизнинг ана шундай маънавий жасорати қаторида мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида, ўтган йиллар ичида турли соҳаларда қозонилган улкан зафарларни ҳам санаб ўтсак адашмаймиз. Зеро, истиқлол йилларида эришилган ва эришаётган ютуқларимиз замирида оқилона сиёсат, маънавиятли халқнинг бунёдкорлик кучи турибди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, миллий қадриятларимиз қайта тикланди, кишиларимиз тафаккури янгиланди. Юртдошларимиз онгу шуурида эртанги кунга бўлган ишонч, мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳисси кучайди.

Ўзбекистон ана шу босиб ўтилган қисқа вақт ичида сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт ва маънавият, ижтимоий ҳаёт, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасида ҳар томонлама ривожланиб, юксалиб, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Бугунги кунда мамлакатимиз Бирлашган миллатлар ташкилоти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти сингари тузилмалар доирасида жаҳон ҳамжамияти билан кенг иқтисодий ва маданий ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон – инсоният руҳининг улуғворлиги ва ақл зиёсининг рамзи, умумбашарий тафаккурнинг бешикларидан бири бўлмиш диёрдир. Мустақил Ўзбекистон – ноёб маданият ва юксак маърифат, Шарқ фалсафаси, инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган адабиёт ва нафис санъат мамлакатидир. Мустақил Ўзбекистоннинг буюк кўҳна тарихи ҳозирги замон ривожланиши билан ўзаро узвий боғлиқ. Унинг ақлзиё ва маънавий-тарихий салоҳияти жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллайди.

Таъкидлаш жоизки, демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даврида иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни ислоҳ қилишни таъминлашга улкан эътибор қаратилгани, кенг кўламли ислоҳотлар изчил давом эттирилаётгани, жаҳон молиявий инқирози оқибатларига қарамай, мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиш суръатлари, аҳолининг ҳаёт ва фаровонлик даражаси барқарор сақланиб қолаётгани, юртимизда қабул қилинган муҳим ижтимоий дастурлар, жумладан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ўз ижобий самарасини бераётганидан.

Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар замирида ҳам юксак маънавий мезонлар ҳал қилувчи омил бўлди. Ислоҳотлар инсон учун, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш учун, деган ҳаётий тамойил амалда ўз ифодасини топди. Ижтимоий ҳаётимизда давлатимиз ва жамиятимиз эътиборини муайян масалаларга қаратиш мақсадида ҳар бир йилга алоҳида ном бериш анъанага айланди.

«Амир Темур» йили, бир-бири билан мантиқан боғланган «Инсон манфаатлари», «Оила», «Аёллар», «Соғлом авлод», «Оналар ва болалар», «Қарияларни қадрлаш», «Обод маҳалла», «Меҳр ва мурувват», «Сиҳат-саломатлик», «Ҳомийлар ва шифокорлар», «Ижтимоий ҳимоя йили», «Ёшлар йили» ва ниҳоят 2009 йилни «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб аташ замирида мамлакатимизда инсон манфаатларини юксак даражада таъминлаш, фуқаролар ўртасида меҳр-оқибат ва ўзаро тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёрдамга, ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳар бир инсоннинг жамият ва давлат эътиборидан четда қолмаслигига эришиш, баркамол авлодни воягa етказиш ва юрт равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган инсонларни улуғлаш, қишлоқ ва шаҳарларимизни кўркамлаштириш, ободонлаштириш билан боғлиқ эзгу мақсадлар мужассамдир.

«Биз учун мустақиллик – энг аввало тақдиримизни қўлга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу Ватанда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, барқарорликни сақлашдир. Азиз Ватанимизда адолат, инсоф, дину диёнат, меҳр-оқибатни қарор топтиришдир. Биз учун мустақиллик – аллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгалик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу-заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод Ватан қолдиришдир. Биз учун истиқлол – миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори, шон-шавкатини кўтарадиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтини кўришдир. Ҳар бир фуқаро учун миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъи назар – эркинлик, тенглик, биродарлик, муносиб шароит яратиб беришдир...», деган эди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Қуролли Кучларимизнинг 17 йиллик байрамига бағишланган мурожаатида миллий армиямиз салоҳияти ва куч-қудратини янада юксалтириш борасида муҳим аҳамият касб этадиган вазифаларни белгилаб бердилар. Хусусан, ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштириш, барча бўғиндаги командирларнинг фаолияти офицерлар, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ҳисси билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш туйғусини янада кучайтиришга қаратилиши лозимлиги алоҳида таъкидланганди. Мазкур вазифа, ўз навбатида армиямизда, шу жумладан давлатимиз сарҳадлари ва чегарамиз хавфсизлигини таъминлаётган чегара қўшинларида ҳарбий интизомни юксак савияга кўтаришни, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш чораларини кўришни тақозо этади.

Бу борада Республика ҳарбий прокуратураси томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этиб келинмоқда.

Ҳарбий прокуратура идоралари ҳарбий қисм, муассаса ва ташкилотларда байрам тантаналарининг юксак савияда ўтишини таъминлаш борасида тегишли ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда қатор ишларни амалга оширмоқдалар. Ҳарбий прокуратура органлари ходимлари томонидан ҳарбий хизматчилар ва аҳоли ўртасида огоҳлик ва ҳушёрликка чақирувчи учрашувлар, мустақиллигимизнинг 18 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Бундай тадбирларда мустақилликни мустаҳкамлаш, истиқлолнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва самараларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юрт тинчлиги – барқарор тараққиёт гаровидир. Халқимиз тинчликни юксак қадрлайди, уни ўз интилишлари, эзгу ниятлари рўёбга чиқишининг муҳим кафолати, деб билади. Зотан, тинчлик ва барқарорлик бўлган мамлакатдагина илм-фан, маданият юксак тараққий этиши, бунёдкорлик ишлари ривож топиши, юрт гуллаб яшнаши мумкин. Бу олижаноб мақсад наинки ҳарбий прокуратура органлари ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди, айни чоғда ҳар бир юртдошимиздан ҳушёр ва огоҳ, фаол бўлишни талаб қилади.

Бизда буюк ғоя ва буюк мақсад бор, халқимизнинг, мустақиллик, озодлик ва демократиянинг, тараққиёт ва фаровонликнинг ҳақлигига, мустақилликнинг абадий бўлишига чуқур ишончимиз бор.

Мана шу юксак ишонч-юксак масъулият ҳаётимиз мазмунига айлансин ва мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Генерал-майор Ш. УЗАКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Республика Ҳарбий прокурори.

Фармон ва ижро

АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИ – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯЧИСИ

Кучли мустақил адвокатура тизими – инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларидандир. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли суд-ҳуқуқ ислоҳотларида адвокатура институтини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани негизида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассам.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида "Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёнида адвокатуранинг ўрни: вазифалар, масъулият ва истиқбол" мавзуида ўтказилган конференцияда мазкур фармон ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар таҳлил этилди.

Адлия вазирининг ўринбосари Е. Каньязов бошқарган тадбирда мамлакатимизда адвокатларнинг ўрни ва мавқеини янада юксалтиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли уларнинг фуқаролар қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги ўрни тобора ошаётгани таъкидланди. Зеро, қонун устуворлиги тамойилини ҳаётга татбиқ этишда фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ҳамда аҳолига кўрсатилаётган юридик ёрдам сифати муҳим аҳамият касб этади. Бу эса адвокатлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Президентимиз фармони асосида адвокатуранинг ўзини ўзи бошқарадиган марказлаштирилган тизими – Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкил этилди. Унга барча адвокатларнинг мажбурий аъзо бўлиши белгиланган тизимнинг яхлитлигини таъминлайди. Айни пайтда соҳа ходимларининг касб этикаси қоидаларига риоя этишини назорат қилиш механизмидир.

Бугунги кунда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиш учун қўйиладиган талаблар янада кучайтирилди. Аввало, адвокатликка номзод шахсларнинг малакасига нисбатан қатъий талаблар қўйилади. Ҳозирги кунда юртимизда фаолият юритаётган барча адвокатлар ана шундай қатъий талаб ва шартлар асосида малака имтиҳонидан ўтказилди.

Адвокатнинг процессуал мақомини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликнинг янада такомиллаштирилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу жиноят процессида айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқлари тенглигини таъминлаш орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга хизмат қилмоқда. Мамлакатимиз раҳбари томонидан 2008 йил 31 декабрда имзоланган "Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун бунга замин яратди. Қонун гувоҳга ҳам адвокат юридик ёрдамидан тўла фойдаланиш ҳуқуқини берди.

Адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ, маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Чунки мазкур кодекс айнан шу масалаларни қамраб олган янги модда билан тўлдирилди. Бу адвокатлик фаолияти эркинлигининг яна бир муҳим кафолати бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси вакиллари, Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган конференцияда яратилаётган бундай имкониятлардан фойдаланиб фуқароларимиз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда юксак профессионал маҳоратини кўрсатаётган адвокатлар сафи кенгаяётгани алоҳида таъкидланди. Соҳани фуқаролар ҳуқуқларининг ҳақиқий ҳимоячисига айлантириш юзасидан қилиниши зарур бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

ОПЫТ

Молодые офицеры – будущее Вооруженных Сил

ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ СТАНОВЛЕНИЕ



Казалось, совсем недавно эти молодые офицеры, выпускники высших военно-образовательных учреждений страны сдавали выпускные экзамены. Сегодня, пополнив офицерский корпус Вооруженных Сил, они полны решимости направить свою энергию и задор на продолжение военного реформирования.

– И для этого руководством страны созданы все необходимые условия, – говорит офицер Салим Ахмедов. – Полевой выход в ходе сборов и результаты по огневой подготовке показывают – все выпускники полны желания служить на высоком профессиональном уровне.

Задачей сборов и является практическое и методическое содействие молодым офицерам в вопросах становления их самостоятельной офицерской деятельности, работе с подчиненным личным составом.

Впрочем, данные сборы ценны и для командования округа. По словам представителя администрации сборов, они позволяют лучше изучить способности молодых лейтенантов, дают им немало полезной информации по особенностям прохождения офицерской службы, закладывают нужное направление в нелегкий период адаптации, работе с личным составом.

– Эти сборы и нам очень нужны, – говорит выпускник Ташкентского высшего общевойскового командного училища (ТВОКУ) лейтенант Бурхонжон Бойназаров. – Уверен, что мои знания, приобретенные на сборах, пройдут проверку на месте службы. Я назначен заместителем командира взвода. Приобретенные навыки буду методично применять при обучении подчиненных.

Выпускники Чирчикского высшего танкового командно-инженерного училища лейтенанты Авазбек Камолов и Рустам Нурманов уже в этом учебном году намереваются бороться за лидерство в соревновании на звание командира лучшей группы. Ведь сформированная психология победителей непременно повлияет и на каждого молодого офицера.

Представитель Самаркандского высшего военного автомобильного командно-инженерного училища (СВВАКИУ) лейтенант Азизбек Абдиев обратил внимание на то, как на сборах преподаватели доводят необходимую в повседневной службе нормативную базу – приказы Министра обороны, директивы начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил.

Лейтенант А. Абдиев хорошо понимает, что эти знания помогут не только должным образом организовать парко- хозяйственную службу, но и в деле оформления документации станут отличным подспорьем.

Приятное впечатление осталось от встречи на сборах с молодыми офицерами. Лейтенанты Шерзод Таджибаев, Алишер Меликов и другие молодые офицеры настроены также добиваться лидерства во вверенных коллективах, добросовестно нести службу, личным участием укреплять оборонную мощь страны.

Капитан Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Бахрома АБДУРАХИМОВА.**

ИШОНЧГА САЗОВОР ПОСБОН

Президентимиз "...Ҳозирги кунда Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки мамлакатимизда орзу қилишга сазовор касбга айланди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз", деган эди Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида. Дарҳақиқат, чақирув ёшига етган ёшларимизнинг миллий армиямиз сафларида хизмат қилишга бўлган иштиёқлари янада кучаймоқда. Эл-юрт корига камарбаста бўлиб, жонажон Ватанимиз сарҳадларини асраш, ҳимоя қилиш йигитларимизнинг олий мақсадига айланиб улгурди.

Оддий аскар Аброр Каримов ҳам ана шундай Ватан ҳимоясини шараф, деб билган йигитлардан. У муддатли ҳарбий хизматга Наманган вилоятининг Косонсой тумани мудофаа ишлари бўлими томонидан чақирилган.

– Мен миллий армиямизда хизмат қилаётганимдан фахрланаман, – дейди оддий аскар. – Сафдошларим қатори ҳарбий хизмат менинг ҳам ҳаётим мазмунига айланган. Йигитлик мактаби аталмиш армияда анча тобланаяпман, чиниқаяпман, кўп нарсаларни ўрганаяпман. Менга айниқса, жанговар, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари кўпроқ ёқди. Билим ва малакамизнинг ошишида қисм миқёсида ўтказилган турли интеллектуал ўйинлар, мусобақалар муҳим ўрин тутмоқда. Анъанавий тарзда ўтказиладиган спорт мусобақалари ҳар томонлама етук посбон бўлиб шаклланишимизга хизмат қилаяпти.

Муддатли ҳарбий хизматга қадар спортнинг енгил атлетика тури билан мунтазам шуғулланган йигит ҳарбий қисмда бўладиган мусобақаларда ҳамиша фаол. Айниқса, қисқа ва узоқ масофаларга югуриш, турникда тортилишда етакчилардан бири.

– Оддий аскар Каримов қисмимиздаги энг илғор посбонлардан биридир, – дейди сержант Ўткир Розиқов. – Айниқса, жисмоний тайёргарлик машғулотларида унинг ўз ўрни бор. Ҳарбий қисмда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган турли тадбирларда ҳам фаол иштирок этиб келади.

Аброрнинг болаликдан спортга ошнолиги унга хизмат давомида анча қўл келди. Командирлари бежизга уни: "Ҳақиқий посбон шундай бўлади", деб мақташмайди, ахир. Ўғлон интилувчанлиги, тиришқоқлиги, хизмати давомида зиммасидаги вазифаларни виждонан адо этиб келиши орқали ҳарбий жамоада ҳурмат қозонди, командирлар назарига тушди.

Тантанали Ҳарбий қасамёд қабул қиладиган куни фарзандларини кўришга келган Файбулло ака ва Инобат опа ҳарбий қисмда аскарларга яратилган қулай шарт-шароитлардан қувонишди. Айниқса, офицер ва сержантлар Аброр ҳақида илиқ сўзларни айтишганда, бошлари кўкка етгудай қувонишди. Ўшанда Файбулло ака ўғлига шундай деганди:

– Ўғлим, қисқа давр ичида ўзингни кўрсатиб, ҳарбий жамоада обрў қозонишга муваффақ бўлибсан, бундан жуда мамнунман. Командирларинг, сафдошларинг сен ҳақингда фақат илиқ сўзларни айтишди. Машғулотларда илғор, фаол аскарлардан бири эканингни ҳам билдим. Бунинг учун минг раҳмат сенга! Ана шу интилувчанлик, шижоат, ғайратни сусайтирма. Ҳарб илмини пухта ўрган. Биз муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини муваффақият билан адо этиб, уйга ёруғ юз билан, ютуқлар билан қайтишингни исташимизни ҳамиша ёдингда тут!



Касб-ҳунар коллежини битириб, ўзининг Ватан олдидаги конституциявий бурчини ўтаётган йигитнинг хизматни бошлаганига ярим йил бўлди. Ўтган давр мобайнида у анча тобланди, жанговар ва жисмоний машғулотларда чиниқди. Дунёқараши, фикрлаши ўзгарди. Энг муҳими, эл корига камарбаста бўлишни шараф деб биладиган, Ватан манфаатларини ҳар нарсадан устун қўядиган, юрт эртаси учун қайғурадиган баркамол инсон сифатида шаклланди.

– Армия менга кўп нарсани ўргатди, – дейди у. – Сабрли, мустаҳкам иродали бўлиш инсонни доимо ғалабага чорлайди. Спортда ҳам, ҳаётда ҳам бу ҳақиқат ўзини намоён қилади. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлгач, Наманган давлат университетига ўқишга кириш истагидаман. Мақсадимга етишимда ҳаёт мактабида олаётган сабоқларим келгусида менга, албатта, асқотади

Ҳа, ҳарбий либоси ўзига ярашган, кўзларида қатъият ва эртанги кунга ишонч акс этган йигитнинг бу орзусига ҳам эришишига ишонамиз.

Абдуллоҳ НИЁЗОВ.
Муаллиф суратга олган.

Для вас, артиллеристы!

ЗАДАЧИ ШЕСТОЙ СЕРИИ

ЗАДАЧА №1

Определить математическое ожидание расхода снарядов для получения хотя бы одного попадания при стрельбе орудием, группой, батареей, если вероятность попадания при одном выстреле p=0,2.

ЗАДАЧА №2

Составить приближенный бюллетень, если имеется устаревший бюллетень «Метеосредний»:

«Метео 1101–15011–0100–51258–02–581704–04–601806–08–612008–12–622311–16–632512–20–622812–24–632911–30–633112–40–613315».

ЗАДАЧА №3

Батарея 122-мм ГД-30 (шестиорудийного состава) заняла боевой порядок: ОП позывной «Байрок» Х=03220, У=64125, высота 175 м, КНП позывной «Уки» Х=99940, У=69010, основное направление стрельбы 20–00. Из предыдущей стрельбы известны пристрелянные поправки: дальности +180 м, направления минус 0–06.

Подавить цель 101-ю, наблюдаемую живую силу и огневые средства в траншее. Полярные координаты цели: Дк=1800 м, дирекционный угол цели 22–17, высота цели 160 м. Фронт цели 0–70.

В ходе пристрелки получены наблюдения:

1. П 47
2. П 6, +
3. П 3, –
4. Л 4, –
5. Цель.

ЗАДАЧА №4

Командир 122-мм ГД-30 пристрелял цель 102-ю на заряде уменьшенном, прицеле 252, шкала тысячных Ку=0,4, Шу–0–03, ОП справа. Новая цель 103-я минометная группа расположена вправо 0–60 от цели 102-й и дальше ее на 600 м. Определить исчисленные установки по цели 103-й.

ОТВЕТЫ НА ЗАДАЧИ 5-Й СЕРИИ

ЗАДАЧА №1

Расход снарядов для получения не менее одного попадания с вероятностью равной 98% должен быть 41 снаряд.

Полученный ответ означает, что в данных условиях стрельбы (вероятность попадания при одном выстреле равна 9%), при большом числе таких стрельб в среднем в 98 стрельбах из 100 можно ожидать получения не менее одного попадания при расходовании в каждой стрельбе 41 снаряд.

ЗАДАЧА №2

Сближение меридианов точки равно: –1 град 4,3 мин.

ЗАДАЧА №3

Пристрелянные поправки по реперу: по дальности +475 м
по направлению +0–21

ЗАДАЧА №4

1. «Кулик», стой. Стрелять группе. Цель 102-я, пещера. Осколочно-фугасным. Взрыватель фугасный. Заряд четвертый. Прицел 96. Уровень 30–08. Основное направление, правее 0–97. Веер сосредоточенный. Второму 1 снаряд. Огонь.
2. Прицел 92. Левее 0–10. Огонь.
3. Прицел 94. Правее 0–04. Огонь.
4. Прицел 93. Левее 0–02. Группе 4 снаряда 10 секунд выстрел. Огонь.
5. Первому. Уровень больше 0–03. Второму уровень больше 0–06. Правее 0–01. Третьему. Уровень меньше 0–03. Группе. Огонь.
6. Первому. Уровень больше 0–03. Правее 0–01. Второму. Уровень меньше 0–03. Левее 0–01. Третьему. Уровень больше 0–02. Правее 0–01. Группе. Огонь.
7. Второму. Уровень больше 0–02. Правее 0–01. Группе. Огонь.

Стой. Записать. Цель 102-я. «Шамол» по цели 102-й стрельбу закончил. Расход 51.

ИСЛОҲОТ

БУ КУНЛАРНИНГ ШУКУҲИ ЎЗГАЧА

Она Ўзбекистон шу кунларда улкан тўй тараддудида. Яқин кунлар ичида муборак мустақилликнинг ўн саккиз йиллиги тантаналар билан нишонланади. Бу улуғ байрам арафасида юртимизда амалга оширилган муҳим ишлар бисёр. Ҳар соҳанинг ўз ютуқлари, муваффақиятли, зафарли одимлари мўл...

Ўзбек миллий армияси... Сафларида миллатнинг минг-минглаб миллатпарвар фарзандлари хизмат қилаётган армиямиз ғоят улкан ва жиддий шаклланиш жараёнини босиб ўтди. Узоқ ва интиқ кутилган муборак мустақилликнинг таянчи ҳам мустаҳкам бўлмоғи даркор эди-да. Мамлакатимиз раҳбарияти даставвал ана шу масъулиятли вазифага эътиборини қаратди. Бу эътибор Қуролли Кучларимизда олиб борилган изчил ислоҳотларда яққол намоён бўлди.

Ҳа, бугун ишонч билан шуни айта оламизки, юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини муносиб ҳимоя қиладиган, ҳар қандай ташқи хавф-хатар ва тажовузларга зарба беришга қодир, замон талабларига жавоб бера оладиган она Ўзбекистонга мустаҳкам, метин қалқон бўла оладиган профессионал асосдаги миллий армиямиз мавжуд. Ўтган йиллар Қуролли Кучларимиз учун янгиланишлар, улкан ўзгаришлар даври бўлди. Муддатли ҳарбий хизматни ўташ тартиби такомиллаштирилди. Армиямизга янгича анъаналар кириб келди. Муҳим янгиликлардан бири — сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат бугун ҳеч ким учун сир эмас.

Дарҳақиқат, сафларида юзлаб юрт фарзандлари хизмат қилаётган мазкур хизмат тури бугунги кунда ўзини батамом оқлади. Ушбу хизмат турининг дастлаб йўлга қўйилган кунлари ҳали кўпчиликнинг ёдида, албатта. Хизматнинг ҳудудий тамойил асосида ойлик йиғин тарзида ташкил этилиши кенг жамоатчиликнинг, биринчи галда ота-оналарнинг эътиборини торттан эди. Ҳарбий соҳа мутахассисларининг оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлари, кенг тарғибот-ташвиқот ишлари мазкур хизмат тури ҳақида халқимизга батафсил маълумотлар берди. Мамлакат ёшлари учун яна бир қулайлик бўлган сафарбарлик чақирув резервидаги хизмат турининг мазмун-моҳиятини юртдошларимиз янада теранроқ англадилар. Эндиликда ёшларимиз мазкур хизматни катта имконият сифатида қабул қилиб, зўр мамнуният билан ўтамоқдалар. Қуйида ана шундай ёшларимиздан бир гуруҳи ҳақида сўз юритамиз.

МЎЪЖИЗАКОР КАСБ ЭГАСИ

Мен муаллимни мўъжиза яратувчи инсон деб таърифлашларини ҳақли деб биламан ва ўзим ҳам ҳар гал улар ҳақида гап кетганида, шу таърифни қайта-қайта такрорлагим келади. Сафарбарлик чақирув резервидаги хизмат ойлик йиғинини ўтаётган фуқаро Алишер Шоғуломов ана шундай мўътабар касб эгаси.

Алишер шифокорлар оиласида вояга етган. Бу касб эгалари ҳамиша эл хизматида бўлишларини ҳаммамиз яхши биламиз. Муаллим йигит ҳам бу борада ота-онасининг энг яхши хислатларини ўзлаштирган. Оиланинг катта фарзанди ҳар томонлама ота-онасига муносиб бўлиб улғайди.

У пойтахтдаги Жаҳон тиллари университетида таҳсил олган. Болаликдан тил ўрганишга иштиёқи баланд эди. Бугунги кунда ўзбек тили билан бир қаторда рус, инглиз, турк тилларини мукаммал ўрганган. Бугун у Паркент тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш коллежининг алоҳида иқтидор соҳиби бўлган ёш муаллимларидан биридир.

ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ

Ойлик йиғин иштирокчиларидан яна бири фуқаро Иномжон Абдураҳмонов. У Ўзбекистон туманининг Тоғай қишлоғидан. Қишлоқ муаллимлари оиласида вояга етган. Ниҳоятда зукко йигит. Тошкент давлат юридик институтида таҳсил олган.

Иномжоннинг ойлик йиғинда иштирок этаётганига саноқлигина кунлар бўляпти. Бу қисқа кунлар ичида у нимаси билан командирлар эътиборига тушди экан? Шу савол билан тарбиячи офицер Шуҳрат Атахановга мурожаат қилганимизда қисқагина қилиб шундай жавоб қилди:

– Тартиб-интизоми, билимдонлиги ва билимини бошқаларга жуда қизиқарли ва содда қилиб етказиб бериши билан ажралиб туради.

Дарҳақиқат, бугунги кун ёшларида илмга чанқоқлик кучли. Бунда улар тарбия олган оила муҳитининг ҳам таъсири катта. Иномжон қишлоқ зиёлилари оиласида улғайган. Оилада тўрт да. Ёшликка куч-ғайрат, ёруғ орзулар, дадиллик хос. Ёш муаллимни ҳам шарафли касб фидойилари сафида кўрсак, ажаб эмас.

ҲАЁТНИНГ УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАРИ

Ойлик йиғин иштирокчиси фуқаро Омонулла Файзиевнинг касби журналист. У «Халқ сўзи» газетасининг ҳарбий ватанпарварлик бўлимида фаолият юритади. Армия ҳаётини яқиндан билади. Бу фақат касб тақозоси билан боғлиқ эмас. Унинг отаси ҳам шарафли вазифада бир неча йиллардан буён фидокорона хизмат қилиб келмоқда. Болалар кўпроқ ота касбига ҳурмат ва ҳавас руҳида улғаядилар. Бу ҳолат Омонулла учун ҳам бегона эмас. Унинг шарафли касбга айрича меҳри бор. Буни у тайёрлаган ҳарбий мавзудаги қатор мақола ва лавҳалардан ҳам билиш мумкин.

«Тартиб бор жойда ишда самара бор», – бу журналист йигитнинг ҳаётий тамойилларидан бири. Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларга кенг имконият эшиклари очилган. Ўз навбатида интилувчан йигит-қизларимиз бундан унумли фойдаланиб келмоқдалар. Омонулла Файзиев халқаро журналистика фа-

Алишернинг гап-сўзларидан ўз касбини беҳад ардоқлаши сезилиб туради. Ўз ўзидан касбга бу қадар меҳр қаердан пайдо бўлгани билан қизиқасиз:

– Мен асли таржимонлик йўналиши бўйича таҳсил олганман, – дейди Алишер Шоғуломов. – Университетда ўқиш жуда қизиқарли кечган. Айниқса педагогик маҳорат фанидан сабоқ берадиган устозимиз профессор Саттор ака Қобиловнинг маърузаларини барчамиз бирдек қизиқиш билан тинглар эдик. Айнан шу инсон кўплаб талаба тенгдошларим каби менда ҳам педагогикага чуқур ҳавас уйғотган. Ўқувчи ёшлар билан ишлашда, ҳар бирининг қалбига йўл топиш, фан сирларини қай тариқа етказиш борасида қимматли сабоқлар, йўл-йўриқлар берган. Бугун педагогика соҳасида эришаётган ҳар бир ютуғимда устозимнинг беминнат меҳнатлари мужассам.

Ёш муаллимнинг ойлик йиғин ҳақидаги мулоҳазалари билан қизиққанимда ўз фикрларини, тўғрироғи, таассуротларини шундай баён қилди:

– Албатта, дастлабки кунлар бироз қийинроқ кечди. Назаримда командирларимиз ҳаддан ташқари қаттиққўллик қилаётгандек туюлган эди. Тез кунда талабчанлик жуда зарур эканлигини тушуниб етдим. Чунки қисқа фурсат ичида ҳарбий соҳадан тегишли билимларни эгаллаш осон эмас. Бу борада бизга катта лейтенант Сарвар Хайруллаев, сержант Шавкат Раҳмоновлар сабоқ бермоқдалар. Кўргазмали воситаларнинг кўплиги, ўқув-тренажёрлар ҳарбий кўникма ва билимларни чуқур эгаллашимизда муҳим ўрин тутмоқда.

Фикрлари теран, сермулоҳаза, камтар йигитнинг ҳарбий касбга ҳурмати баланд. Бунда ойлик йиғинда фаолият юритаётган офицерларнинг шахсий намунаси ҳам сабаб бўлса керак. Алишер муаллимлик фаолиятини ҳарбий соҳада давом эттириш орзусида фарзанд бўлиб, ҳаммалари олий маълумотли.

У мутолаани жон-дилидан севади. Шу сабабли суҳбатлари ҳам кишини ўзига тортади. Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Наср Форобий асарларини ҳозирги давлатчилигимизга хос жиҳатларини чуқур ўрганган. Европа давлатчилиги асосида ҳам буюк аждодларимиз ғоялари ётишини илмий равишда асослаб бера олади. Унинг сўзларига бир эътибор беринг-а:

– Армия ҳақида тасаввурларим кескин ўзгарди. Маънавий тарбияга бу қадар юксак аҳамият берилишини тасаввур қилмагандим. Кўз олдимга фақат жанговар машғулотларгина келганлиги рост. Биз институтда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарини ўқиб-ўрганганмиз. Унда жумладан, шундай дейилади: «...бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Қаердадир бўшлиқ пайдо бўлдими, ҳеч шубҳасиз, уни албатта кимдир тўлдиришга ҳаракат қилади. Ҳозирги кунда ким кўп – ана шундай маънавий бўшлиқни тўлдиришга уринадиган, шунинг ҳисобидан ўзининг ғаразли мақсадларини амалга оширишни ўйлаб юрганлар кўп». Армиядаги маънавий тарбияга берилаётган эътибор, огоҳлик ва ҳушёрликка даъват асарда айтилаётган, чорланаётган мақсадга тамомила мувофиқ келади. Армия мактабини ўтаган ҳар бир йигит ҳеч қачон жамиятимизда бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймайдиган юксак маънавиятли инсонлар бўлишига шубҳа йўқ. Мен ойлик йиғинни биз ёшларга берилган катта имкониятлардан бири деб биламан. Бундай имкониятларга яраша жавоб беришга интиламан.

Иномжоннинг орзулари юксак. Келажакда ҳуқуқ-тартибот соҳасининг етук мутахассиси бўлишга аҳд қилган. Келажаги буюк юртнинг демократик қурилишида унинг ҳам муносиб ҳиссаси бўлади.

культетида таҳсил олган. Магистратурани ҳам муваффақиятли тамомлади. У илмий изланишларини яна давом эттириш мақсадида аспирантурага ўқишга кирди. Айни кунда «Сайлов жараёнларининг ёритилишида матбуот моделлари. Ўзбекистон– Испания мисолида» мавзусида илмий иш олиб боришни режалаштирган.

– Инсон ҳаётида унутилмас лаҳзалар кўп, – дейди у биз билан суҳбатда. – Ойлик йиғин менинг ҳаётимда ана шундай из қолдиради. Нафақат менинг, балки шу кунларда бу ерда иштирок этаётган барча тенгдошларим қалбида унутилмас кунлар шукуҳини қолдириши шубҳасиз. Яқин кунлар ичида мамлакатимизда энг улуғ, энг азиз байрам Мустақиллик куни кенг нишонланади. Биз ана шундай муборак айём арафасида юртга содиқлик учун Ҳарбий қасамёд қабул қиламиз. Бунинг масъулияти юксак, бу юксак шарафдир. Ана шундай улуғ кун арафасида она Ватанга садоқат баётини айтаётганимиздан барчамиз ифтихор қилиб турибмиз.

Омонулла шу сўзларни айтаётганида тенгдошлари орасида бир ажиб мамнуниятга тўлиғ жонланишни илғайман. Келинг, бу ҳақда кейинги мақолаларимизда янада батафсилроқ тўхталамиз.

Ойлик йиғин иштирокчилари билан суҳбат жараёнида бугунги кун ёшларининг миллий армиямизга бўлган чексиз ҳурмат ва ишончларини илғаб оласиз. Уларнинг теран фикрлари, мулоҳазалари, юрт тақдирига ўзларини дахлдор деб билишлари мамлакат эртаси ишончли қўлларда эканлигини янада ёркинроқ англатади.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

ЖАРАЁН

ТОҒ ЧЎҚҚИЛАРИНИ ЗАБТ ЭТИШМОҚДА

Маълумки, мамлакатимиз ҳудудининг 30 фоизи тоғлардан иборат. Шундан келиб чиққан ҳолда Қуролли Кучларимизда тоғ тайёргарлиги тизимини такомиллаштириш бўйича қарор қабул қилинган эди. Бугунги кунда мазкур қарор асосида бир қатор самарали ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Тоғ тайёргарлиги жанговар шайликнинг асосий бўғинларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан ҳам посбонларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини, маҳорат ва тажрибаларини янада ошириш мақсадида ўқув режаларига тоғ тайёргарлиги бўйича дала машғулотлари киритилган бўлиб, унда ҳарбий хизматчиларимиз соҳа бўйича ҳам назарий, ҳам амалий билимларни эгаллашмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Қуролли Кучларимизда турли танловлар анъанага айланиб бораяпти. Шулардан бири «Тоғ тайёргарлиги бўйича энг яхши гуруҳ» танловидир. Мазкур танловнинг биринчи ва иккинчи босқичлари муваффақиятли якунланиб, республика босқичида иштирок этувчи гуруҳлар таркиби аниқлаб олинган. Бугун танлов якунловчи босқичининг очилиш маросими бўлиб ўтади. Танлов жараёнлари ҳақида газетамизнинг кейинги сонларида батафсил маълумот берамиз.

Қуйида танловда тўғридан-тўғри иштирок этиш имкониятини қўлга киритган Тошкент олий ҳарбий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг курсантлари ва Тоғ тайёргарлиги кафедраси йўриқчиларидан иборат гуруҳ ҳамда уларнинг тайёргарлик жараёнлари тўғрисида сўз юритмоқчимиз.

Ҳозирги вақтда Мудофаа вазирлиги қўшинларида тоғ тайёргарлиги бўйича йўриқчилар, кичик мутахассисларни тайёрлаш бўйича аниқ мақсадли ишлар олиб борилмоқда. Бу жараён мазкур билим юртининг ўқув базасида амалга оширилмоқда. Бунда Тоғ тайёргарлиги кафедраси офицер ва йўриқчилари замон талабларидан келиб чиққан ҳолда курсантларга соҳа сир-асрорларини ўргатиб келишяпти. Энг қувонарлиси, бу йил илк бор курсантлар Республика альпинизм ва қояга кўтарилиш спорти федерацияси билан ҳамкорликда «Катта Чимён» (баландлиги 3309метр) чўққисини забт этишди. Улар турли мураккабликларга эга баландликларга беш маротаба кўтарилишиб, альпинизм бўйича учинчи тоифа талабларини тўлиқ бажаришди.

Дарҳақиқат, Тоғ тайёргарлиги кафедрасида йўриқчи вазифасида хизмат қилаётган кичик командирлар курсантларга соҳанинг назарий ва амалий билимларини етказиш, тоғли ҳудудларда ҳаракат қилиш, жойлашиш, тоғли тўсиқ, дара, дарё ва жарлардан талафотсиз ўтиш, уларнинг ҳарбий альпинизм бўйича маҳоратларини оширишда жонбозлик кўрсатиб, Қуролли Кучларимиз сафларининг малакали офицерлар билан тўлишига муносиб ҳисса қўшиб келишяпти.

Билим юртида ташкил этилган тоғ тайёргарлиги майдончасида бўлганимизда йўриқчиларнинг курсантлар билан олиб бораётган амалий машғулотларини кузатиб, бунга ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик.

– Кафедрамиз ўқув мавсуми режасига дала-ўқув машғулотларини киритиб, курсантларнинг билим ва маҳоратларини оширишга улкан эътибор қаратганмиз, – дейди тоғ тайёргарлиги бўйича йўриқчи, кичик сержант Зокир Яллакаев. – Улар тоғли ҳудудда ҳаракат қилиш, яшаш ва жанговар вазифани бажариш бўйича амалий тайёргарликлардан ўтишади. Тоғда тенисликдан кўра ҳаракат қилиш бир қанча қийинчиликларни туғдиради. Айниқса, тоғли ҳудудлар қор, муз билан қопланган вақтда гуруҳ билан биргаликда ҳаракат қилиш мукаммал билим ва маҳоратни талаб этади. Шуларни инобатга олган ҳолда, курсантларга амалий машғулотларни кўргазмали восита ҳамда жиҳозлар орқали олиб боришга интилаяпмиз. Танловнинг республика босқичига пухта ҳозирлик кўрдик. Ишончим комилки, курсантларимиз бор билим ва маҳоратларини намойиш қилишиб, илғорлар сафидан жой олишади.

Дарҳақиқат, тоғли ҳудудларда тўсиқларни осон енгиб, ҳаракат қилиш учун зарур тоғ анжомлари билан ишлаш биринчи вазифа ҳисобланади. Шу сабаб, курсантларнинг тоғ анжомларини керакли жойда тўғри ва аниқ қўллай билишлари энг асосий омил бўлиб, бу борада анча тажрибага эга бўлмоқ лозим. Тоғ тайёргарлиги бўйича йўриқчи, кичик сержант Толиб Ражабов машғулот давомида курсантларга тоғ анжомлари ҳисобланмиш музёрар, чангак, кўкрак ва бел боғлами, карабин, саккизлик халқа, асосий ва ёрдамчи арқон, илгаклар, қоя ва муз қозиқларидан фойдаланиш сир-асрорларини пухта ва мукаммал ўргатишга ҳаракат қилаяпти.

– Курсантларда бу машғулотга нисбатан қизиқиш жуда кучли, – дейди кичик сержант Т.Ражабов. – Бугун биз курсантларга тоғ анжомлари ва улардан фойдаланиш ҳамда тоғ дараларидан, дарё ва жарликлардан ўтишни ташкиллаштириш, қояга кўтарилиш, шахсий таркибни совуқдан асраш, қорли ёнбағирларда ҳаракатланиш усуллари, музликларга кўтарилиб тушиш ва тоғда жойлашиш бўйича амалий машғулотларни ўтяпмиз. Танловда иштирок этадиган курсантлар билан алоҳида машғулотлар олиб бориб, уларнинг билим ва маҳоратларини янада оширишга эътибор қаратдик.

Курсантлар – Умид Камолов, Маъруф Олимов, Бобур Нурматов, Руслан Раҳимов, Акмал Ҳайдаров, Тоҳир Отамирзаев, Анзор Мейлиев, Давлат Ваҳобов, Сайфиддин Саидов кабилар тоғ тайёргарлиги бўйича пухта билимларни ўзлаштиришиб, танловнинг якуний босқичида фаол иштирок этиш ва шоҳсупадан жой олиш учун ҳаракат қилишяпти.

Ишончимиз комилки, ўз касбининг устаси бўлишга интилаётган бўлажак офицерлар олдиларига қўйган мақсадларига эришиб, «Тоғ тайёргарлиги бўйича энг яхши гуруҳ» кўрик-танловининг республика босқичида кўтаринки кайфиятда иштирок этишиб, билим юрти шарафини муносиб ҳимоя қилишади.

Кичик сержант Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Муаллиф суратга олган.

БАЙРАМ ШУКУҲИ

БУНЁДКОР ҲАРБИЙЛАР ШИЖОАТИ

Истиқлол сабаб бугун мамлакатимизда қурилиш соҳасида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизнинг барча ҳудудларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, қурилиш-тиклаш, ободонлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, ўтган қисқа давр мобайнида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, чирой очди. Барпо этилаётган муҳташам ва салобатли биполар, кўркам иншоотлар, жаҳон андозаларига мос равон йўллару замонавий кўприклар, лицей, коллеж ҳамда олий ўқув юртлари, кўп қаватли тураржой бинолари кўзимизни қувнатиб, юрагимизга фахр ва ғурур туйғуларини солади. Зеро, бундай бунёдкорлик ишлари юрт ободлиги, халқ фаровонлиги учун хизмат қилмоқда. Халқимизнинг улкан яратувчанлик салоҳиятининг амалдаги ёрқин ифодаси бўлган бундай ишлар қадимий ва замонавий меъморчилик анъаналарига уйғун ҳолда олиб борилаётгани эътиборга лойиқдир. Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, олиб борилаётган қурилиш ишларида ҳарбий қурувчиларимиз ҳам ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшиб, ҳарбийларнинг ҳар жабҳада фаол эканликларини амалда исботлашмоқда. Мустақиллигимизнинг 18 йиллик тўйи арафасида улар тўйга тўёна тариқасида кўплаб янги бинолар, иншоотлар барпо этиб, фойдаланишга топшириш тараддудида. Шу боисдан зиммаларидаги ушбу масъулиятли вазифа сабаб, айни қизғин паллада бунёдкорларимиз жавлон уриб меҳнат қилишмоқда.

Қуриш, яратиш, обод этиш йўлида яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланаётган, изланувчан лойиҳачи, моҳир меъморлар билан ҳамкорликда маҳоратларини намоён этаётган қўлигул бунёдкорларимизнинг меҳнатлари ҳар қанча таҳсинга лойиқки, айни кунда мамлакатимизнинг қай бир ҳудудига борманг уларнинг қурилиш майдонларидаги ғайрат-шижоатига гувоҳ бўласиз. Қурувчиларимиз тез ва соз, мустаҳкам ва сифатли бинолар бунёд этиш, уларни белгиланган вақтда фойдаланишга топшириш учун замонавий техника воситалари билан ҳар бир дақиқадан, зарур қурилиш воситаларидан унумли фойдаланишмоқда. Уларнинг қилаётган машаққатли меҳнатлари самараси иншоотлар кўркамлигида ҳам намоён бўлмоқда.

Меҳнат жараёни кетаётган қурилиш майдонидамиз. Ҳарбий хизматчиларнинг оилалари истиқомат қилиши кутилаётган ушбу тураржой бинолари етмиш икки хонадонга мўлжалланган. Яқин кунларда фойдаланишга топширилиши кўзланаётган объектда ишлар қизғин кечмоқда. Қурилиш-тиклаш, сантехника, пардозлаш, ободонлаштириш ишларининг барчаси тезкорлик билан бажарилаяпти.

– Қурувчи деган шарафли касбни эъзозлаб, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун қулайлик ва фаровонлик яратаётганимиздан, шу орқали мустақил Ўзбекистонимиз кўркига кўрк қўшаётганимиздан бениҳоя фахрланамиз, – дейди биз билан суҳбатда масъул офицер Баҳром Солиев. – Гувоҳ бўлганингиздек қурилиш ишлари авж паллада. Меҳнат интизоми ва ҳарбий интизом асосида ҳар бир ишчи ўзига бириктирилган вазифани астойдил бажармоқда. Аскарларимиз орасида ҳар жиҳатдан фаол ва изланувчан йигитлар кўпчиликни ташкил қилади. Яна қўлигул ҳунарманд йигитларимиз ҳам талайгина. Уларнинг ўз вазифасини моҳирлик билан бажараётганини кўриб кўз қувнайди. Ниятимиз, ҳар томонлама қулай ва шинам бино барпо этиб, ҳарбий оилалар қувончига-қувонч қўшиш. Бунинг учун ҳамжиҳатлик билан бор куч-ғайратимизни ишга солаяпмиз.

Капитан Бахтиёр Ниёзов етакчилик қилаётган взвод шахсий таркиби қурилиш ишларида илғорликни қўлдан бой бермай келаяпти. Айни пайтда ушбу объектда жамоа замонавий қурилиш ашёси бўлган гипсокартон билан ишламоқда.

– Бир йигитга қирқ ҳунар оз дейишади, – дейди капитан Б. Ниёзов. – Чунки йигитлардаги шижоат уларнинг кўп ишларга қодир эканлигини кўрсатади. Аскарларимиз ғишт териш, сувоқ қилиш, кафель ётқизиш, пардозлаш каби ишлардан керакли тажрибага эгадирлар. Бунга уларнинг бажараётган ишлари ҳам исбот бўлади. Эндиликда ҳар бир ҳунар эгаси қурилиш майдонида ўз маҳоратини намойиш этиб, иш сифатига алоҳида эътибор қаратмоқда. Қулай шарт-шароитга эга бўлган, чиройли пардозланган ушбу бинолар ҳарбийларга манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

Шу ўринда ўз ишининг усталари саналган монтажчи, сувоқчи, сантехник, электрчи, дурадгор, пайвандчи, меъмор, пардозчи ва бошқа ҳунар эгаларининг меҳнатларини, уларнинг ғайрат-шижоатини айтиб ўтиш ўринлидир, албатта. Офицер Баҳром Солиев таъкидлаганидек, бунёдкор аскарлар орасида ҳарбий хизматга қадар ҳунар ўрганиб, бу ҳунарлари орқали эл олқишига сазовор бўлган, бугун ушбу объектда ҳам етакчилик қилиб келаётган йигитлар кўпчиликни ташкил қилар экан. Оддий аскар Ботиржон Норқулов ана шундай ўз соҳасининг билимдонларидан.

У Самарқанд вилояти, Оқдарё туманидан. Ҳозирда ҳарбий қурувчилар қаторида хизмат қилиб ўз йигитлик бурчини ўтамоқда.

Ботиржон қўлигул дурадгор. Биз унинг ишларини кузатиб шунга амин бўлдикки, у анча тажрибага эга бўлган моҳир уста. Дурадгорлик ишларида унга етадигани йўқ. Биз Ватан посбонлари орасида ҳам амалий санъат давомчилари борлигидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Айни дамда у яратаётган эшик ва ром намуналари биноларни пардозлаш ишларига янада кўрк бағишламоқда. Замонавий техникалардан, хориж ва маҳаллий қурилиш ашёларидан самарали фойдаланаётган посбон бунёдкорликда янги илғор технологияларни ҳам қўллашга эътибор қаратган.

– Болалигимдан дурадгорликка меҳр қўйганман, – дейди оддий аскар Б. Норқулов. – Бунда отам – Холмурод Норқуловнинг ҳиссалари катта. Чунки у киши ҳам моҳир дурадгор бўлиб, туманимиздаги кўпгина бино ва иншоотларнинг қурилишига меҳнатлари сингган. Мен эса болалигимда отамнинг ёнида туриб уларнинг ишлари кузатиб ўтирардим. Кейинчалик эса отамга ёрдам бера бошладим. Шу орқали дурадгорлик сирасрорларини пухта эгаллашга киришдим. Мана шундан буён ота-боболаримизнинг анъаналарини давом эттириб келаяпман.

Оддий аскар Азиз Олимов ҳам сафдоши Ботиржон каби тажрибали ҳунармандлардан. Пардозлаш ишларини ҳар томонлама сифатли ва тез бажараётган бу йигит меҳнаткашлиги ва ўзига бириктирилган вазифага виждонан ёндашиши туфайли сафдошлари орасида ҳурмат-эътиборга эга. Ҳозирда у етакчилик қилаётган гуруҳ «Энг илғор пардозловчи жамоа» деб эътироф этилмоқда.

– Фарғона вилояти, Тошлоқ туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилганман, – дейди оддий аскар Олимов. – Ўтган давр мобайнида анча чиниқдим. Чунки вақтни қадрлаб, қатъий режа асосида ишлашни ўргандим. Бундан ташқари эгаллаган ҳунарим иш жараёнида янада сайқалланаяпти, тажрибам ортаяпти. Мактабдан сўнг касб-ҳунар коллежида таҳсил олганман. Ушбу билим даргоҳида ўрганганларим бу ерда асқотаяпти. Дадам ҳам пардозчи-уста сифатида қишлоғимизда кўпчиликнинг оғирини енгил қилган. Мен дадамнинг меҳнатини, у киши яратган гўзаллик намуналарини кўриб завқланардим. Бу қизиқишим кейинчалик қатъий мақсадга айланди ва мен ҳам шу ҳунарни дадамдан мукаммал ўрганишга ҳаракат қилдим. Хизматни бошлаганимизнинг дастлабки кунларида гуруҳимиздаги йигитларга йўл-йўриқ бериб, ушбу ҳунарнинг ўзига хос томонларини ўргатдим. Натижалар эса жуда яхши. Зукко ва билимли сафдошларим ҳар бир ўрганганларини амалиётда моҳирлик билан қўллашаяпти. Уларни бугун бемалол қўлигул ҳунарманд йигитлар сафига киритиш мумкин.

Оддий аскар Суҳроб Турсунов хизмат давомида ҳунар ўрганган посбонлардан. Аввалига сувоқ ишларини сифатли адо этган бу ўғлон, айни дамда пардозлаш бўйича ҳам яхшигина кўникмага, тажрибага эга. Бу эса биноларнинг пардоз ишларида ўзининг ёрқин ифодасини топаяпти.

– Ҳарбий хизматни қурилиш қисмида ўтаётганимдан жуда мамнунман, – дейди оддий аскар биз билан суҳбатда. – Менда аввалдан ҳунар ўрганишга иштиёқ кучли. Шу боис ўзимга бириктирилган вазифани астойдил уддалашга ҳаракат қилаяпман. Ўйлайманки, мақсадимга эришаяпман.

Чин кўнгилдан, юрак қўрини бериб қилинган меҳнат самарали бўлади. Шу ўринда улуғ бобокалонимиз Аҳмад Донишнинг ҳунар ҳақида айтган ушбу ибратли фикрлари ёдимизга тушади: «Бир ҳунарнинг бошини ушланглар. Шу билан жамиятга ҳам ёрдам қилган бўласизлар. Қайси бир ҳунар, қайси бир касбни қилмоқчи бўлсанглар, ундан кутилган мақсад халқ учун фойда етказиш бўлсин...»

Ҳа, шарафли ва машаққатли қурувчилик касбини эъзозлаб, қадр топаётган, меҳнатлари муносиб эътирофга сазовор бўлаётган бунёдкорларимизнинг мақсади битта, у ҳам бўлса юрт фаровонлиги учун хизмат қилиш. Шунинг учун қурилиш майдонларида илғорлик ва фаоллик билан меҳнат қилишаяпти. Шундай экан биз уларнинг ишларига унум ва барака тилаган ҳолда «Қўлларингиз асло толмасин, ҳарбий бунёдкорлар!» деб қоламиз.

Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.



ОИЛА ГУЛШАНИ

Семья – надежный тыл офицера

ДЕНЬ РОЖДЕНИЯ КАПИТАНА САЛОМОВА

Свой двадцать седьмой день рождения капитан Зафар Саломов запомнит надолго. Сюда в отдаленный гарнизон приехали из далекой Ферганы мама Зухрохон-апа и братишка Сахибназар. Однако главным подарком судьбы офицер считает встречу с супругой Мунирой, которую полюбил однажды и навсегда.

Эта встреча бесповоротно изменила жизнь тогда еще курсанта ТВОКУ Зафара Саломова. Возвращаясь из увольнения, парень случайно встретился с симпатичной девушкой, студенткой Узбекского государственного университета мировых языков. Ему удалось уже на первой встрече взять ее телефон, но курсант еще не верил своей удаче. Все-таки УзГУМЯ! Но Мунира оказалась девушкой простой, к тому же из соседнего кишлака.

Молодые люди встречались долго, словно проверяя свои отношения на прочность. Так что в кишлаке Кахат Багдадского района Ферганской области веселая свадьба гуляла лишь тогда, когда на плечах нашего героя сверкали капитанские звездочки.

Сыну Шохжахону, делающему сейчас первые шаги, еще не скоро предстоит узнать о том, как судьба свела его папу и маму. Самое главное – эта судьба щедро наградила молодую чету за верность чувствам, за умение видеть только лучшее в любимом человеке.

– У нас сейчас сложилась военная династия, – рассказывает капитан З.Саломов. – Я в семье старший сын, мой братишка Шохназар сержант, служит в элитных подразделениях. Еще один младший брат, Абдуназар, тоже сержант, служит со мной в одной части. Он здесь начинал солдатом срочной службы, а потом остался на контракт военным водителем.

Так что мама с младшим братом приехали в отдаленный город на юге страны проведать не только его. Этот день рождения станет памятным для капитана З. Саломова не только в связи с приездом близких людей. В эти дни он успешно принял участие в конкурсе «Энг ибратли оила» («Самая образцовая семья»), заняв в гарнизоне почетное третье место.

– Семью офицера Саломова в нашей части всегда ставим в пример молодым семьям, – говорит инструктор по работе с членами семей военнослужащих войсковой части Райхон Кулназарова. – Поэтому неудивительно, что именно эта семья на гарнизонном уровне выступила достойно. А требования были предельно жесткими. Надо было показать высокий уровень интеллекта, находчивости и смекалки, супруга должна была и кулинарными талантами блеснуть.

В разговоре за достарханом молодой офицер подчеркнул, что он советовал бы лейтенантам, только что прибывшим после училища в войска, не спешить со свадьбой.

– Надо же сначала хорошо освоить должность, изучить личный состав и вооружение, а это требует усидчивости и кропотливого труда, – говорит он. – На заботы о семье может не хватить времени, и это будет обижать супругу, может стать причиной для конфликтов.

Вот так, не по годам мудро рассудил этот молодой офицер. Видя, как счастливым блеском загораются глаза супругов при встрече, как они заботливо ухаживают за сыном, радовался крепости их семейных уз. Такой союз должен существовать долго, ведь он сложился не за день или месяц, к нему оба молодых человека терпеливо шли годами. В такой обстановке и служится офицеру легко и просто. А значит, успехов в службе долго ждать не придется.

Майор Анвар КАСЫМОВ.
Фото **автора.**

ДУНЁНИНГ БИР ҚАВАТИ

Ёруғ дунё ичра кўнгил йўққи у бахт ҳақида орзу қилмаса, бахтли бўлишни истамаса, энг яқин одамларига бахт тиламаса.

Кексаларимиз бирор ишимиздан мамнун бўлишса дарров қўл очиб "раҳмат, илоё бахтли бўлгин" дейишади. Ёшларнинг қовушиш тўйларини ҳам бахт тўйи деб атаймиз. Тўйда ота-онадан тортиб ташриф буюрган ҳар бир меҳмонгача икки ёшга бахт тилайди.

У ҳолда кўнгиллардаги бахтсизлик ҳасрати қайдан келади. Ахир ҳеч ким бахтсизликни чақирмайди, унга рўпара бўлишни хоҳламайди-ку. Ҳатто оиласи бузилиб, юзага келган ўз бахтсизлигидан куйиниб гапирган яқинимизга "хафа бўлаверманг, дунёнинг бир қавати шу" дея тасалли берамиз.

Ўша – дунёнинг бир қаватини эгаллаган ҳасратнинг сабабчиси ўзимиз эканини ҳар доим ҳам эътироф этавермаймиз.

Элда "ошсиз уй бор, аммо жанжал, низосиз уй йўқ" деган ибора юради. Ҳамма гап ўша низоларнинг чиқишию бизнинг унга муносабатимизда. Мақсадга ўтайлик. Оила сабоқларида низолар икки хил бўлади, дейилган. Бирлаштирувчи низо, ажраштирувчи низо. Низо ҳам бирлаштирадими?

"Қайнонам мени ёмон кўради. Идиш- товоқ ювсам, овқат қилсам ҳам, уй тозаласам, кир ювсам ҳам ёқмайман. Албатта бир хато, камчилик топади. Жеркиб онамнинг тарбия беролмаганини айтиб озор бераверади. Тўйиб кетдим, қайнонам кўзимга азроилдек кўринадиган бўлиб қолди".

Бу жанжаллардан безор бўлиб онасиникига кетиб қолган келиннинг шикояти.

" Уқуви йўқ, диди йўқ. Тинмайман дегани билан қилар ишининг бари бемаза. Ювган идиш-товоғига икки кундан кейин чип-чип чанг ёпишади. Уй супурса палоснинг бир четини кўтарсангиз кўнглингиз айнийди. Овқат қилса маза-матраси жойида эмас. Яна гап қайтариши, йиғлаб фироқ қилиши ортиқча. Пардозни ҳафсала билан қилади. Қошини қорага, қовоғини кўкка бўяб, юзига упа чаплашни ўрнига қўяди. Уйнинг юмушига ҳам шунақа ҳафсала қилсайкин. Ўғлимнинг пешонасиям бор бўлсин, шуни танламай."

Бу энди қайнонанинг тиззасига бир уриб қилган ҳасрати. Иккаласи жамланиб, рўзғордаги тап-тайёр низо-да. Кимга қийин, аросатдаги куёв йигитга. Бир тарафда онаси, бир тарафда яхши кўриб уйланган хотини...

Ҳа, фанда бирлаштирувчи низолар деган атама бор. Унинг таърифи шундай: Юзага келган низо бартараф этилгудай бўлса ва бундан иккала тараф ҳам ижобий манфаат топса, бу низолар бирлаштирувчи низолардир. Демак, низо бартараф этилиши учун ё келин қайнона тарафга ўтиб унинг «жағини очмайдиган" уй тутумини тутиши керак. Ё қайнона келин тарафга ўтиб «бор-э, нима бўлсанг бўл. Қорнинг тўйиб, кунинг ўтса, яшайвер" дейиши керак.

Бу ёғи хулосани биз таҳлил қилайлик. Қайнона анча-мунча маслаҳатгўйларнинг гапини олиб «ёшларни тинч қўйса» «бор-э, билганингни қил. Сенга ўргатгунча ўзимда ҳеч нарса қолмади" дея низони тўхтатса, келин билганича яшайверсачи. Келиннинг қорни тўйиб куни ўтаверади. Низолар тугаганга ўхшайди. Аммо келин ивирсиқ, сариштасизлигича қолади. Бу бир куни эрига ҳам малол кела бошлайди. Қайсингил, қайнэгачилар ҳам ҳар келганда кесатиқ гап учиришдан тўхтамайди. Ва бу янги низоларни етаклаб келади. Ё эр-хотин ўртасида, ё келин ва қайсингиллар ўртасида. Оиланинг маҳалла-кўйдаги обрўси ҳам пайдар-пай низолар туфайли пастлайверади. Демак, дастлабки низо бартараф этилди-ю, иккала тараф ҳам манфаат топмади. Бу энди бирлаштирувчи низо бўлмай қолди.

Агар келин қайнона тарафга ўтиб, чаққон, ораста, пазанда келинга айланганда-чи? Унда ҳам низо бартараф бўлади. Ораста, жанжалсиз хонадоннинг қут-баракаси ортади. Демакки, оиланинг қариндош-уруғ, маҳалла-кўйдаги обрўси кун сари баландлайди. Ва бундан қайнона ҳам, келин ҳам манфаат кўради. Қайнона келинни "ўз измига" сололганидан хурсанд. Покизаликдан, гўзалликдан ким беобрў бўлган. Келинимиз ҳам обрў топа бошлайди. Қайнонасининг "азроил" эмас, "қаттиққўл муаллима" бўлганини, ўзининг масхара келин эмас, қарқара келинга айланганини англайди. Бу– келин ҳам ижобий манфаат топди, деган сўз. Куёв ҳам хотини ва онасининг жанжал низолари тугаганидан фароғатда.

Энди ажратувчи низолар ҳақида икки оғиз. Унинг таърифи шундай: Юзага келган низо бартараф этилгудай бўлса фақат бир тараф манфаатига хизмат қилсаю, иккинчи тарафнинг манфаати поймол бўлса, бу низолар ажратувчи низолардир.

"Қайсингилим тўй қилди. Қайнонам унга катта тўёна билан боришимизни талаб қилиб, низо чиқарди. Турмуш ўртоғим ноилож оиламизга асқотиб турган соғин сигиримизни сотиб, катта тўёна қилдик. Қайнонам айтгани бажарилганидан хурсанд, қайсингилимнинг тўйида қад кериб, хурсанд юрди. Биз эса... Оиламиздаги майда-чуйда тангликлардан эр-хотин ўртасида жанжал чиқаверди. Баъзан қайнонам ҳам бунга аралашиб, мени сабрсизга, жанжалкаш ёмонотлиққа чиқарди. Иложсизлик жанжални пасайтирмади. Эрим бир куни жанжалдан сўнг мени ҳайдаб юборди. Онамникига кетдим."

Тўёна низоси вақтида бартараф бўлди. Сигир сотилди, тўй ўтди. Аммо жанжал тугамади. Чунки бу низони тугатилишидан бир тараф манфаат топиб, бир тараф азият чеккан эди. Бу яна янги низоларга замин бўлди. Оила ажралишгача борди.

Агар қайнона ўғли ва келинининг оилавий имкониятини ҳисобга олиб, имконият даражасидаги тўёнага рози бўлганида ҳеч қандай низо йўқ эди. Эҳтимол бу оила ажралишмасди ҳам. Бундай ажратувчи низолар ҳар турфа мавзуларда чиқиши мумкин. Аммо бундай низолар мутлақо чиқмаслиги ҳам мумкин. Бу энди оила аъзоларининг мулоҳазаси, дунёқараши, билимига боғлиқ. Билим дегани фақат синфхона ёки аудиторияда ўтириб, дарсликлардангина олинмайди. Ҳаёт дарсхонаси сабоқлари ҳам бор. Бу сабоқларсиз кафтимизда турган бахтни тушириб юборишимиз, дастурхонимиздаги ризқ ва баракани ортиқча увоқдек тўкишимиз ҳеч гап эмас.

Юқорида айтганимиздек, дунёда бирор кўнгил йўққи бахт ҳақида орзу қилмаса, бахтли бўлишни истамаса, ўз яқинларига, дўстларига бахт тиламаса. Топган бахтингиз кафтингиздан тушиб кетмасин, дунёнинг бир қавати шу экан деб ғафлатда қолманг, сингилжон.

Замира РЎЗИЕВА.

ЁШЛАР

МК «Ватанпарвар» ташкилотларида

КЕЛАЖАГИМИЗ ТАЯНЧИ

Ёш авлодни юксак маънавий-ахлоқий ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳузуридаги ҳарбий-техник тайёргарлик мактаблари катта аҳамият касб этади. Бугунги кунда ушбу ташкилот олдида турган вазифалар кўлами ниҳоятда кенглиги билан алоҳида ўрин тутади.



Миллий армиямиз қудратини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, хусусан, ёшларни турли касбларга ўргатиш ва уларни она Ватанга садоқатли қилиб тарбиялаш каби вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб олган «Ватанпарвар» ташкилоти бу борада бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Жумладан, Ватанимиз мустақиллигини, юртимиз сарҳадлари дахлсизлигини муносиб ҳимоялашга, эл-юрт равнақи йўлида хизмат қилишга тайёр йигит-қизларни тарбиялаб келаётган ташкилотнинг Ҳамза туман кенгаши ва унинг бугунги кундаги эришган ютуқлари ҳам таҳсинга сазовордир.

Ташкилот республика мудофаасига кўмаклашиш, техник касбдаги ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ёшлар ўртасида спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш борасида салмоқли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Ҳозирги кунда туман кенгаши ҳузурида картинг, ўқ отиш, авиамодел, кемамодел, ракетамодел, автомобилни фигурали ҳайдаш, ёзги биатлон каби спорт секциялари фаолият юритаяпти. Мазкур спорт секцияларида 7 ёшдан 60 ёшгача бўлган спортчилар мунтазам равишда шуғулланиб, турли нуфузли мусобақаларда ўз иқтидорларини намоён этиб келишмоқда. Шуни алоҳида айтиш ўринлики, туман кенгаши маъмурияти томонидан спортчиларнинг севимли машғулотлари билан шуғулланишлари учун барча зарурий шарт-шароитлар яратиб берилган. Кенг ва ёруғ хоналарда микроавтомобилларни таъмирлаш, модел турларини кўпайтириш, ўқ отиш мосламаларини тайёр ҳолда сақлаш, мусобақаларга тайёргарлик кўриш, спортчиларнинг руҳий ва жисмоний тайёргарлигини янада кучайтириш, малака оширишлари ва дам олишлари учун кенг имкониятлар яратилган.

Тумандаги Ёшлар техник ижодиёт маркази, Авиация коллежи, Тошкент ахборот технологиялари университети, В.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, ҳокимлик ва қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда спорт-тақвимий режалари ишлаб чиқилган.

Туманда жойлашган Авиация коллежи негизида ташкил этилган «Авиа-ракетамодел» спорт секциясида шуғулланаётган спортчи ёшлар нафақат клублараро ва туман миқёсида, балки Республика чемпионатларида ҳам фаол иштирок этишиб, муносиб ўринларни эгаллашмоқда. Спортчиларнинг бундайин кўрсаткичларга эришишида секциянинг спорт мураббийси Б. Амировнинг хизматлари улкан.

Шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университети раҳбарияти билан ўзаро келишилган ҳолда институт негизида «Ёзги биатлон» спорт секцияси фаолият юритиб келяпти.

Спортни оммавийлаштириш, ёшларни унга янада кўпроқ жалб этиш мақсадида туман кенгаши оммавий ахборот воситалари билан узвий алоқада бўлиб, тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини янада оширишга катта эътибор қаратаётир.

Миллий тоифадаги ҳакам, спорт мураббийси Виктор Собиров раҳбарлик қилиб келаётган «Картинг» спорт секцияси туман кенгаши тасарруфида тузилган бошқа спорт секциялари каби изчил фаолият юритиб, мамлакатимиз миқёсидаги мусобақаларда юқори кўрсаткичларни қўлга киритиб келишмоқда. Мураббий В.Собиров ўтган 2008 йилнинг якуний кўрсаткичлари бўйича «Энг яхши ҳакам», унинг шогирди Фирдавс Жумаев эса «Йилнинг энг яхши спортчиси» номинациясида ғолибликни қўлга киритишди.

Ҳозирга қадар туман кенгашининг спорт секциялари томонидан 15 нафар спорт усталигига номзодлар, 13 нафар 1-тоифали, 480 нафар 2-ва 3-тоифали спортчилар тайёрланган. Спорт секциялари фаолиятини янада такомиллаштириш, янги спорт техникалари ва инвентарлар харид қилиш борасида ҳам муҳим ишлар олиб борилмоқда. Спортчиларни ягона турдаги спорт кийимлари билан таъминлаш, пневматик милтиқ, тўппончаларни ва микродвигателларни таъмирлаш, янгиларини сотиб олиш масалалари туман кенгаши раҳбариятининг доимий диққат-эътиборида турибди. Жумладан, 2008 йилда Италияда ишлаб чиқарилган «Картинг» русумли спорт автомашинаси сотиб олинди. Бундан кўриниб турибдики, ташкилот тумандаги ёшларнинг доимий спорт билан шуғулланишларига имконият яратмоқда.

Ташкилотнинг туман кенгаши ўз фаолияти давомида вояга етмаган ёшлар билан ишлашга ҳам кенг эътибор қаратиб келмоқда. Яъни, уларнинг ўзлари қизиққан спорт турлари билан шуғулланишлари йўлида муҳим ишлар қилинаяпти. Режалар асосида ёшлар билан турли мавзуда давра суҳбатлари, учрашувлар, спорт ва маданий тадбирлар ташкиллаштирилмоқда. Туман кенгаши томонидан 371-сон боғча маъмурияти билан ҳамкорликда туман ҳудудида жойлашган Мирзо Иброҳим маҳалласи болажонлари учун 2008 йилда «Ботир ўғлонлар» номли бунёдкор ёшлар боғи яратилди. Туман кенгаши ҳудудида халқаро стандартларга мос равишда ташкил этилган пневматик милтиқдан ўқ отиш хонаси Иноғом Юсупов маҳалласида истиқомат қилувчи вояга етмаган ёшларнинг севимли машғулот хонасига айланган. Келажакда она Ватанни ҳимоя қилишни мақсад қилган бу ёшлар ушбу спорт секциясида ўзларининг мерганлик маҳоратларини ошириш билан бир қаторда, туман, шаҳар, қолаверса, Республика мусобақаларида ҳам фаол қатнашиб, юқори натижаларни қўлга киритишмоқда.

Кам таъминланган оилалар фарзандларини имтиёзли ўқитиш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш, ёзги оромгоҳларда дам олишлари учун имтиёзли йўлланмалар бериш ҳам туман кенгаши маъмуриятининг эътиборидан четда қолмаган.

Зеро, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда она юртга муҳаббат ҳиссини шакллантириш, ҳарбийликдек шарафли касбга қизиқишларини оширишда, уларни маънавий етук ва комил инсон бўлиб етишишларида бошланғич ташкилотларининг хизмати ва масъулияти беқиёсдир. Чунки ёшлар иштирокида ўтказиладиган маънавий-маърифий, маданий ва спорт тадбирлари асосан бошланғич ташкилотлари негизида ташкил топади. Ҳозирда ташкилотнинг бошланғич ташкилотлари негизида техник ва амалий турлар бўйича жами 15та спорт секциялари ташкил этилган бўлиб, уларда тажрибали спорт мураббийлари фаолият юритиб келишмоқда.

Ташкилотнинг Ҳамза туман кенгаши бинои тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, кенг ва ёруғ синф хоналари, лаборатория ва амалий машқлар хоналари янги, замонавий ўқув қуроллари ҳамда кўргазмали воситалар билан тўлиқ жиҳозланди. Замон билан ҳамнафас фаолият олиб бораётган ушбу туман кенгашида 15та янги русумдаги компьютерлар билан жиҳозланган махсус синф хонаси ишга туширилди, ўқув жараёнида фойдаланиш учун мультимедиа технологияси жорий қилинди. Эски русумдаги ўқув машқ автомобиллари ўрнига мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган янги автомобиллар сотиб олиш борасида ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

– Мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳамда пойтахтимизнинг 2200 йиллик тўйини кенг нишонлашга қаратилган оммавий тадбирларга ташкилотимиз ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда, – дейди туман кенгаши раиси Мақсуд Каримов. – Мазкур байрамлар юзасидан туманда тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, унга асосан жойларда маданий-маърифий ҳамда спорт тадбирлари, учрашувлар ва давра суҳбатлари билан бир қаторда ободончилик ишлари ҳам олиб борилмоқда. Туман кенгаши ҳудуди ва унинг атрофи, оталиққа олинган Қўйлиқ ота ва Мирзо Иброҳим маҳаллалари ҳудудларида ҳашар йўли билан ободончилик ишлари кенг кўламда амалга оширилди. Ҳудудлар тозаланди, дарахтлар оқланди, янги дарахт ва гул кўчатлари экилди.

Бир сўз билан айтганда, «Ватанпарвар» ташкилотининг Ҳамза тумани кенгаши жасур ва мард, Ватанни муносиб ҳимоя қила оладиган ўғлонларни тарбиялашдек устувор мақсад йўлида дадил одимламоқда.

Жамшид ХИДИРОВ,
«Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши бўлими бошлиғи.
Кичик сержант Аҳрор НОЗИМОВ.

Тавсиянома – муҳим имтиёз

КАСБЛАРНИНГ АФЗАЛИ

Қўлга киритиладиган ютуқлар, қозониладиган муваффақиятлар кўпинча ҳаракат ва орзу-интилишлар билан белгиланади. Донишманд халқнинг «Нима эксанг, шуни ўрасан», «Ҳаракатда – баракот» каби ҳикматлари замиридан ҳам шу ҳақиқатни англаш мумкин.

Қаҳрамонимиз Афзал Ҳайдаров эришган ютуқлари унинг ҳаракатчан ва интилувчан ёшлардан эканидан далолат. Болалигидан илмга, маърифатга ошно бўлиб улғайган ўғлон аввал пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги 243-умумтаълим мактабини, сўнгра Шайхонтоҳур автотранспорт касб-ҳунар коллежини аъло баҳоларга тамомлади. Мазкур коллежда таҳсил олиши интилувчан йигитнинг мустақил ҳаёт йўлини танлашида муҳим аҳамият касб этди. Сабаби, коллеждаги жонкуяр устозларининг вазифасига содиқлидан ёпданишлари самараси ўлароқ, Афзал мамлакат тараққиёти негизи ҳисобланмиш механика соҳасига ҳавас қўйди.

– Ҳаётда инсон қандай марраларни кўзламасин, ўз олдига қанақа мақсадларни қўймасин, барчасига меҳнат, изланиш ва илм орқали эришади, – дейди Шайхонтоҳур автотранспорт касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Лутфулла Нурматов. – Шунинг учун ҳам меҳнат инсонни улуғлайди, дейишади-да. Афзал фаол, сергайрат, изланишдан чарчамайдиган ўқувчиларимиздан эди. У сермулоҳазалилиги, одоби билан ҳам кўпчиликнинг меҳрини қозонган. Бундан ташқари, дарсларда аълочилиги, соҳага қизиқиши билан бошқалардан ажралиб турарди. Сабоқдошлари унинг билимдонлигига ҳавас қилишарди.

У 2005 йилда коллежни муваффақият билан тамомлаб, Тошкент давлат техника университетига ҳужжат топширди. Аммо унга омад кулиб боқмади. Бундан тушкунликка тушмаган қатъиятли йигит Ватан олдидаги конституциявий бурчини ўташга отланди.

– Ўғлимнинг қароридан қанчалар қувонганимни тасаввур ҳам қилолмайсиз, – дейди Дилфуза опа Ҳайдарова. – Дунёда Ватан сарҳадларини қўриқлашдан ҳам шарафлироқ иш бор эканми?! Шу сабаб Афзал армияга бормоқчилигини, зиммасидаги конституциявий бурчини адо этмоқчи эканини айтганида қувониб кетдим. Фарзандларимнинг юрт корига камарбаста бўлиб улғаяётганлигидан ғурурландим.

Муддатли ҳарбий хизматгача спортнинг оғир атлетика ва шарқ яккакурашларидан ҳисобланмиш кикбокс турлари билан шуғулланган қаҳрамонимизга синовлар қийинчилик туғдирмади. Спорт машғулотларида чиниққан, салоҳиятли ўғлон чақирилувчилар ичида энг юқори кўрсаткичлардан бирини қайд этиб, муддатли ҳарбий хизматга лойиқ, деб топилди.

Армия қаҳрамонимиз ҳаётида туб бурилиш ясади. Йигитлик мактабининг сабоқлари унинг дунёқарашини ўзгартирди.

– Ватан олдидаги бурчимни ўташ орқали кўп нарсани ўргандим. Ҳарбий қисмдаги кутубхона ва спорт заллари севимли масканимга айланди. Кутубхонамиз мудираси Шоҳида опа менинг техникага қизиқишимни билиб, шу соҳага оид қизиқарли асарлар, китобларни топиб берарди. Мутолаадан бўш вақтимни спорт машғулотлари билан ўтказдим.

Аскар йигит офицерлар – Абдухолиқ Салаев, Ойбек Муродов, Сергей Берников, катта сержант Умид Каттаев, сержант Шерзод Шайқуловлардан миннатдор. Чунки армияда ҳарб илмини пухта ўрганишида, соҳа сирларидан бохабар бўлишида ушбу инсонларнинг ёрдами, кўмаги катта бўлди. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлгач, мақоламиз қаҳрамони тавсиянома билан, демакки, ёруғ юз билан уйига қайтди.

Яқиндагина олий ўқув муассасаларига ўқишга кириш учун тест синовларини топширган ўғлон бугун ҳаяжонда. Чунки у орзусига эришиб, талабалик бахтига муяссар бўлди. Тошкент давлат техника университетининг механика факультетига тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилинган йигитнинг муваффақиятида муддатли ҳарбий хизматда қўлга киритган тавсияноманинг ёрдами катта бўлди.

Ҳайдаровлар хонадонининг кенжа фарзанди – Умиджон ҳам акасининг изидан боришни, Ватан ҳимоячиси бўлишни кўнглига тукkан. Аканинг армия тўғрисидаги, бугун посбонларга қаратилаётган эътибор, кўрсатилаётган ғамхўрлик хусусидаги ҳикоялари шундай қарорга келишга ундаган бўлса, не ажаб?! Бу йил умумтаълим мактабининг 9-синфини муваффақиятли тамомлаб, касб-ҳунар коллежининг 1-курсига ўқишга қабул қилинган йигитчанинг эзгу нияти амалга ошишига тилакдошмиз.

Мансур СОБИРҚУЛОВ.
Муаллиф суратга олган.

ДУНЁ НАФАСИ

«ФАЗОВИЙ ТАКСИ» ЯРАТУВЧИЛАРИГА



Американинг NASA аэрокоинот бошқармаси бошқарилувчи фазовий кемалар ишлаб чиқишга тайёр бўлган хусусий компанияларга 50 млн. доллар миқдорида маблағ ажратиш ниятида.

Номзодлар 45 кун мобайнида ўз талабномаларини тақдим этишлари лозим. Давлат томонидан бериладиган молиявий ёрдамга сазовор бўлган ғолиблар танлов натижаларига кўра сентябрь ойи охирларида аниқланади.

Яқин кунларда Хьюстонда «фазовий такси» ишлаб чиқаришга қизиқиш билдирган компаниялар вакиллари учун семинар бўлиб ўтади. Ушбу лойиҳада фақат Америка фирмалари иштирок этиши мумкин.

Оқ уй бошқарилувчи фазовий учишлар дастури устидан назорат олиб бориш учун махсус комиссия тузди. Мавжуд режага мувофиқ, келаси йили шатллар учиши якунланади, уларнинг ўрнига Халқаро фазовий станция, шунингдек, Ой ва Қуёш тизимидаги бошқа объектларга учиши мумкин бўлган янги фазовий кема яратилади.

ПУЛ ЎРНИГА МУАЛЛИФЛИК АСАРЛАРИ

Берлиндаги беш юлдузли Marienbad меҳмонхонасида бу ерга ташриф буюрувчиларга яшаганлиги учун ҳақ тўлашнинг ноодатий усули таклиф қилинмоқда, яъни улар пул ўрнига ўз қўллари билан яратилган санъат асарларини тақдим этишлари мумкин.

Бу таклиф асосан рассомлар, ҳайкалтарошлар ва концептуалистлар учун мўлжалланган бўлиб, бунинг натижасида меҳмонхона интерьери доимий ўзгаришлар ҳолатида бўлиши кўзда тутилган.

«Биз Берлинда доимий яшамайдиган, аммо бу шаҳарда тунаш учун жойга муҳтож бўлган барча ижодкорларни танловга таклиф этамиз, – дейди лойиҳа муаллифи, Замонавий санъат институти вакили Сусанна Пфефер. У шунингдек, лойиҳада иштирок этиш истагини билдирганлар рўйхати узайиб бораётгани, аммо унда қатнашиши мумкин бўлган меҳмонлар синчковлик билан танлаб олинишини ҳам таъкидлаб ўтди.

ЁМҒИРЛИ ТАЪТИЛ УЧУН БАДАЛ



Lufthansa авиакомпанияси ўзининг самолётларида дам олишга йўл оладиган сайёҳларга ёмғирлар туфайли зарар етказилган таътил кунлари учун бадал тўлашини билдирди.

Махсус «қуёшли тариф» дам олувчиларга таътил вақтидаги ҳар бир ёғин-сочинли кун учун 20 евро (29 доллар) миқдорида бадал олиш имконини беради, фақатгина ёғинлар миқдори бу ҳолатда 5 миллиметрдан кам бўлмаслиги лозим, деб хабар беради BBC телеканали.

Тўғри, «қуёшли тариф» бўйича 200 евродан ошиқ ҳақ тўланмайди. Бунинг устига ундан чегараланган вақт давомида фойдаланиш мумкин – самолёт чиптаси 1 сентябрдан 31 октябргача бўлган муддат, яъни «бахмал мавсум» деб аталувчи давр учун жорий йилнинг 18 августигача харид қилиниши лозим.

Ушбу таклиф авиакомпаниянинг 36 йўналиши бўйича учувчи самолётларига татбиқ этилади. Бадал пулини қўлга киритиш учун эса самолёт чиптаси ва чиқиш талони ҳамда ёмғирли кунлар рўйхати топширилиши кифоя қилади.

ЯНГИ ТИЗИМ СИНАБ КЎРИЛМОҚДА



2010 йилдан бошлаб ҳаво транспортида саёҳат қилиш босқичларидан ўтиш жараёни максимал равишда соддалаштирилади. Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси (IATA)да шундай ҳисоблашмоқда, деб хабар беради MobiSet.ru нашри. Бунга уяли телефонлардан самолётга чиқиш талонлари сифатида фойдаланиш имконини берувчи янги тизим – штрихли код бўйича аутентификациялаш (аслига тўғрилигини аниқлаш) натижасида эришилади.

Янги тизим стандарт штрихли код ва GSM бўйича тасвирларни узатиш технологиясини бирлаштиради. У матнни юпқа штрихли коднинг график тасвирига жойлайди ва бу тасвир SMS бўйича ёки WAP-кириш бўйича телефонга узатилиши мумкин. Шундан сўнг штрихли коддан электрон чипта ёки самолётга чиқиш талони сифатида фойдаланиш мумкин. Аутентификация учун икки ўлчамли штрихли коддан фойдаланилганлиги сабабли уни қалбакилаштириш жуда мураккаб.

Ишлаб чиқувчилар таъкидлашича, тизим яхши ҳимояланган, чунки ҳар бир код ноёб ва айни ўша вақтда дунёнинг ҳар қандай нуқтасида фақат битта коддан фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, технологиядаги чекловлар туфайли кодни бошқа телефонга ўтказишнинг иложи йўқ.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

Беспилотники обстреляли пакистанских талибов

В Пакистане в приграничном с Афганистаном районе Южный Вазиристан американская беспилотная авиация совершила очередной налет на позиции талибов. В результате обстрела 9 человек погибли, еще 11 получили ранения. Как сообщает ИТАР–ТАСС со ссылкой на данные местных СМИ, беспилотный самолет-разведчик Predator атаковал днем жилой дом, где, по данным американской разведки, засели несколько боевиков. Также были обстреляны несколько автомобилей террористов, проезжавших по горным дорогам.



Столкновение двух планет

Редчайший космический катаклизм – столкновение двух планет – зафиксировал американский космический телескоп Spitzer. По словам ученых, катастрофа произошла еще несколько тысяч лет назад, то есть, по космическим меркам, совсем недавно, оставив после себя облака газа, в которые превращался, испаряясь, камень и куски уже застывшей лавы. «Это было чудовищное столкновение, которое, чтобы камень испарялся и плавился, должно было произойти на невероятно высокой скорости», – считает Кэри Лисс из Лаборатории прикладной физики Университета Джонса Гопкинса в штате Мэриленд.



Монголия наращивает морское присутствие

В море под флагом Монголии уже ходит 300 судов. Переход этой страны в статус «морских держав» уже подвергся критике военных экспертов США, которые заподозрили, что монгольский флот, возможно, используется террористами. Директор Нельсоновского института международных отношений и общественных связей Университета Мэдисона Питер Фам обвинил Монголию, которая не имеет выхода к морю, в наращивании своего морского присутствия в Сингапуре, где базируется значительная часть судов.

Мощное землетрясение в Японии

По последним данным, в результате мощного землетрясения в Японии пострадали почти 70 человек, остановлена самая оживленная автомагистраль. Кроме того, в целях безопасности пришлось остановить два блока на АЭС «Хамаока» в 160 километрах от Токио. Землетрясение магнитудой 6,6 балла по шкале Рихтера произошло в районе залива Суруга в 150 км к юго-западу от Токио, сообщает РИА Новости. Его очаг располагался на глубине 23 км под дном океана.

Пропал самолет с австралийскими туристами

Пассажирский самолет пропал в Папуа – Новой Гвинее – островном государстве в южной части Тихого океана. На борту находятся 13 человек – 11 пассажиров и два члена экипажа, сообщает Reuters. Двухмоторный самолет Twin Otter направлялся из столицы Порт-Морсби в небольшое селение Кокода, популярное среди австралийских туристов. По неподтвержденным пока данным, восемь из 11 пассажиров – граждане Австралии.

А был ли выкуп итальянского судна?

Глава МИД Италии Франко Фраттини отрицает факт выплаты выкупа сомалийским пиратам за освобождение итальянского судна Buccaneer. Об этом он заявил в эфире телеканала «Ретекуаттро».

Судно-буксир Buccaneer было захвачено пиратами 11 апреля нынешнего года в водах Аденского залива и освобождено 9 августа. После его освобождения сомалийские пираты заявили, что им был выплачен выкуп в размере четырех млн. долларов.

(www.NEWSru.com)

МАСЛАҲАТ

Советы специалиста

ПРОФИЛАКТИКА ПАРАЗИТАРНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ

За многие тысячи лет паразиты смогли приспособиться к жизни внутри человеческого организма настолько хорошо, что организм сам их опознать и уничтожить не в состоянии. Зато такие непрошенные гости приводят организм к дисбалансу, а некоторые могут даже поставить под угрозу жизнь человека. Многие считают, что беспокоиться не стоит, так как мы живем не в стране третьего мира, но исследования показывают, что наибольшее распространение паразитов наблюдается именно в развитых и развивающихся странах. По статистике, вы имеете возможность заразиться паразитами в девяти случаях из десяти. Даже в самых богатых странах Европы – гельминтозами (т.е. болезнями, вызванными паразитическими червями – гельминтами) поражен каждый третий житель. Никто, независимо от материального благополучия, возраста, пола, не застрахован от заражения паразитами.

Специалистам известно, что большинство людей во всем мире являются носителями тех или иных паразитов. От солитеров – длиной 10 и более метров, до мельчайших организмов, видных только в микроскоп. Авторы последних медицинских исследований установили, что в организмах 95% взрослых людей живет от 1-го до 5-ти видов паразитов.

В человеческом организме могут обитать более 300 видов паразитов. Вопреки широко распространенному мнению, что паразиты живут только в нашей толстой кишке, их можно обнаружить в любой части нашего организма – в легких, мышцах, суставах, печени, пищеводе, крови, под кожей, в глазах и даже в мозге. В организм человека они попадают разными путями. Чаще всего попадание паразитов в организм связано с употреблением зараженной воды и пищи. Но паразиты проникают внутрь нас и с укусами насекомых, через кожу при купании и даже через воздух, где пыль является переносчиком яиц паразитов. Собачьи и кошачьи блохи переносят яйца глистов. Животное, раскусывая их, заглатывает яйца внутрь и через свое влажное дыхание рассеивает их на расстояние до 5-ти метров.

Яйца остриц сохраняют жизнеспособность до 6-ти месяцев и через игрушки, ковры, нательное и постельное белье, грязные руки, песок из песочниц, попадают в рот. Яйца аскариды попадают к нам через плохо вымытую клубнику, петрушку, укроп, яблоко, виноград, грушу, сливу и тому подобное. Шашлык или домашнее сало – это 95% гарантия заражения тихинеллезом. Соленая рыба, строганина и соленая рыбная икра являются причиной заражения ленточным червем, длина которого достигает до 12-ти метров и который может прожить в организме до 25-ти лет.

Можно заразиться через грязные руки и не только свои, но и продавцов, поваров, официантов. Яйца паразитов путешествуют на деньгах и поручнях общественного транспорта. Высокая концентрация яиц паразитов наблюдается в продуктах, таких как копченая колбаса, сосиски, говядина, курятина, баранина, и даже куриные яйца бывают очень часто заражены ими. Эпидемиологи всего мира пытаются бороться с этой напастью, например, в США для проверки на гельминтоз уничтожают одну говяжью тушу из каждой тысячи. Это складывается в многомиллионные убытки, но иначе невозможно осуществить предупреждение попадания паразитов в организмы людей. Но и эти меры не являются 100% защитой от попадания паразитов на продукты питания.

Но если паразиты уже попали в организм, то последним барьером на пути паразитов является иммунитет человека. В следствии неблагоприятной современной экологической обстановки, воздействия лекарственных средств, в том числе и антибиотиков, стрессов, переутомления, неправильного питания, употребления консервантов – у людей происходит снижение иммунитета. Практически все паразиты любят витамины, микроэлементы, особенно железо и гормоны, белково-углеводную пищу, сахар и другое. Они пожирают все это и выделяют токсины, заглатывая эритроциты и ослабляя иммунитет. Достигая определенной стадии развития, паразиты просто блокируют иммунную систему, поражая тем самым ткани в органах. Органы и системы уже не могут нормально работать. Образуется «порочный круг» – паразиты снижают иммунитет, а это в свою очередь приводит к усиленному размножению, в результате чего паразиты активируются и начинают интенсивно размножаться. Например: самка трематода может отложить за один раз от 10 тыс. до 25 тыс. яиц, а аскарида может вырасти длиной до 45 сантиметров и откладывать 245 тыс. яиц в сутки. Самым длинным паразитом можно заразиться при употреблении рыбы. Взрослый рыбный глист может вырасти до 15-ти метров в длину и откладывать за один раз до 100 тыс. яиц. Особь цепня невооруженного может давать за сутки до 5 млн. яиц, а за год до 440 млн. яиц. Хуже всего, что паразиты могут жить в организме годами, десятилетиями никак себя не проявляя. Присутствие этих существ можно почувствовать только тогда, когда их будет уже очень много.

По данным Всемирной Организации Здравоохранения, за последние 10 лет паразитами заразились более 5,5 млрд. человек. В Европе это каждый 3-й житель, а в США – 85-95% населения. 99,9% людей, у кого есть домашние животные, включая даже грызунов и птиц, являются носителями паразитов. На долю паразитарных заболеваний приходится 14 млн. смертей в год, что составляет примерно 25% от общемирового показателя смертности. Это каждая 4-я смерть.

Как вы можете обратить внимание, признаки наличия паразитов в организме очень схожи с признаками большинства заболеваний, следовательно, всем, имеющим выше указанные признаки, необходимо регулярно проходить обследование по выявлению паразитов, а также регулярный курс по их изгнанию из организма. Даже полное выведение из организма паразитов не даст гарантии, что вы не заразитесь вновь. Поэтому необходимо, после лечения у специалистов, проходить постоянные курсы профилактического лечения не менее 2-х раз в год. Итак, чтобы снизить риск заражения паразитами, необходимо:

– соблюдать правила личной гигиены (троекратное мытье рук с мылом после посещения туалета, поездки на транспорте, перед едой, перед приготовлением пищи, частое принятие душа с мылом и мочалкой, особенно после купания в пресноводных водоемах и общественных плавательных бассейнах, тщательная подрезка и чистка ногтей, использование только личных предметов гигиены – зубная щетка, мыло, бритва, полотенца, нижнее и спальное белье);

– употребление в пищу овощей, фруктов и зелени, предварительно помытых и обработанных кипятком;

– по возможности не употреблять на улице готовую пищу;

– по возможности использовать личные столовые приборы и тарелки на предприятиях общественного питания, если это не возможно, обработайте ваши тарелки и столовые приборы крутым кипятком;

– не употреблять в пищу не прожаренные, не проваренные мясо, рыбу;

– воздержитесь от употребления колбас, соленой рыбной икры, соленой рыбы и т.д. домашнего приготовления, а также из продуктов животного происхождения не прошедших проверку на паразитов;

– употребление в пищу чеснока, острых приправ, перца, желательно до еды (если нет противопоказаний – острые воспалительные процессы органов мочеполовой системы и желудочно-кишечного тракта);

– не менее 2-х раз в год профилактические обследование и лечение против паразитов.

Василий ЗЫКОВ,
врач-паразитолог ЦСЭН МО РУ.

Ёндафтарчангизга

ХАВФСИЗЛИК ТАЛАБИГА АМАЛ ҚИЛИНГ

Саф тайёргарликлари, дала-ўқув машғулотлари ўтилаётганда жанговар қуролни ишлатишдаги ўзига хосликлар, унинг хавфсизлик талаблари нимадан иборат? Шу хусусда қисқача маълумот бериб ўтсангиз?

Оддий аскар Жамшид МУҲАМЕДОВ.

Саф тайёргарлиги машғулотларини қурол усуллари билан бажаришда қуйидагилар тақиқланади:

– қуролни бошқа ҳарбий хизматчилар томон йўналтириш;

– ўзининг қуролини ўзга шахсга бериш;

– қуролни саф майдонида ташлаб кетиш;

– саф усулларини бажаришда қўндоқни ерга қаттиқ уриш;

– машғулотлар орасидаги танаффусларда қуролни (пирамида кўринишида) йиғиб қўйиш;

– қуролни сақлагичдан ечиш; қуролни заруратсиз жанговар ҳолатга келтириш.

Дала машғулотлари мобайнида эса қуйидагилар тақиқланади:

– қуролни саф низоми талабларини бузган ҳолда олиб юриш;

– қуролни ўқланган ёки ўқланмаганидан қатъи назар ҳарбий хизматчилар томон йўналтириш;

– қуролни ерга, балчиққа, сувга ташлаш;

– ствол ва ствол қутисини ҳар хил латта, бинт ва шу каби матолар билан ўраш;

– қуролнинг газ камераси ичини қирадиган қум ва бошқа материаллар билан тозалаш;

– ўқотар қуролни қисмларга тўлиқ ажратиш; бензин ва дизел ёнилғиси билан қурол тозалаш.

Отиш машқлари ва тактик тайёргарлик машғулотларида қуйидагилар тақиқланади:

– қурол билан суратга тушиш;

– носоз қуролдан фойдаланиш;

– қуролни қинсиз, тасмасиз, патронларни эса чўнтакларда олиб юриш;

– ўзининг штатдаги қуролини ўзга шахсга бериш;

– патронлар, гранаталар, запаллар, пиротехник ва имитацион воситалар ҳамда бошқа ўқ-дориларни қисмларга ажратиш;

– пахтавон патронлар қўлланилганида қуролни жонли нишонларга йўналтириш ва 25 м. дан кам бўлган масофада жойлашган жонли нишонларга қарата ўт очиш;

– портлаттич ва оловлантириш воситаларига зарба бериш ҳамда ўқ-дориларни бир-бирига уриштириш;

– ўқ-дориларни носоз қадоқлар ва қадоқларнинг қопқоғини пастга қаратган ҳолда ташиш;

– турли об-ҳаво шароитларида ҳаракатланганда қурол стволи каналига қоғоз ва бошқа предметларни тиқиш;

– ўқ-дорилар, шу жумладан яроқсизларини ҳам ерга кўмиш, сув ҳавзаси ва дарёга чўктириш;

– қуролни жанговар (пахтавон) ўқ-дорилар билан раҳбар (командир, бошлиқ) рухсатисиз ва «Ўт оч!» буйруғисиз ўқлаш;

– портловчи пакетларни одамлар яқинига (10 м.дан яқин) ҳамда жанговар техникага улоқтириш;

– сигнал патронларини аҳоли пунктларининг хашак-сомон ғарамлари ва бошқа ёнувчи материаллар ёнида отиш;

– сигнал ва ёритиш патронларини ётқизиб, одамлар томон отиш;

– портламаган снарядлар, миналар, портлаш хавфи бор предметлар ва бошқа имитация воситаларига тегиниш;

– жанговар қўл гранаталарини граната сумкаларидан ташқарида ташиш;

– носоз қуролдан ўқ отиш; носоз ўқ-дориларни отиш машқларида қўллаш; -хавфли (одамлар ва техника бўлиши мумкин бўлган) йўналишларга қарата отиш; бошқарув пункти ва панагоҳ (блиндаж)да оқ байроқ кўтарилганда ўқ узиш;

– шахсий таркибнинг қўл ва тиргакли граната-томёт орқасида, 90 градус секторда 30 метрдан кам масофада туриши ҳамда ўқ-дори, портловчи моддалар ва ёқилғининг жойлаштирилиши.

И. ҚУРБОНОВ тайёрлади.

Безопасность дорожного движения

ПРОВЕДЕН ЛЕКТОРИЙ

Важно помнить, что у водителя имеются не только права, но и обязанности строго соблюдать правила дорожного движения. Ответственность водителя – это гарантия его собственной безопасности и жизни окружающих, наших близких. Ошибка, невнимательность и пренебрежение правилами дорожного движения могут привести к печальным последствиям.

На днях в подразделении автомобилистов прошел лекторий, где представители органов ХАН представили аудитории отчетность по имевшим место ДТП за минувший месяц. В ходе проведения совместного анализа и предпосылок ДТП в дискуссии активное участие приняли и сами водители. Среди них младшие сержанты Вахид Донишев, Акбар Хужамов, Дониер Эргашев, рядовые по контракту Исомиддин Дададжанов, Суннат Лутфуллаев, служащие Вооруженных Сил Сергей Пахомов, Элмурод Тошев и другие.

– Наглядные фотоснимки с мест ДТП, – говорит рядовой по контракту Акбар Хужамов, – производят особенное профилактическое впечатление, заставляют задуматься каждого водителя. – Благодаря подобным мероприятиям, водительский состав еще с большей ответственностью подходит к изучению норм ПДД, руководящим документам, приказам и директивам вышестоящего командования. По завершению лектория в обязательном порядке проводится тестирование по Правилам дорожного движения.

– В нашей стране осуществляется масштабная работа, направленная на обеспечение безопасности граждан, профилактику и предупреждение дорожно-транспортных происшествий для здоровья водителей и пассажиров, – говорит в беседе начальник Харбий Автомобил Назорати (ХАН) Ташкентского гарнизона майор Мурод Фозилов.

– Последовательно вышли в свет и вступили в силу Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по обеспечению безопасности дорожного движения», «О мерах по обеспечению безопасности водителей и пассажиров транспортных средств», Закон «Об обязательном страховании гражданской ответственности владельцев транспортных средств». Безусловное соблюдение требований нововведенных норм, отраженных в Правилах дорожного движения, имеют единую цель: обеспечить максимальную безопасность граждан на дороге.

Данные меры, как свидетельствует проводимый мониторинг, уже дают значимые положительные результаты, послужили основой для ощутимого снижения дорожно-транспортных происшествий в стране. Движение на дорогах стало безопасней. Дорожная дисциплина и водительская этика стали заметно выше.

Органами ХАН Министерства обороны также ведется активная профилактическая работа по реализации задач, исходящих из данных нормативных документов, проводится широкая разъяснительная работа в частях и подразделениях.

Капитан Х. ТУРАХАНОВ.

МАСТЕРСТВО

Идет боевая учеба

ДЕЙСТВОВАЛИ СЛАЖЕННО И ЧЕТКО

Сигнал учебной тревоги прозвучал в базовом районе под утро. Однако четкие и уверенные действия личного состава показали, что ослабления бдительности не произошло. Точно в срок, отведенный установленными нормативами, колонна машин взяла курс в заданном направлении.

Дорога петляла в горах, словно проверяя мастерство военных водителей. Надо сказать, что за период совершения марша ни одна машина не вышла из строя, не замедлила движения. Это значит, военные водители тоже тщательно подготовились к этим учебным испытаниям.

Подразделению старшего лейтенанта Азиза Ахмедова предстояло в этот день отработать во взаимодействии с представителями других силовых структур целый комплекс задач по тактической, огневой подготовкам, по связи и медицинской подготовке. Забегая вперед, можно сказать: воины справились отлично.

Прибыв в указанный квадрат местности, воины немедленно рассредоточились и приступили к отработке и выполнению задач по тактической подготовке. В частности, они прекрасно справились со скрытным передвижением. Военные профессионалы тщательно маскировали не только себя, но и свое оружие и технику. Каждый автомобиль был надежно спрятан под маскировочной сеткой.

В ходе занятий по огневой подготовке отличились минометчики из расчета под командованием младшего сержанта Сирожиддина Бобокулова. Получая указание целей, минометный расчет надежно подавлял их с минимальным количеством поправок. В этом есть и заслуга рядового по контракту Рашида Хайдарова, который визуально вел разведку целей с помощью буссоли.

Вот и при проведении боевых стрельб из стрелкового оружия было уделено пристальное внимание тщательной пристрелке. На этом учебном месте образцово организовал процесс младший сержант Анвар Хушназаров.

Добротно пристреляв оружие, воины расположились на огневых позициях для ведения огня. Среди тех, кто подавал пример сослуживцам в меткости стрельбы, командиры назвали младших сержантов Аъзама Бойназарова и Фархода Ирисова.

Весомый вклад в общий успех практических занятий в горах внесли и воины подразделения связистов. Надежно обеспечивал связь в непростых условиях помех между горными вершинами младший сержант Тулкин Каршиев. Опытный специалист не первый год участвует в подобных практических занятиях в горах, поэтому выход в связь, смена заданных частот по вводным командам, соблюдение особого режима ведения переговоров для него не составляют трудности.

– В полевых условиях интенсивно проводятся и занятия по общественно-политической подготовке с личным составом, – говорит офицер Акмаль Ошиков, выехавший в базовый район проверить именно это направление служебной деятельности. – Воины не должны чувствовать себя в отрыве от событий в стране и мире, с этой целью ежедневно проводится с ними оперативное информирование.

Забота об информированности военнослужащих, помноженная на стремление к повышению их морально-волевых качеств, не случайно является одним из важнейших компонентов оценки участия личного состава в практических занятиях в условиях горной местности. В этом плане в базовом районе ведется определенная повседневная работа. После напряженного боевого дня воины имеют возможность качественно отдохнуть, полноценно восстановить силы и поднять настроение.

Побывав в местах расположения военнослужащих, мы убедились в том, что даже в горных условиях здесь качественно решены все вопросы организации полноценного питания и отдыха личного состава. А палаточные городки умело замаскированы в складках местности.

Среди тех, кто задействован в поднятии морального настроя воинов, можно назвать и барабанщика военного оркестра части рядового по контракту Музаффара Гафарова. Военный музыкант готов всегда по первой команде убыть в горные районы вместе со своим коллективом, чтобы бодрой музыкой вдохновить воинов на успешное выполнение поставленных задач.

Одним словом, предпринимается все необходимое для того, чтобы военнослужащие с высоким боевым настроем принимали участие в практических занятиях.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **майора Акмаля ОШИКОВА.**



МАҲОРАТ

Дала-ўқув машғулотларида

ЮКСАК ЖАНГОВАР ШАЙЛИКНИ КЎЗЛАБ

Ватан ҳимоячиси, хусусан командир, нафақат она юрти ва халқига, тантанали равишда ичган онтига, ҳарбий анъаналарга содиқ посбон, шонли тарихига эга замини, буюк аждодларига муносиб фарзанд, балки ҳарбий бўлинмани моҳирона бошқариб, мураккаб тактик вазиятларда тезкор ва ностандарт қарор қабул қила оладиган, ўзининг шахсий намунаси билан бўйсунувчиларни жанговар вазифаларни бажаришга йўналтирувчи, юксак ахлоқий, маънавий-руҳий сифатларга эга бўлиши, интеллектуал ва етакчилик қобилиятларини шакллантириши, дунёқарашини кенгайтириш ва билимларини оширишга алоҳида эътибор бериши ниҳоятда муҳим.

...Дала-ўқув майдони. Офицер Алишер Убайдуллаев етакчилигидаги гуруҳга шартли душман жойлашган ҳудуд, унинг кучи, қурол-аслаҳаси ҳақида маълумотларни аниқлаш вазифаси қўйилди. Топшириққа киришишдан аввал командир қўл остидагиларга юқори қўмондонлик томонидан қўйилган вазифанинг моҳиятини тушунтирди ҳамда гуруҳни бўлинмаларга ажратди. Ҳар бир бўлинманинг вазифаси, ҳаракатланиш тартиби белгилангач, шунқорлар йўлга отландилар.

Маълумки, ҳарбий жамоанинг якдил ва режали хатти-ҳаракатлари умуммақсад учун хизмат қилади. Акс ҳолда, дейлик, кичик хатолик ҳам жанговар топшириқни, қуролдош дўстларнинг ҳаётини хавф остига қўйиши мумкин. Буни яхши тушуниб етган, ҳар қандай шароитда ишончли ҳаракатланишни мақсад қилган посбонлар ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришга киришдилар.

Гуруҳ шартли душман жойлашиши эҳтимол қилинган йўналиш томон ҳаракатланди. Сержант Жонибек Якубов бўлинмаси зиммасига масъулиятли вазифа юклатилган. Ҳаракатдаги гуруҳнинг олд қисмидан ўрин эгаллаган посбонлар йўлнинг миналаштирилмаганлигини аниқлаш ва пистирмаларга дуч келмаслик учун бор маҳоратларини ишга солмоқда. Мана, улардан бири ишора билан гуруҳ ҳаракатини тўхтатди. Барча сергак тортди. Бундай ҳолатларга кўникиб кетган посбонлар саросимага тушганлари йўқ, албатта. Гап шундаки, йўлда миналар борлиги аниқланди. Демак, уларни зарарсизлантириб, хавфсиз йўлакча ҳосил қилиш ёки хавфли майдонни айланиб ўтиш лозим. Гуруҳ шароитдан келиб чиққан ҳолда ушбу ҳудудни четлаб ўтишни маъқул топди.

Капитан Убайдуллаев посбонларга бир оз дам олишга рухсат берар экан, харитага кўз югуртирди. Шартли душман жойлашганлиги тахмин қилинган ҳудудни яна бир бор диққат билан кузатди. Сўнгги кўрсатмалар берилгач, гуруҳ яна йўлга тушди.

Ниҳоят, шартли душман аниқланди. Мерганлар кичик сержантлар Элдор Абдуллаев ва Баҳодир Раззоқовлар ҳудуд рельефи ва ўзига хос томонларини инобатга олиб, ён-атрофни кузатиш ва ўт очиш имконини берувчи қулай позицияларни эгалладилар. Шартли душман сони ҳамда унинг қурол-аслаҳаси ҳақидаги маълумотлардан келиб чиқиб, командир ҳужумга ўтиш тўғрисида буйруқ берди.

Қисқа вақт ичида қўйилган жанговар топшириқ аъло даражада бажарилгани ҳақида радиоалоқа орқали взвод командири офицер Низом Пўлатовга хабар берилди. Демак, бу сафар ҳам посбонлар ўзларига билдирилаётган ишончни оқладилар.

– Ҳар бир топшириққа пухта ҳозирлик кўриш талаб этилади. Турли шароит ва вазиятда уни тез ва сифатли бажариш эса ҳарбий хизматчининг бош вазифасидир, – дейди гуруҳ сардори. – Дала-ўқув майдонидаги вазиятда душманни тор-мор этиш ҳақидаги қарорни қабул қилишимга яна бир омил – жанг бўлиши кутилаётган ҳудуднинг шартли душман чекиниши учун қулайлиги туртки бўлди. Демак, ўша вақтда ҳужум уюштирмаганимизда, эҳтимол, шартли душманни бутунлай яксон этолмасдик. Умуман олганда, гуруҳимиз ҳарбийларидан мамнунман.

Топшириқдан ёруғ юз билан қайтган шунқорлар муваффақиятидан командирнинг хурсанд бўлиши табиий, албатта. Одатга кўра, ҳар бир топшириқдан сўнг жамоада амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинади. Унда доимгидек ютуқ ва камчиликлар хусусида фикр юритилди.

Ҳа, ҳарбий жамоа муваффақияти аввало, ҳар бир посбоннинг малакасига ва ўз мутахассислигини қай даражада ўзлаштирганлигига, қолаверса, командирнинг маҳорати ва тажрибасига, ҳар қандай вазиятда ҳам тўғри ва оқилона фикрлаш, оптимал қарорлар қабул қила олиш, қолаверса, шахсий таркибга намуна бўла олиш қобилиятига бевосита боғлиқ. Бутун жамоа ҳаракатида бирдамлик ва уйғунлик таъминлангани-сагина, янги-янги ғалабалар, ютуқларга элтувчи шароит яратилган бўлади.

Дала-ўқув машғулотларида биз юқорида сўз юритган шунқорлар каби юқори кўрсаткичлари билан сафдошларига ўрнак бўлаётган, профессионаллик даражасини тобора ошириб, Қуролли Кучларимиз жанговар шайлиги ва қобилиятини юксалтириш йўлида фидойилик кўрсатаётган Ватан ҳимоячиларининг саъй-ҳаракатларида кўтаринкилик, ғайрат ва шижоатни кузатишингиз мумкин. Айнан шундай бўлиши бежиз эмас, албатта. Ахир, халқимизнинг энг улуғ ва азиз, муборак байрами – Мустақиллик айёми кун сайин яқинлашмоқда. Демак, ҳарбий хизматчилар ҳам қутлуғ байрамни хизматдаги ютуқлар билан муносиб, асл ҳарбийларга хос тарзда кутиб олишга бор куч ва билими, бутун диққат-эътиборини сафарбар қилганлар.

Дарҳақиқат, юксак чўққию марраларни, юқори натижаларни кўзлаган, пешқадамлар сафида бўлишни хоҳлаган ҳарбий хизматчи ўқиб-изланишдан, ўз устида ишлаш ва малакасини оширишдан толиқмайди, бир зумга ҳам тўхтамайди. Аслида, бу – метин ирода ва матонат талаб этувчи, мураккаб жараёнга бутун вужуди билан киришган киши тўхташни хаёлига келтирмайди ҳам. Чунки унинг саъй-ҳаракатларида профессионаллик акс этади. Ўз касби ва кундалик фаолиятига меҳр-муҳаббат, бурчи ва вазифаси олдидаги, муҳими, юртдошларининг, оила аъзоларининг тинч ва осойишта, фаровон ҳаёти учун масъулият ҳисси кучли, унда.

Капитан Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Муаллиф суратга олган.

БДИТЕЛЬНОСТЬ

ПРИМЕР ПОКАЗАЛ СЕРЖАНТ

Сержанта Баходира Обидова в его воинской части знают и уважают как исполнительного и дисциплинированного военного профессионала. А совсем недавно он подал сослуживцам добрый пример бдительности.

Заступив в наряд помощником дежурного по части, сержант Б. Обидов нес службу в обычном режиме. Казалось, обычный день, каких много бывает в рутине воинских буден.

Во второй половине дня, когда палящий южный зной буквально пригибает людей к земле, стало трудно сохранять высокую концентрацию внимания, так важную на боевом дежурстве. И тогда сержант Б. Обидов решил ненадолго выйти из дежурного помещения, попросив разрешения офицера.

Выйдя во двор перед зданием штаба части, сержант бросил взгляд на людей, проходящих мимо за решетчатой оградой. И его зоркий глаз выхватил из толпы смуглого мужчину, сразу же спрятавшего какой-то предмет.

Помощник дежурного с напускным равнодушием отвел в сторону глаза и стал беседовать с сослуживцем, в это время вышедшим из штаба. Однако боковым зрением продолжал наблюдать за подозрительным мужчиной. Тот вновь осмелел, решив, что сержант ничего не заметил. В его руках показался тот самый предмет, оказавшийся цифровым фотоаппаратом. Прикрывая ладонью объектив, он продолжал тихо снимать расположения.

Сомнений уже не оставалось. Незнакомец, скрытно ведущий фотосъемку военного объекта, должен быть задержан. Сержант Б. Обидов зашел в штаб, рассказав обо всем майору Сарвару Наврузову и капитану Азизу Абдуллаеву. Двое офицеров, не вызывая опасений у притаившегося «фотографа», вышли из расположения, а потом втроем с сержантом Баходиром Обидовым задержали хозяина фотоаппарата.

Вот так, благодаря высокой бдительности и боевой настороженности сержанта Баходира Обидова была надежно предотвращена попытка несанкционированной фотосъемки. А на другой день перед строем всего личного состава бдительному сержанту была объявлена благодарность от имени командира части.

Этот случай широко обсуждался в коллективе части и всего отдаленного гарнизона. Так что бдительность нам всем надо сохранять на высоком уровне.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **автора.**

БЛАГОДАРНОСТЬ ЗА СЛУЖБУ!

Рядовым по контракту Мухаммаду Иномжонову и Ахаду Ахмедову было приятно услышать слова благодарности от командира части и получить Памятные знаки начальника Объединенного штаба Вооруженных Силна торжественном построении личного состава. Отличные воины удостоились поощрения за образцовое несение службы в качестве часовых.

В воинском коллективе, где служит старший лейтенант Азиз Ахмедов, особое внимание уделяют изучению положений Общевоинских уставов, в частности Устава гарнизонной и караульной служб. И это не случайно, ведь основной задачей данного подразделения является обеспечение охраны и обороны важных военных объектов и войскового имущества.

Бдительность и боевая настороженность в круглосуточном режиме стали нормой и непреложным правилом для всего личного состава подразделения.

В частности, недавно бдительными часовыми была пресечена попытка группой лиц на транспортном средстве в ночное время проникнуть на охраняемый объект с целью видеосъемки расположений.

В ту памятную ночь, когда часовыми заступили на пост рядовые по контракту М. Иномжонов и А. Ахмедов, они успешно сдали такой же реальный экзамен на умелое применение уставных требований. Воины выдержали испытание с честью, оперативно доложив по средствам связи начальнику караула старшему лейтенанту Эльеру Сатторову, быстрыми и решительными действиями задержали нарушителей границ поста еще до прихода подмоги. Имевшийся у незваных гостей набор цифровой видео техники не оставлял сомнений в целях задержанных. Нарушители были переданы в правоохранительные органы.

— Этот случай стал предметом обсуждения во всех подразделениях, — говорит представитель командования части. — Пример передовых воинов стал еще одним призывом к бдительности, напоминанием о том, что только добросовестная служба является гарантом надежности защиты мирной жизни.

Капитан Х. ФАРРУХОВ.
Фото **Бахрома АБДУРАХИМОВА.**

МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Вақтли матбуотда мафкуравий иммунитет ҳақида ўқиб қоламан. Бу тушунча ўзига нималарни қамраб олади ва унинг таркибий қисмлари нималардан иборат? Биз ёшлар мафкуравий иммунитетимизни мустаҳкамлашимиз учун нималарга эътибор қаратишимиз лозим?

Шерзод РАЖАБОВ, академик лицей ўқувчиси.

Саволга «Ёшларни бузғунчи ғоялардан асраш: муаммо ва ечимлар» китобида мутахассислар берган жавоблар асосида ойдинлик киритсак. Аввало, мафкуравий иммунитет бу – бегона, зарарли ғоялар, мафкуралар билан тўқнаш келганда унга нисбатан ўз муносабатини билдира олиш, унга қарши курашишга ғоявий, маънан тайёр бўлиш имконияти. Ҳар бир одам, аввало, ҳар бир ёш ўзининг мустақил, эркин фикрига эга бўлмагунча бундай иммунитетни шакллантириб бўлмайди. Ёшларимизда бегона, вайронкор ғояларнинг зарари ҳақида уларнинг мустақил фикрини шакллантириш соҳасида бир қатор муҳим ишлар қилинмоқда. Бу тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш, оммалаштириш лозим. Мафкуравий иммунитетни шакллантирувчи омиллар сифатида энг аввало миллий истиқлол ғояси негизидаги маънавий-маърифий тарбия, огоҳлик, жаҳолатга қарши курашга эътибор қаратиш зарур.

«Фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур», дейди давлатимиз раҳбари. Шу маънода олиб қараганда, истиқлол йилларида маънавиятимиз, бой меросимиз, муқаддас қадриятларимизни тиклаш, ўрганиш бўйича кўплаб муҳим ишлар амалга оширилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мафкуравий иммунитетнинг таркибий қисмларини қуйидаги тушунчалар ташкил этади:

– мафкуравий огоҳлик;
– мафкуравий муносабат;
– мафкуравий ҳушёрлик;
– мафкуравий хавфсизлик;
– мафкуравий сафарбарлик;
– мафкуравий курашчанлик ва бошқалар.

Ёшларда мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш, уларга миллий мафкурамиз ғояларини сингдириш тарғиботчи, ташвиқотчидан ўзига хос сиёсий, педагогик-психологик маҳоратни талаб қилади. Тарғиботчи тарбия, тарғибот усулларини танлашда педагогик-психологик қонуниятларга амал қилиши зарур.

Бунинг учун тарғиботчи мураббийларимиз дастлаб ўз суҳбати, маърузасини, фикрини исботлайдиган далиллар тизимини ишлаб чиқиши керак.

Сўнгра вазиятни ўрганиши, уни баҳолай олиши даркор. Одамларнинг феълига қараб, тарғиботнинг қиёслаш усулидан, воқеаларни солиштириш воситасидан ва бошқа шу каби йўлларидан фойдаланса, мулоқот самарали бўлади. Суҳбат ёки маъруза одамларда ҳис-ҳаяжон уйғотиши, юрагини ҳаяжонга солиши керак.

Булардан ташқари, кишиларнинг ижтимоий хусусиятларини ҳисобга олиши, тарғибот-ташвиқот ишларида кишиларга вайронкор, ёвуз ғояларнинг зарарини тушунтиришда, миллий мафкурамиз ғояларини самарали ва мақсадли сингдиришда гуруҳларга ажратиб ёндашиш лозим. Жамиятда инсонларнинг манфаатлари, қадриятлари бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам тарғибот-ташвиқот ишида айнан мана шу қадриятлар, манфаатларга мос ғояларни ўзига хос усулда илгари суриш талаб этилади.

Таҳририят.

МАҲАЛЛА ПОСБОНЛАРИ ҲАМИША СЕРГАК

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маҳаллаларнинг жамиятдаги мавқеини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, мазкур институтнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, уларнинг ободлигини, тинчлик ва осойишталигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борадаги вазифаларни ўз вақтида бажаришда профилактика нозирлари ва маҳалла посбонларининг муносиб ўрни бор. Истиқлолимизнинг 18 йиллик ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тантаналарини юксак савияда ўтказиш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар доирасида пойтахтимизнинг Бектемир туманида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Мавжуд 12 маҳалла фаоллари, профилактика нозирлари ва маҳалла посбонлари юзага келиши мумкин бўлган масалаларнинг олдини олиш ва биргаликда ҳал қилишга шай.

– Бизнинг маҳалламизда 1300 га яқин оила истиқомат қилади, – дейди "Роҳат" маҳалла посбонлари сардори Ортиқхўжа Кенжаев. – Улуғ айёмлар арафасида ўзимизнинг, ўз уйимизнинг тинчлигини таъминлаш борасида фаол профилактика ишларини олиб боряпмиз. Биринчи галда тарбияси оғир ўсмирлар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлар ўтказяпмиз. Мавжуд муаммоларни улар билан биргаликда ҳал этишга ҳаракат қиляпмиз.

Туманнинг Абай маҳалласида ҳам шу каби ишларга гувоҳ бўлдик. Маҳалла посбонлари сардори Жумабой Масалиев профилактика нозири, капитан Акмал Қодиров билан ҳамкорликда назорат ишларини намунали йўлга қўйганлиги учун тумандаги "Энг яхши маҳалла посбони" сифатида эътироф этилди.

– Бизнинг маҳалламизда турли миллатга мансуб кишилар истиқомат қилади, – дейди Ж. Масалиев. – Истиқлол берган имкониятлар туфайли маҳаллаларимиз янада обод бўлиб, аҳоли аҳилиноқ ҳаёт кечирмоқда. Биз, посбонлар маҳалламиз ёшларининг нотўғри йўлга кириб кетишининг, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик каби ёмон иллатларга ружу қўйишининг олдини олиш, ёзги дам олиш кунларини мазмунли ташкил этиш мақсадида ҳар хил спорт тўгараклари ташкил этиб, уларга ўғил-қизларни жалб этиш ва маҳаллалар ўртасида мусобақалар ўтказишга бош-қош бўлмоқдамиз.

"Маҳалла" жамғармасининг туман бўлимида ҳар ҳафта маҳалла фаоллари ва посбонлари билан учрашув ўтказилиб, тантаналар арафасида қилиниши лозим бўлган ишларни аҳолига таништириш, турар-жойларни обод қилиш, тозалаш ва кўкаламзорлаштириш, хавфсизлик талабларига қатъий риоя қилиш, назорат ишларини кучайтириш каби масалалар муҳокама қилинади.

– Яқинлашиб келаётган энг улуғ, энг азиз байрамимиз ҳамда пойтахтимизнинг қутлуғ тўйига муносиб тўёна тайёрлаш мақсадида маҳаллаларимизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини катта ғайрат билан амалга ошираяпмиз, – дейди Бектемир тумани "Маҳалла" жамғармаси бўлими раиси Собиржон Раҳимов. – Хусусан, туман ҳокимлиги ва ҳомийлар ёрдамида ҳар бир маҳаллага рамзий дарвозалар ўрнатилиб, атрофи анвойи гуллар ва миллий безаклар билан безатилмоқда. Айрим кўчалар янгидан асфальтланди, гузарлар таъмирланди. Энг муҳими, ҳашар йўли билан амалга оширилаётган бундай ишлар аҳолининг бир-бирига бўлган меҳр-оқибати, ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, тинчлик ва осойишталик ҳукм сурган, посбонлари ҳамиша сергак турган юртдагина байрамлар катта шоду ҳуррамлик билан ўтади.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири.

ТАРАҚҚИЁТ

БАНК ВА ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИ

Пойтахтимизда банклар томонидан деҳқон ва фермер хўжаликлари, агрофирмалар, қайта ишлаш корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда "Агробанк" акциядорлик тижорат банки ҳамкорликда ўтказган мазкур тадбирда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалаётгани алоҳида таъкидланди.

Иқтисодиётнинг барқарор ўсишида аграр соҳага қаратилаётган эътибор ҳамда банк маблағларининг барча тармоқларга изчил жалб этилаётгани муҳим омил бўлмоқда. Банклар фермер хўжаликларининг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга йўналтирилган кенг турдаги замонавий банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Натижада фермер хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотлар ҳосилдорлиги ошиши билан бирга қайта ишлаш корхоналарининг экспорт салоҳияти йилдан-йил ортиб бормоқда.

Фермер хўжаликлари агротехник тадбирларни ўз вақтида ва самарали ўтказишини қўллаб-қувватлаш учун банклар катта миқдорда маблағлар ажратмоқда. Мисол учун, 2008 йилда қишлоқ хўжалиги экинларининг энг муҳим турларини етиштириш учун 1 триллион сўм ажратилган бўлса, жорий йилда ушбу мақсадлар учун 1 триллион 200 миллиард сўм йўналтириш режалаштирилган.

Айни вақтда юртимизда лизинг хизмати кўлами ҳам кенгайиб бораётир. Ҳар томонлама қулай ушбу хизмат туридан фойдаланаётган қишлоқ хўжалик корхоналарининг асосий қисми ўзларининг техник базасини янгилашга эришди. Техника воситаларини лизинг асосида сотиб олиш бўйича ташкил этилган махсус Фонд ҳисобидан ушбу мақсадлар учун ўтган йили 43 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилган бўлса, жорий йилда 58 миллиард сўмдан зиёд молиявий ресурслар йўналтириш режалаштирилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида тижорат банклари маблағлари ҳисобидан деҳқон ва фермер хўжаликларига 110,4 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди. Мазкур маблағларнинг соҳалар мисолида тақсимланишини кузатадиган бўлсак, унинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги техникаси, асбоб-ускуналар харид қилиш, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган.

Банклар мижозларнинг ишлаб чиқаришни кенгайтириш, рақобатбардош янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестицион лойиҳаларни амалга оширишига кўмаклашмоқда. Уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ соҳаларга киритаётган инвестициялари кўлами ҳам ортиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида агрофирмалар учун 1,8 миллиард, минитехнологиялар харид қилиш учун 30,5 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди.

Таъкидлаш жоизки, тижорат банклари корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, замонавий технологияларни кенг жорий этиш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини таъминлаш, фермер хўжаликларига ҳар томонлама ёрдам бериш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли бандлигини оширишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришда фаол иштирок этмоқда. Бу, ўз навбатида, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири.

Рақамлар –тараққиётдан сўзлар

ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси берган маълумотлар Президентимиз томонидан белгилаб берилган 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг устувор йўналишлари, шу жумладан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида қабул қилинган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодиёт ва жамият ижтимоий ҳаётини барқарор, мувозанатли ривожлантиришни, иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлаганини кўрсатмоқда. Келинг, шу ўринда жорий йилнинг ортда қолган 6 ойи давомида энергетика соҳасида амалга оширган ишларимизга статистика кўрсаткичлари билан назар ташлайлик.

Шуни таъкидлаш лозимки, электроэнергетика соҳасини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежаш тизимини жорий этиш тадбирлари доирасида электр энергия истеъмолчиларига электр энергия сарфини аниқ ҳисобга олишни таъминлайдиган 273,2 минг дона электрон ҳисоблагич ўрнатилди. «500 кВтли Янги-Ангрен ТЭС – «Ўзбекистон» кичик станцияси юқори вольтли линияли 500 кВтга мўлжалланган «Ўзбекистон» кичик станцияси қурилиши» лойиҳаси амалга оширилди. 500 кВА қувватга эга кичик станция, Янги-Ангрен ТЭСдан узунлиги 169,4 километрга тенг 500 кВга мўлжалланган юқори вольтли линия ва «Ўзгариш» кичик станциясига узунлиги 8,4 километрга тенг 220 кВга мўлжалланган юқори вольтли линия қурилиши якунланди.

Ислом тараққиёт банки маблағларини жалб этган ҳолда, «Сурхон кичик станциясида АТ-2 га эга 500 кВга мўлжалланган Ғузор кичик станцияси-Сурхон кичик станцияси юқори вольтли линия қурилиши» ва «500 кВга мўлжалланган Сирдарё ТЭС-Сўғдиёна кичик станцияси юқори вольтли линия қурилиши» лойиҳалари амалга оширилмоқда. Хитой Халқ Республикаси ҳукумати кредит ресурслари ҳисобидан Тошкент шаҳрининг ташқи электр таъминоти учун янги объектлар барпо этилмоқда. «370 МВт қувватга эга буғ-газ қурилмасини қуриш орқали Тошкент ТЭСни модернизация қилиш», «Янги-Ангрен ТЭС қозонларини йил давомида кўмир ёқишга ўтказиш ва «Ангрен» конини техник қайта жиҳозлашни ҳисобга олган ҳолда 8-энергия блокини қуриш» лойиҳаларини амалга ошириш бошланди.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, танлаган тараққиёт йўлимиз, оқилона сиёсат натижасида мамлакатимиз иқтисодий ўсишининг барқарор суръатини сақлаб турибди.

Ш. ТОЛМАСОВ тайёрлади.

ЎЗБЕК АВТОМОБИЛСОЗЛИГИ – ЗАМОН ТАЛАБИГА МОС

ЎЗБЕК АВТОМОБИЛСОЗЛИГИ... БУНДАЙ ШАРАФГА УЛУҒ ИСТИҚЛОЛ МУЯССАР ЭТДИ. ОНА ЎЗБЕКИСТОННИНГ НУРГА ЧЎЛҒАНГАН КЕНГ ВА РАВОН ЙЎЛЛАРИГА ЎЗИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН, ЙИЛ САЙИН СОНИ ҲАМ, ТУРИ ҲАМ ЎСИБ БОРАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ РУСУМДАГИ АВТОМОБИЛЛАР КЎРК БАҒИШЛАМОҚДА.

ТОШКЕНТ–2200

ТЕНГИ ЙЎҚ МАФТУНКОР ШАҲАР

Халқимиз удумига кўра тўйга тўёна билан борилади. Деҳқонларимиз мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида илк бор 6 миллион 610 минг тоннадан зиёд ғалла хирмони бунёд этиб, яқинлашиб келаётган байрамларимизга катта туҳфа ҳозирладилар. Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида фойдаланишга топширилаётган янгидан-янги мактаблар, коллежлар, уй-жойлар, маданий-маърифий муассасалар, хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчалари, ишлаб чиқариш корхоналари, кўприклар, йўллар ҳам шодиёналарга муносиб совғадир.

Айниқса, пойтахтимизда олиб борилаётган кенг кўламли янгиланишлар, бунёдкорлик ишларининг сурьати вақтни-да шошириб кўядиган даражада ҳайратланарли.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосан амалга оширилаётган ишлар натижасида бугун шаҳар янада чирой очиб, авваллгидан ҳам ёрқинроқ гўзаллик ва тароват касб этаётир.

Шаҳарнинг замонавий қиёфасини шакллантиришда миллий ва замонавий меъморлик ечимларининг энг илғор ютуқларидан унумли фойдаланилди. Бундай залворли ўзгаришлар жараёнида кўплаб йўлўтказгичлар ишга туширилди, ҳалқа йўллари ва кўприклар, боғлар, ноёб обидалар барпо этилди. Бозорлар, аэропорт ва вокзал бинолари деярли қайта қурилди. Замонавий меҳмонхоналар, маданият саройлари, музейлар, банклар, спорт мажмуалари қад кўтарди.

Йигирма икки асрлик тарихга эга Тошкент бугун ўзининг ҳусну тароватн, бетакрор замонавий иншоотлари, гўзал боғлари билан жаҳоннинг энг гавжумланган ва чиройли шаҳарлари қаторидан ўрин олди. Пойтахтимизнинг Шарқ дарвозаси, Тинчлик шаҳри, Дўстлик шаҳри, Нон шаҳри сифатидаги шуҳрати бутун оламга ёйилган.

Тошкентнинг хуш ҳавоси, мафтункор табиати, фусункор боғлари меҳр-муҳаббат ила мадҳ этилгани, жўшқин анҳор ва сойлари, мусаффо булоқларининг зилол ва шифобахш сувлари ҳақида тарихий манбаларда гўзал таърифу тавсифлар битилгани бежиз эмас.

Ўн олтинчи асрда яшаб ўтган тарихчи ва шоир Зайниддин Восифий «Бадоеъ-ул-вақоеъ» асарида Тошкент таърифига алоҳида тўхталади. «Тошкент ва унинг боғу роғлари васфида» деб номланган қасидасида унинг тиниқ сувлари, сўлим боғу роғлари, ширин мевалари, ҳайратомуз бинолариии завқ билан тасвирлайди:

Сувларини кўрганда бу оби ҳаёт,
Тортиниб зулматга яширинди бот.
Бурак анҳорларининг сувлари равон,
Жаннат боғларида салсабилсумон.
Ҳусайний узумин қилгин томошо,
Ҳурдона янглиғ кўп қимматбаҳо.

Ҳа, ҳар қандай кишини ўзига мафтун этувчи Тошкентимиз малоҳати олдида қойил қолиб, битилган бундай таърифу тавсифларни яна кўплаб келтириш мумкин. Пойтахтимизнинг бугунги жамоли, кўрку малоҳати ҳам ижод аҳли учун чексиз илҳом ва ижод манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимизда ёз ҳукмронлик қилаётган шу кезларда пойтахтимизнинг соя-салқин боғлари, файзли хиёбонлари жонимизга оро киради. Турли дов -дарахтлар, гулу чаманзорлар баҳри дилингизни очади.

Пойтахтимизда транспорт-коммуникация тизимини изчил такомиллаштирилаётгани, халқаро талабларга мос йўл ва йўл ўтказгичлар, транспорт боғламаларининг кўпайиб бораётгани ҳайдовчи ва йўловчиларга қатор қулайликлар яратмоқда. Айниқса, тирбанд чорраҳаларда бунёд этилган ўнлаб кўприклар аҳолининг узоқини яқин, оғирини енгил, вақт ва маблағини тежаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш баробарида атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутади. Маълумотларга қараганда, пойтахт коммуникация тизимида амалга оширилган ислоҳотлар туфайли транспорт воситаларидан чиқаётган заҳарли газлар миқдори 1990 йилга нисбатан 25 фоизга камайган. Ваҳоланки, Тошкент кўчаларида 1990 йилга нисбатан 1,8 баравар кўп транспорт воситаси ҳаракатланмоқда.

Яшил ҳудудлар ва фавворалариии кўпайтириш орқали шаҳарда салқин микроиқлим ҳосил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан сўнгги ўн йилнинг ўзида пойтахтимизда уч минг гектардан ортиқ майдонда янги боғроғлар яратилди. Қўшимча равишда минг гектардан зиёд ҳудуд гулзорга айлантирилди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрининг 15 минг гектардан зиёд ҳудудини яшил майдонлар ташкил этади. Бу пойтахт заминининг 30 фоизи демакдир. Истиқлол йилларида шаҳарда аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўкаламзорлаштирилган ҳудуд 21,5 квадрат метрга ортиб, 69 квадрат метрни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич бўйича пойтахтимиз Санкт-Петербург, Пекин, Москва, Сиэтл каби кўплаб шаҳарларни ортда қолдирди.

Кўкаламзорлаштириш ишларига бу тахлит катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, албатта. Чунки атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашда ўсимликларнинг аҳамияти беқиёс. Ўсимликлар, дов-дарахтлар киши руҳиятига, кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади, ҳавони зарарли газлардан тозалайди, чанг ва ғуборларни ушлаб қолади, шовқинни камайтиради. Мутахассисларнинг айтишича, бир гектар майдондаги дарахтзор йилига 54 тонна чангни ютиб, 5 тонна углерод II оксидини ушлаб қолар экан. Ҳавонинг зарарли микрофлора билан тўйинишини 40-45 фоизга камайтиради. Кенг кўламда кўкаламзорлаштирилган ҳудудда ҳаво ҳарорати очиқ жойларга нисбатан 16 даража салқин бўлади.

XXI аср Тошкентининг ўсимлик олами бой. Бу ерда 190 турдан ортиқ дарахт ва 30 хилдан зиёд бута ўсади. Ҳозир шаҳарда 6 миллиондан ортиқ дарахт, 2 миллиондан зиёд бута мавжуд. Уларнинг катта қисмини игнабаргли дарахтлар, каштан, чинор, мажнунтол, япон сафораси, қарағай, эман, заранг, қайрағоч ташкил этади.

Кўкаламзорлаштириш ишлари жараёнида, аввало, ҳавони кислород билан бойитадиган эман, қарағай, каштан, қайин, япон сафораси, мажнунтол каби дарахтларни, одамга эстетик завқ берадиган манзарали буталарни кўпроқ экишга эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг баҳорида пойтахтимизда 270 мингдан зиёд ана шундай манзарали ва мевали дарахт кўчатлари, 167 мингдан кўпроқ бута кўчатлари ўтқазилди. Қарийб беш миллион дона бир йиллик ва кўп йиллик гул кўчатлари экилди.

Мустақиллик майдони сержило пойтахтимизнинг жавоҳири янглиғ барчани ўзига ром этади. Бу ердаги турфа гул, бута ва дарахтлар, заррин фавворалар кўнгилларга хотиржамлик ва ором бағишлайди. Маҳаллий дарахт, бута, гуллардан ташқари хориждан келтирилган 95 хил ўсимлик майдон ҳуснига чирой қўшган. Жанубий Америкада ўсадиган, баландлиги юз метргача етиб, олти юз йилдан кўпроқ яшайдиган "Секвоя", "Дендро-гигант" каби игнабаргли дарахтлар шулар жумласидандир.

Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасига қарашли «Манзарали боғдорчилик ва гулчилик» очиқ акциядорлик жамиятида манзарали, игнабаргли дарахтлар, гул кўчатлари иқлим шароитимизга мослиги, гуллаш даври ва ранги алоҳида эътиборга олинган ҳолда кўпайтирилмоқда. Жамият ихтиёридаги майдонда қарийб икки юз хил манзарали, бутасимон дарахт кўчатлари ва гуллар парваришланмоқда. Тяньшань арчаси, зангори арча, эҳромсимон эман, оқ қайин, пальма, каштан, япон сафораси, астра, сальвия, антиринум, петуния, бегония, гладиолус сингари ноёб ўсимликлар шулар жумласидандир.

Жамият боғбонлари ва гулчилари тупроқ танламайдиган, қурғоқчиликка чидамли, экологик мусаффоликни таъминлашга хизмат қиладиган манзарали ва доривор дарахтлар сонини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, япон беҳиси, япон сафораси, каштан кўчатлари шаҳримизда тобора кўпаяётгани атроф-муҳит мусаффолигига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Тошкентнинг боғ ва хиёбонлари пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларининг энг севимли масканларидир. Бугунги кунда шаҳардаги мавжуд 12 та маданият ва истироҳат боғининг умумий майдони 168,16 гектарни ташкил этади. Мазкур боғларда 25,69 гектарлик сув ҳавзалари мавжуд, 135 дан зиёд аттракцион ишлаб турибди. Шаҳар маданият ва истироҳат боғлари 1 соатда 10 минтга яқин дам олувчини қабул қилиш имкониятига эга. Айниқса, ёзнинг иссиқ кунларида боғлар янада гавжумлашган.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан истиқлол йилларида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, Мирзо Улуғбек, Бобур, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғлари янгича қиёфа касб этди, Аквапарк бунёд этилди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи тубдан қайта шаклланди – бу ерда реконструкция, қурилиш, кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди. Аҳамиятлиси, бу жараёнда «экоархитектура»дан кенг фойдаланилди. Табиий, экологик тоза ва замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилган қурилиш воситалари қўлланилди. Боғнинг ҳудуди 16 гектарга кенгайтирилди. Бу ердаги кўлнинг асл кўриниши сақлаб қолинган ҳолда дренаж тармоқлари янгиланди. Кўл сувини мунтазам янгилаб, тозалигини таъминлаш имконини берадиган тўрт босқичли махсус сув тозалагич иншооти барпо этилди.

Мазкур боғ нафақат юртдошларимиз табиат гўзаллигидан баҳра оладиган, балки Мустақиллик, Наврўз каби умумхалқ байрамлари нишонланадиган, турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган файзли масканга айланган.

Ҳозир Фурқат ва Зафар Диёр номидаги маданият ва истироҳат боғларида реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Барча боғларда пойтахтимизнинг 2200 йиллиги муносабати билан турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилаяпти. Мактаб ўқувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандлари учун спорт секциялари ташкил этилган.

Маълумки, қушлар экологик ҳолатнинг яхшилигини белгиловчи ўзига хос индикатор ҳисобланади. Тошкент боғларида булбулларнинг хониш қилиши, жиғалтой, тошқирғий, қамиш машаги, кўктарғоқ, зағилдоқ каби қушларнинг ин қуриб, яшаётгани бу ернинг тинч-осойишта, экологик муҳити барқарор, ҳавоси ва суви тоза, ўсимликларга бой ҳудуд эканидан далолатдир. Кузатишларниси, бугун шаҳримиз истироҳат боғлари, хиёбонларида олмахонлар ҳам кўпаймоқда.

Лайлак азалдан тинчлик, эзгулик, файз ва барака рамзи ҳисобланади. Бундай хосиятли қушларнинг диёримизни макон тутиши юртимиздаги тинчлик-осойишталик, қут-баракадан дарак беради.

Ҳа, бугун Тошкент нафақат юксак сиёсий ва маданий нуфузи, бой ўтмиши ва бетакрор тарихий обидалари, замонавий инфраструктураси, балки табиат ато этган малоҳатини йўқотмай келаётган, яшилликка, гулларга бурканган жаннатмонанд шаҳар эканлиги билан ҳам олам аҳлининг эътиборини тортаётир. Бу мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида пойтахтимизда инсон манфаатларини таъминлаш, унинг қулай ва соғлом ҳаёт кечиришига йўналтирилган экологик соғлом муҳитни қарор топтириш, улкан бунёдкорлик, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари бераётган юксак самаралардандир.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ҲАМИША ГЎЗАЛ ВА НАВҚИРОН

«Инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади.Тарих ҳақиқати шуни кўрсатадики, томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин», – дейилади Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида. Марказий офицерлар саройида бўлиб ўтган маънавий-маърифий анжуман ҳам ана шундай эзгу мақсад йўлида ташкил этилди.

Республика маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Халқаро Амир Темур жамғармаси, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда ўтказган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари, ҳарбий хизматчилар иштирок этишди.

– Юртимиз тарихи, аждодларимиз қолдирган бой маданий-маърифий мерос билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, – дейди Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори, тарих фанлари доктори Жаннат Исмоилова. – Биз ана шу меросни асраб-авайлашимиз, келгуси авлодларга бус-бутун етказишимиз, шунинг баробарида фарзандларимиз қалбида Ватан тарихи, аждодлар маънавиятига ҳурмат ҳиссини шакллантира боришимиз лозим. Зеро, ўтмишни билмай, пухта ўрганмай туриб, келажакни барпо этишнинг имкони йўқ.

– Энг улуғ, энг азиз байрамимиз бўлмиш истиқлолнинг 18 йиллигини ва азим пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллик тўйини нишонлаш арафасидамиз, – дейди Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази масъул ходими, профессор Абдуқаҳҳор Иброҳимов. – Хусусан, ЮНЕСКО Бош конференциясининг қадимдан йирик илм-фан, маданият маркази, тинчлик ва дўстлик маскани бўлиб келган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш ҳақидаги қароридан сўнг ушбу қутлуғ санага ҳозирлик кўриш, муносиб кутиб олиш юзасидан талай ишлар амалга оширилди. Нафақат шаҳар ободонлаштирилиб, кўркига кўрк қўшилди, шу билан бир қаторда, ёшлар, аҳоли ўртасида кенг миқёсда тарғибот, ташвиқот ишлари олиб борилди. Ўйлайманки, узоқ ва бой ўтмишга эга бўлган Тошкентимиз билан авлодларимиз фахрланишади, уни янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишади.

– «Ҳамиша гўзал ва навқирон Тошкент» деб номланган анжуман менда катта таассурот қолдирди, – дейди офицер Баҳром Муродов. – Жумладан, Тошкентнинг қадимда Шарқ дарвозаси деб аталгани, бунга сабаб шаҳарнинг муҳим ва қулай географик ҳудудда жойлашгани, у азал-азалдан Буюк Ипак йўлининг бош бўғини ҳисобланганлиги тўғрисида атрофлича маълумотга эга бўлдик.

Таъкидлаш жоизки, тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинган Тошкент тарихига оид музей экспонатлари, китоблар ва суратлар кўргазмаси қадим кентнинг ўтмиши ва бугуни ҳақида янада кенг тасаввур ҳосил қилишга катта ёрдам берди. Тадбир давомида йиғилганлар мутахассислардан ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олишди.

Жамшид СОБИРҚУЛОВ.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

МАЪНАВИЯТ

Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги олдидан

ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДИ БЎЛИШ – БУЮК БАХТ

Кишилар онги ва қалбига улуғвор ғояларни сингдириш, уларни эзгу ишлар сари даъват этишда санъат, жумладан, мусиқанинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Истиқлол миллий маданиятимиз ва санъатимизни янада ривожлантириш, бу борадаги бой анъаналарни тиклаш ва асраб-авайлаш, эришган ютуқларимизни жаҳонга кенг тарғиб ва ташвиқ этиш имконини берди. Санъаткорларга эса ижод эркинлигидек тенгсиз неъматни ато этди. Бугунги кунда мустақилликнинг бебаҳо қадрият экани барча соҳаларда, ҳар бир юртдошимизнинг ҳаёти, фаолияти ва ижодида яққол намоён бўлмоқда.
Бу ҳақда таниқли бастакор, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Баҳрулло ЛУТФУЛЛАЕВ ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Мусиқа санъатининг бош мақсади одамларни гўзаллик ва эзгуликка даъват этиш, маънавиятини юксалтиришдир, – дейди Б.Лутфуллаев. – Айни пайтда мусиқа миллатнинг ўзига хос қиёфасини белгиловчи муҳим омилдир. Абу Носир Форобий, Ибн Сино, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимизнинг мусиқага оид назарий-эстетик қарашлари миллий мусиқа санъатимиз шуҳратини дунёга ёйишга хизмат қилиб келмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида мамлакатимизда мумтоз мусиқий меросимизни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш баробарида миллий эстрада санъатини ривожлантириш, навқирон авлодни она Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат, умрбоқий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи етук мусиқий асарлар яратиш, ёш ижодкорларни камол топтириш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Мусиқа санъатимиз хазинаси янгича жанр, шакл, услуб, йўналишлар билан бойиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1997 йилдан буён ҳар икки йилда Самарқандда ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда ушбу фестивалнинг нафақат Шарқ, балки жаҳоннинг бошқа турли мамлакатлари миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг ноёб анъаналарини асраб-авайлаш, кенг тарғиб этиш ва ривожлантиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётгани мутахассислар томонидан кенг эътироф этилган. Миллий мусиқа санъатимизга бутун жаҳонда тобора қизиқиш ортиб бораётганида ҳам ушбу нафосат ва санъат байрамининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Айнан истиқлол йилларида миллий мумтоз мусиқа санъатимиздан жаҳон аҳлини кенг баҳраманд этиш имконияти пайдо бўлди. Ўзбекистон халқ артистлари – Муножот Йўлчиева, Абдуҳошим Исмоилов, Насиба Сатторова, Зулайҳо Бойхонова, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов каби санъаткорларимизнинг кўплаб мамлакатларда миллий мусиқамизни бор жозиба ва гўзаллиги, ўзига хослиги билан намоён эта олаётгани ўзбек мусиқа санъатининг дунё миқёсидаги ихлосмандларининг тобора ортиб боришида муҳим омил бўлмоқда. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Ватанимиз истиқлолининг 18 йиллиги арафасида Самарқандда ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ва унинг доирасидаги маънавий-маърифий тадбирлар, илмий анжуманларда ҳам бу жиҳатлар яна бир карра ўзининг ёрқин ифодасини топишига шубҳа йўқ.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, қалби ва онгида она Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини камол топтириш, уларда мусиқа санъатига бўлган ҳурмат ва эҳтиромни шакллантиришда «Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Дилларда Ватан мадҳи» каби республика кўрик-танловларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Юртимизда «Ниҳол» мукофотининг таъсис этилиши, истиқлол байрами арафасида ушбу мукофотнинг ғолибларга тантанали тарзда топширилиши мусиқа соҳасида изланаётган ёш истеъдодларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янги-янги ижодий марралар сари даъват этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида халқаро симфоник мусиқа фестивали, ёш ижрочилар, бастакорлар, мусиқашунослар кўрик-танловларини ташкил этиш яхши анъанага айланган. Бу эса ўзбек мусиқа санъатининг турли жанр ва йўналишларда тобора равнақ топиб бораётганининг яна бир исботидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига биноан кўплаб замонавий мусиқа лицейлари, коллежлари ташкил этилди. Ўзбекистон давлат консерваториясининг муҳташам ва замонавий биноси пойтахтимиз кўркига кўрк қўшиши баробарида республикамиздаги йирик маънавий-маърифий масканга айланди. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009–2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори мусиқа санъатимиз ривожи йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларни янги, янада юксак поғонага олиб чиқди. Ушбу ҳужжат ёшлар истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг юксак намуналаридан баҳраманд бўлиши учун зарур шароит яратиш, бошланғич мусиқий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг фаолиятини ривожлантириш имконини бермоқда. Бундай эътибор ва ғамхўрлик самарасида, Беҳзод Абдурайимов, Жамшид Саидкаримов, Муҳриддин Сайфиддинов, Нодира Дадамуҳамедова, Тамара Акбарова сингари истеъдодли ёшларимиз халқаро миқёсда ўтказилаётган кўрик-танловларда совринли ўринларни эгалламоқдалар.

Истиқлол йилларида Ватанимиз ўзининг бой маънавий мероси, юксак ижодий салоҳияти, умидли истеъдодлари билан жаҳон назарига тушди. Зеро, Ўзбекистон деб аталмиш гўзал, бетакрор юртнинг фарзанди, куйчиси бўлиш, уни юракдан севиб ардоқлаш буюк шараф, улкан саодатдир!

ЎзА мухбири
Назокат УСМОНОВА
ёзиб олди.

ИСМ – ИНСОН КЎРКИ

Ота-онанинг фарзанд олдидаги асосий бурчларидан бири унга чиройли исм қўйишдир. Чунки исмда фарзандининг келажагини белгилаб берувчи ҳикмат бор, дейишади. Бу муборак динимизда, жумладан, Ҳадиси шарифда ҳам таъкидланади.

Кўпинча ёш ота-оналар урф кетидан қувиши туфайли ўрни бўлса-бўлмаса, бирор китоб қаҳрамони, кино юлдузлари исмларига тақлид қилиб, фарзандларига турлича – миллий менталитетимизга мос келмайдиган исмлар қўймоқдалар. Хусусан, Арда, Айше, Камилла, Демир, Марадона каби исмлар «урф»га кираётганига нима дейсиз?! Ҳаттоки, бирмунча олдин «Ёшлар» телеканали орқали эфирга узатилган корейс халқининг тарихий-саргузашт сериали таъсирида айримлар ўз фарзандига Жумонг, деб исм қўйишганини эшитиб, ёқа ушлайсан киши. Наҳотки, буюк ўтмишга эга халқ фарзандлари эканимизни унутмоқдамиз?! Эшитган қулоққа эриш туюлмайдиган, фарзандининг маънавиятини юксалтирадиган, комил инсон бўлиб шаклланишига хизмат қиладиган исмлар наҳот ўзбек тилида топилмаса?! Аслида арзимас нарсадек туюлган бу муаммонинг миллат ўзлигига, маънавий қиёфасига қанчалик таъсир кўрсатишини тасаввур қилиб кўринг-а.

Ўзига муносиб исм қўйилмаган бола катта бўлганида яқинларидан домангир бўлади. Бундан ташқари, эркалатиб ёки эриниб исмнинг ярми айтилиши ҳам одат тусига кириб бормоқдаки, ҳатто ўша инсоннинг ўзи асл исми қандайлигига эътиборсиз бўлиб бормоқда. Масалан: Нуриддин, Нурбек, Нурали дея, фарзандининг ҳаёти нурга тўлсин, исми жисмига мос инсон бўлиб улғайсин, деган маънода исмлар қўйилади. Бироқ мурожаат қилинганда «Нури» деб қўя қолишади. Айниқса, ёшлар бир-бири билан мулоқотда бўлганида исмларини – Гуля, Диля, Фарҳодни – Федя, дея аташмоқдаки, қулоғингизга чалинса, ғашингиз келади.

Психолог Марҳамат Умарованинг фикрича, исмнинг қисқартириб айтилиши, шахснинг исмига бўлган масъулиятини, ундаги маъно-мантиқни ҳам унутиб боришига олиб келар экан. Исми чиройли ва тўлиқ ҳолда айтилса, ўша инсоннинг умри мазмунли, қиладиган иши ҳам эзгу амалларга бой бўлар экан. Исмнинг тўғри айтилиши муомала маданиятини, тарбияни билдиради. Биринчи ўринда бу ҳол оиладан бошланади. Эр-хотин тортишиб қолганида, оила бошлиғи рафиқасини «эй» ёки ҳар хил сўзлар билан камситиб, танбеҳ бермасдан, унинг исмини айтиб, масалан, Раънохон, дея оғир-босиқлик билан муаммо тушунтирилса, аёли ҳам муросага келади. Фарзандларнинг номига «бек, жон, хон, ой» каби қўшимчалар қўшиб айтилишида ҳам катта маъно бор. Мисол учун, Тоҳир дея, бирор юмуш буюрсангиз, бажаргиси келмай турган болага, Тоҳиржон десангиз, тезда айтганингизни бажаради. Қолаверса, бундайин муомала унинг тарбиясига ҳам ижобий таъсир этар экан.

Исм қўйиш ҳар бир халқнинг қадриятларидан бири ҳисобланади. Исм туғилган боланинг қайси уруғдан, қандай сулоланинг нечанчи авлоди эканлиги, таваллуд топган вақти, жойи, саломатлигининг қандайлигига, бола танасидаги алоҳида белгилар ва бошқа омилларга қараб, китоб кўриб қўйилган. Таомилга кўра, гўдакка исм қўйишдан олдин ўнг қулоққа азон, чап қулоққа эса такбир айтилади. Одатда бу вазифа оиланинг кекса ёшли аъзоси зиммасида бўлган.

Фарзандларимизга буюк шахсларнинг исмларини қўйишни ёқтирамиз. Айтайлик, Темур ёхуд Улуғбек, Жаҳонгир, Муҳаммад деб исм қўйилса-ю, бола улғайганда бу исмларга муносиб бўлмай, номаъқул ишларни қилиб юрса, албатта, яхши бўлмайди. Ҳар бир исм эзгу ниятлар билан қўйилади. Унинг эгаси улғайиб, элу юртнинг назар-эътиборини тортадиган улуғ одам бўлиб етишса, ўз исмини оқлаган ҳисобланади.

Айтиш жоизки, Баҳора, Наврўза, Баҳодир, Баркамол, Элёр сингари исмларда ҳам ўзига хос маъно яширинган. Қизларни ҳаёти хайрли бўлсин, деган ниятда Хайриниссо, Умриниссо, Робия, ой-қуёшдек барқарор бўлсин дея Мунаввар, Шамсия, Ойгул, деб аташган. Гулу чечаклардек нафис, муаттар ва ёқимли бўлишига ҳавас қилиб, Гулчеҳра, Гулнора, Наргиза, Нилуфар сингари исмлар қўйилган.

Баъзан фуқаролик ҳолатларини қайд этиш идораларидаги эътиборсизликлар туфайли гувоҳномаларда, паспортларда исм-шарифдаги ҳарфлар тушириб қолдирилади. Натижада ҳаётда, оилада, дўстлар орасида икки хил исм билан юритишга мажбур бўлинади.

Хуллас, исм қўйиш ҳам бир санъат. Бу масалага эътиборли бўлиш ҳар биримизнинг зиммамиздаги ҳам фарз, ҳам қарз. Улуғбек, Бобур, Алишер, Комила, Нодира сингари инсонни юксакликка, тарихда шундай исмга эга бўлган буюк аждодларга муносиб бўлишга ундайдиган, энг муҳими, асл ўзбекона исмларга нима етсин?! Фарзандларимизга чиройли ва тўғри исм қўяйлик, токи уларнинг исмидан ҳам қайси миллат фарзанди экани сезилиб турсин.

Дилфуза РЎЗИЕВА.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

ХИЁНАТ



Мирвали бобо тонгга яқин жарчининг чақириғидан уйғониб кетди. «Нормурод бобоникига таъзияга-а». Нима? Нормуродникига дедими? Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Ахир у соппа-соғ эди-ку? Балки нотўғри эшитгандирман. У машъум хабарни яхшилаб эшитиш учун дераза ёнига келди. Йўқ, адашмабди. Нормуродникига деди. Наҳотки… у вафот этган бўлса? Мирвали бобо дўстининг ўлимини эшитди-ю, юрагидан нимадир чирт этиб узилгандек бўлди. Бу қандай ришта эди, дўстлик риштасими ёки ҳамқишлоқлик риштасими? Билолмади. Йўқ, билди фақат тан олгиси келмади.Тенгдоши, бир пайтлар сирдоши бўлган инсоннинг ўлими унга қаттиқ таъсир қилди. Шу боис кўзларини юмиб, анча вақтгача бўсағада ўтириб қолди. Негадир юраги сиқилди. Кўз олдида дўсти Нормуроднинг унга норози бўлиб қараб турган чеҳраси намоён бўлаверди. Кўзларига ёш келди. Қайноқ ёш мижжаларини куйдирди. Узоқ йиғлади. Елкалари силкиниб-силкиниб йиғлади. Кейин эса ўрнидан турди-да елкасига тўнини ташлаб, айвонга чиқди. Тонг ёришган. Ҳовли сув сепгандек жим-жит. Бобо айвон раҳига суяниб, узоқ хаёлга ботди. Раҳматли аёли тириклигида бу ҳовлию боғлар яшнаб турарди. Раҳимахон ҳар доим баҳор келди дегунча, ҳовлини айлантириб турли гул кўчатларини экиб чиқар, уларга юрак қўрини бериб парвариш қиларди. «Гуллар инсоннинг чарчоғини олади-да, отаси. Уларга қараб, яйраб кетаман. Қаранг, қандай чиройли», дерди у ҳар доим гулларига меҳр билан тикилиб. У жуда оқила аёл эди. Қандай иш қилишидан қатъи назар Мирвали бобо билан бамаслаҳат иш тутарди. Унинг бирор марта овозини баландлатиб гапирганини эслолмайди. Ҳатто қирқ йил бирга турмуш кечириб, бирор марта аразлашмаган ҳам.

Мирвали бобо чуқур хўрсиниб қўйди. Қандай меҳрибон, ширинсўз аёли бор эди. Бу йил Раҳимахоннинг оламдан ўтганига ўн тўрт йил бўлади. Ҳа, роппа-роса ўн тўрт йил тўлди. Кампири оламдан ўтганига бир ҳафта бўлганида кенжа невараси Зилола туғилганди. Ҳозир у ўн тўрт ёшда. Ҳадемай мактабни тамомлайди. Бобонинг шу неварасига меҳри бошқача. Худди қуйиб қўйгандек Раҳимахонга ўхшайди. Юз тузилиши ҳам, рўзғор тутиши ҳам бувисининг ўзи. Унга қараб туриб Раҳимахоннинг ёшлик дамлари ёдига тушади. Мирвали бобо маъюс жилмайиб қўйди.

Қандай ажойиб дамлар эди у пайтлар. У ҳам ёш, навқирон эди. Тоғни урса, талқон қиладиган шижоати бор эди. Шу маҳаллар Раҳимахонга кўнгил қўйди. Аслида уни дўсти Нормурод севарди. Аммо… Мирвали уйланди. Бу унинг бутун умр қалбининг тўрида сақлаган сири. Бу сирни бир Мирвали билади, бир Нормурод. Ҳатто ўттиз йил бирга яшаган Раҳимахон ҳам бу сирдан хабардор эмас. Ҳалиям дўсти мард экан, Мирвалига бирор марта «нега ундай қилдинг?» деб таъна қилмади. Фақат мен сендан бундай номардликни кутмаган эдим, деди-ю, шундан кейин дўстим деб унинг юзига қарамади. Улар юзкўрмас бўлиб кетишди. Бир қишлоқда яшашса ҳам бир-бири билан салом-алик қилишмади…

Уларнинг болалиги урушдан кейинги йилларга тўғри келди. Мирвали ва Нормурод бирга ўйнаб катта бўлишди. Мактабда ҳам бир синфда ўқишди. Улар шу даражада аҳил эдики, бир кун бир-бирини кўрмаса туролмасди. Ҳақиқий дўстлик деб шуни айтсалар керак-да. Мактабда болаларга бош бўладиган ҳам улар эди. Мактаб уларнинг қишлоқларидан анча узоқда, учта қишлоқ нарида эди. Ҳар бир қишлоқнинг оралиғидаги масофа ҳам анчагина. Икки ўртоқ Мирвалининг эшагига мингашиб, мактабга келишади. Кела-келгунча гурунглашиб келишади. Ортларида қишлоқнинг бошқа болалари эргашади. Улар эса болаларга йўлбошчилик қилишади. Раҳимахон ҳам улар билан бир синфда ўқирди. Тим қора сочларини орқасига битта қилиб ўриб ташлаб оладиган Раҳимахон синфнинг энг олди қизларидан эди. Унинг ошиқлари кўп бўлган. Шулардан бири Нормурод бўлган. У Раҳимахонни юқори синфга ўтганида севиб қолди. Буни Раҳимахоннинг ўзига айтмаган, фақат Мирвалигина бу сирдан бохабар эди.

– Жўра, – деди бир куни Нормурод мактабдан уйга қайтишаётганида Мирвалига, – сенга бир савол бераман. Фақат тўғрисини айтасан, хўпми? Синфимиздаги қайси қизни ёқтирасан. Ўртоғининг берган саволидан Мирвали ҳайрон бўлди.

– Нима учун тўсатдан бу саволни бериб қолдинг-а? – деди у ҳайронлигини яширмай.

– Энди шунчаки, ўзим сўраяпман-да.

– Нима, жавоб беришим шартми?

– Жавоб бер, деб мажбурламайман. Лекин жавоб берсанг, яхши бўларди.

– Ҳа майли, шунчаки бўлса, айтаман. Менга… – Мирвали ўйланиб қолди. – Менга Ойгул ёқади. Очиққўнгил, самимий қиз. У бошқа қизларга ўхшамайди.

– Шундайми? – Нормурод таскин топган одамдай енгил нафас олди.

– Энди сен айт, сенга ким ёқади? – дўстининг саволини эшитиб, Нормурод бироз тараддудланиб қолди.

– Нега жим бўлиб қолдинг, гапирсанг-чи?

– Менга… Мен… Раҳимани ёқтираман. Нормурод шу гапни айттунича қизариб кетди.

– Шундай де. – Мирвали маъноли томоқ қириб қўйди. – Балки севиб қолгандирсан. Кўринишингдан шунақага ўхшайди. Айтдим, бу болада бир гап бор деб. Ҳар куни дарс маҳали Раҳималар тарафга тикилиб ўтиришинг бежиз эмас экан-да. Мен Фотимани ёқтирсанг керак, деб ўйлардим. Сен ҳам писмиқсан. Шу вақтгача айтмаганингга қойилман.

– Жон жўра, бу гапни ҳеч ким билмасин. Сен ўртоғим, дўстим бўлганинг учун айтаяпман. Ҳатто Раҳима ҳам билмасин. Менга сўз берасан-а? – Нормурод дўстига илтижоли тикилди.

– Мени ким деб ўйлаяпсан? Сени дўстим деганман. Наҳотки, сотқинга ўхшасам. – Мирвали кўксига уриб қўйди. – Дўст дўстга ҳеч қачон хиёнат қилмайди. Менга қара, нима, унга муҳаббатинг ростдан ҳам кучлими?

– Ҳа, уни яхши кўраман. – Нормурод уялиб ерга қаради. – У жудаям яхши қиз. Агар... агар ота-онаси рози бўлса, уйланаман.

– Раҳиманинг отаси раис бўлса, у сенга қизини берармикан?

Мирвалининг бу гапини эшитиб, Нормурод ўйланиб қолди. Ростдан ҳам Раҳимахоннинг отаси унга қизини берармикан? У оддий тарқторчининг ўғли бўлса. Раҳима эса бой-бадавлат хонадоннинг қизи. Отаси туманга донғи кетган раис. Яна жуда димоғдор одам. Нормурод оғир хўрсинди.

– Нима, бахт фақат бойликдами? Мол-давлатсиз ҳам бахтли яшаётганлар қанча.

– Сен ўз қаричинг билан ўлчаяпсан. Бошқалар бундай деб ўйламайди. Ўзинг ўйла, агар Раҳиманинг ота-онаси ҳам шундай ўйлаганда катта қизларига оғиз солган Назир аканинг совчиларини ҳайдаб солмасди. Назир ака жуда яхши йигит, меҳнаткаш. Унинг ҳам бир айби – бой эмас.

– Ҳа… – Нормурод жим бўлиб қолди.

– Ҳей, сенга нима бўлди. Нега ўйланиб қолдинг?– Мирвали бир нуқтага тикилганича қолган Нормуродни туртди. – Буни тақдир деб қўйибди. Уйлангунингча қанча вақт бор. Унгача балки бойиб кетарсан. Бобом бойликни қўлнинг кири деб бежиз айтмайди. Сен ҳозирдан тушкунликка тушма-да. – Унинг гапларидан Нормуроднинг кўнгли кўтарилди. Юзига қон югурди.

– Шундай демайсанми, жўра. Яхшиям сен борсан. – У Мирвалининг елкасига қўлини ташлади. – Лекин бояги гап. Бу сир иккимизнинг ўртамизда қолсин. Ҳатто Раҳимахон ҳам билмасин.

– Бўлди. Гап битта. Энди тезроқ уйга боришимиз керак. Кечгача қанча иш қалашиб ётибди. – Мирвалининг қистовидан сўнг икки ўртоқ катта-катта одимлаб, уйларига равона бўлишди…

Улар мактабни тамомлашди. Ҳеч қанча вақт ўтмасдан Нормуродга ҳарбий хизматга чақирув қоғози келди. Хизматга кетар куни Нормуродларнинг уйида катта базм бўлди. Синфдошлар йиғилди. Қариндош-уруғлари келишди. Шу куни ярим кечагача бу хонадондан келди-кетди аримади. Эртасига эса Нормурод хизматга отланди.

– Мирвали дўстим, сенга Раҳимани омонат ташлаб кетаман. Ўзинг кўз-қулоқ бўлиб юр. Мен хизматдан қайтиб келиб, албатта унга уйланаман. Сендан илтимос қиладиган ягона ўтинчим ҳам шу.– Нормурод кетар чоғида Мирвалини ёнига чақириб, айтган гапи шу бўлди.

У Нормуродга ваъда бериб, кўнглини хотиржам қилиб, хизматга жўнатди. Аммо юракка буйруқ бериб бўлмас экан. Агар инсон кўнглини ўз измига сололганида эди, бу икки дўстнинг тақдири ҳам бутунлай бошқача бўларди…

Мирвалининг дадаси колхозда табелчи бўлиб ишларди. Қишлоқда обрў-эътибори ҳам шунга яраша эди. Мирвали мактабни тамомлаб, институтга ўқишга кирди. Энди у қишлоқнинг энг олди йигитларидан саналарди. Бир қарашда истараси иссиқ, келишган бу йигит бир пасда раиснинг ҳам эътиборини қозонди.

– Нишонбой, шу ўғлингизни ўқитиб, зап иш қилдингиз-да. Колхозимиз учун мана шундай кадрлар керак. Эртага улар бизнинг жойимизни эгаллайди. Ўзиям жуда одобли, киришимли йигит. Бўладиган бола. Куёв қилишга арзийди, – Раиснинг ўғлини очиқдан-очиқ куёв қилишга шаъма қилиб айтган гапини эшитиб, Нишонбой ака хурсанд бўлганидан шошиб қолди. Ахир шундай одам ўғлини куёв қилишни хоҳлаяпти, ёмонми? Бу оилянинг остонасига бош урганлар қанча.

– Ҳа энди, ўзи ўқишга иштиёқманд бўлди. Йўқ деёлмадик. Ҳарқалай ўқиса, билим эгалласа, ўзига ҳам яхши.

Раиснинг шу гапи баҳона бўлди-ю, Нишонбой ака Раҳимахонни келин қилиш тараддудига тушиб қолди.

– Онаси, бу йил Мирвалини уйлантирамиз, – деди бир куни у хотини билан суҳбатлашиб ўтириб.

– Намунча, ҳали энди биринчи курсда ўқиётган бўлса, шошиб нима қиласиз?

– Раис гапидан айниб қолмасин, деяпман. Яқинда бир суҳбатда ўз оғзи билан Мирвалини куёв қилиш орзусида эканлигини билдирди. Бу биз учун айни муддао.

– Нима, раиснинг қизини келин қилмоқчимисиз? Ростдан ми? – Замира опанинг қувончдан кўзлари порлади. – Қандай яхши. Барибир… сиз шунақа дейсиз, олдин Мирвали билан маслаҳатлашайлик, у нима дейди.

– Нима дерди, рози бўлади. Улар бир синфда ўқишган. Бир-бирларини жуда яхши танишади.

Эртасига бу гапни Мирвалига айтишди.

– Эна, нималар деяпсиз, мен унга уйланмайман. – деди у жазавага тушиб.

– Нега, бирор айби борми?

– Айби йўқ, лекин уйланмайман, вассалом.

– Ҳой бола, отангнинг гапини икки қилаяпсанми? Ҳозир гапингни эшитиб, қандай жаҳли чиқишини биласанми? Раис билан қуда бўлишни кимлар орзу қилмайди. Ҳозир бошингга бахт қуши қўниб турибди, уни ҳайдама.

– Йўқ, барибир уйланмайман.

– Ёки кўнглингда бошқа биров борми? Гапир!

– Йўқ.

– Унда нега Раҳимага уйланмайман, дейсан. Ой деса ойдай, кун деса кундай ҳусни бор. Ҳам одобли, иболи қиз.

– Сиз менга таърифламанг, ўзим биламан, унинг қандай қиз эканлигини.

– Билсанг, жуда яхши, бўлмаса, тўйни бошлаймиз. – Онаси ўрнидан туриб ошхона томонга кетди. Мирвали ўйланиб қолди. Энди нима бўлади? Отаси бир сўзли одам. Қиламан, деган ишини албатта қилади. Отасига қарши чиқиб кўрсин-чи? Отаси аяб ўтирмайди. Мирвали оғир хўрсинди. Раҳимага уйланса, Нормуроднинг юзига қандай қарайди? «Йўқ, бу номардлик. Мен ҳеч қачон дўстимнинг юзига оёқ босмайман. Шу бугуноқ Раҳима билан учрашиб, уни Нормурод севишини, армиядан келиб, унга уйланмоқчи эканлигини айтаман». Мирвали шундай деб шаҳд билан ўрнидан турди. Шу куни кечаси билан Раҳималарнинг уйлари атрофида ўралашиб юрди. Лекин Раҳима билан учрашолмади. Эртасига ҳам, индинига ҳам уни кўролмади. Ниҳоят, тўртинчи куни Раҳима билан гаплашди. Шунча йил бирга ўқиб, уни яқиндан билмаган экан. Гап-сўзлари маъноли, оғир-босиқ. Мирвали шу куни қалбида қизга нисбатан иликлик пайдо бўлганини сезди. Шу боис Раҳимахонга олдиндан режалаштириб юрган гапни айтишни ҳам унутди. Нормурод ҳам ёдига тушмади. Шу кундан бошлаб Мирвалининг фикру хаёлини Раҳимахон эгаллади. «Нормурод бекорга бу қизни севмаган экан. Раҳимахон ростдан ҳам чиройли, ҳам оқила қиз экан. Нега мен буни олдин сезмадим-а? Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деб шуни айтсалар керак-да. Нормурод армиядан келса… унга бирор баҳона топаман. Отам мажбурлаб уйлантирди, дейман. Балки ишонар. Барибир Раҳимахоннинг отаси қизини унга бермасди. Ахир тенг тенги билан, деб қўйишибди. Буни ўзи ҳам билади. Фақат умид қилиб юрибди холос. Мен Раҳимахонга уйланаман!» Бу Мирвалининг қатъий қарори эди. Севгининг кўзини кўр, дейдилар. Мирвали ҳам бу туйғу олдида ожиз бўлиб қолди. Ана шу ожизлиги туфайли дўстини ҳам, унга берган ваъдасини ҳам унутди. Шундай қилиб, икки ёшнинг тўйи бўлиб ўтди. Орадан бир йўл ўтганда Нормурод армиядан келди. Бу пайтда улар бир фарзандли бўлишганди…

… Мирвали дўстини охирга манзилга кузатиш куни ўттиз йил қадам босмаган хонадонга кириб келди. Шунда у биринчи марта дўсти Нормуроднинг олдида айбдорлик ҳиссини туйди. Ҳа, у чиндан ҳам айбдор эди. Бу айбини у йиллар ўтиб, ёши бир жойга бориб қолганида тан олди. Афсус, энди кеч. Вақтни орқага қайтариб бўлмайди. Мирвали бобо шу куни майит ётган хонага кирди. Дўстининг энг бўлмаса охирги марта дийдорига тўймоқчи бўлди. Тўрда Нормурод ётибди. Уни кўриб, Мирвали бобонинг кўнгли бузилди. Бек юриш бор, аммо бекдек ўлиш йўқ, дейишарди. Йўқ, бекор гап экан. Нормурод ўлганида ҳам ўша виқор ва салобатини йўқотмабди. Худди тирикдек, ухлаётган одамдек ётибди. Юзидан нур ёғилиб турибди. Назарида ҳозир уйқудан уйғонадигандек. Ўрнидан туриб, «Кел, дўстим, хуш келибсан», деб уни қучоқ очиб кутиб оладигандек. Мирвали бобо аста қадам босиб, майитга яқинлашди. Қўли билан дўстининг юзини силади. Қўллари қалтираб кетди. «Жўражон, мана мен келдим. Шунча йиллардан кейин айбимга иқрор бўлиб келдим, жўра. Мени кечир. Олдингда айбдорман. Мен дўстлигимизга хиёнат қилдим. Жон ўртоқ, мени кечир. Токи, нариги дунёда бир-биримиздан гина-кудуратимиз бўлмасин. Ҳа, мен номардлик қилдим. Ўша пайтда ўлдирсанг ҳам ҳаққинг кетмасди. Мен туфайли сен жабр кўрдинг, азоб тортдинг. Илоҳим, жойинг жаннатда бўлсин». Мирвали бобо астойдил куйиниб дўстидан, сирдошидан кечирим сўрарди. Унинг кўзларидан қуйилган ёш оппоқ соқолларига тушиб, ундан ерга томчиларди…

Гулнора ТУРСУНБОЕВА.

НАНОТЕХНОЛОГИЯ

СОЛНЕЧНЫЕ БАТАРЕИ ДЛЯ КОСМИЧЕСКИХ СТАНЦИЙ

Наблюдательный совет «Роснано» одобрил проект «НПП «Квант» по производству солнечных батарей для космических аппаратов. «Роснано» предоставит НПП «Квант» пятилетний заем в 550 млн. руб. В России пока нет собственного производства солнечных батарей на основе арсенида галлия, в то время, как правительство требует, чтобы комплектующие космических аппаратов были отечественного производства. Первые образцы новых солнечных батарей появятся уже в этом году.

Солнечные батареи предназначены для космических спутников и орбитальных станций. Их основой является арсенид галлия, который позволяет вдвое – с 15% до 32% – поднять эффективность батарей, по сравнению с кремниевыми. Новые батареи создаются на основе трехкаскадных солнечных элементов – до 30 чередующихся слоев, каждый толщиной 10-15 нм. Кпд батарей в условиях космоса составит около 30%, ресурс работы – 15 лет. Продукция будет производиться на московском заводе «Кванта». «Информационные спутниковые системы» им. академика М. Ф. Решетнева», основной потребитель продукции проекта, вносит в проект 50 млн. руб. в качестве займа.

Первые образцы продукции планируется выпустить уже в 2009 году. Выход на полную проектную мощность – производство солнечных элементов площадью 240 кв. м – ожидается в 2012 году. «Квант» уже заключил договора с производителями на поставку солнечных батарей на основе арсенида галлия на период с 2009 по 2016 гг., что обеспечивает заказами 60% продукции, произведенной за эти годы. Планируется, что потребителями продукции также будут зарубежные производители космических аппаратов. На сегодняшний день в России нет собственного промышленного производства мультикаскадных солнечных элементов на основе арсенида галлия. Оба предприятия, занимающиеся сейчас сборкой солнечных батарей – «Квант» и «Сатурн», покупают солнечные элементы на основе арсенида галлия за рубежом.



УГЛЕРОДНЫЕ ТРУБКИ В РЕНТГЕНОВСКИХ АППАРАТАХ

Спектр применения углеродных нанотрубок постоянно расширяется. Коллективы ученых рассматривают самые разные области их использования, с целью скорейшей коммерциализации этого продукта нанотехнологий. В медицине планируется использовать нанотрубки в рентгеновских аппаратов – здесь углеродные нанотрубки могут помочь значительно повысить качество снимков.

Обычные аппараты для рентгена состоят из длинной трубки с эмиттером электронов (как правило используется нить вольфрама) на одном конце и металлическим электродом на другом. Нить начинает испускать электроны после нагрева до 1 тыс. градусов Цельсия. Электроны ускоряются по ходу движения в трубке, ударяются в металл и создается рентгеновское излучение.

Вместо нити вольфрама американские ученые решили применить массив вертикально ориентированных углеродных нанотрубок, по действию подобных сотням небольших электронных пушек. Нюанс здесь в том, что вольфраму требуется время, чтобы разогреться, а углеродные нанотрубки испускают электроны сразу после подачи напряжения. По словам профессора физики Отто Жоу, с использованием этой технологии качество снимка вырастает значительно. Для того, чтобы сделать снимок с разных углов, аппарат выключает и отключает углеродные нанотрубки в нужной последовательности. Переключение нанотрубок происходит мгновенно и компьютерная система быстро записывает много изображений и размытость картинки снижается.

ЭЪТИБОР ОРТИБ БОРМОҚДА



«Нано» – минус тўққизинчи даражадаги ўн ёки миллиарддан бир ҳиссани билдирувчи қўшимча бўлиб, у юнон тилидаги «нанос» сўзидан олинган ва бу сўз «митти» маъносини билдиради.

Таққослаш учун: нанометр – алоҳида атомлар ва молекулалар ўлчамига мос келувчи катталик. Масалан, инсон соч толасининг эни тахминан 80 минг нанометрга тенг.

Нанотехнологиялар – бу шундай технологияларки, улар туфайли наномоддалар, нанозаррачалар ёки алоҳида молекула ва ҳатто атомларнинг кичик гуруҳлари у ёки бу вазифани бажарадилар. Уларни татбиқ қилиш натижасида турли жиҳоз ва қурилмаларни ўта миниатюралаш, яъни ниҳоятда кичрайтириш мумкин бўлади.

Ҳозирги даврга келиб «Нанотехнология» сўзи илмий иборадан оммабоп тушунчага айланди. Бунга фан ва техниканинг жадал ривожланиб бораётганлиги сабаб бўлиб, бу ривожланиш нанотехнологияларнинг инсонлар кундалик ҳаётига кириб бориши, дунёдаги кўплаб давлатлар ва тижорий тузилмалар томонидан қаратилаётган алоҳида эътиборни таъминламоқда. Бундан ўн йил муқаддам нанотехнологияларни ривожлантириш учун ривожланган давлатлар томонидан тахминан ярим миллиард доллар ажратилган, 2003 йилда эса бу кўрсаткич деярли ўн баробар ошди. Ўтган йили ғарб давлатлари, шунингдек, Хитой, Ҳиндистон, Австралия томонидан нанотехнологияларни молиялаштириш ҳажми 40 миллиард доллардан ошиб кетди. Нанотехнологиялар сабабли амалга ошиши мумкин бўлган илмий-техник тараққиёт ахборот-коммуникация технологиялари туфайли эришилган тараққиётдан анча ўзиб кетиши кутилмоқда.

Жорий аср нанотехнологиялар, жумладан, наноэлектроника асри бўлиши мумкин. Замонавий фаннинг кўплаб соҳалари яқин 15-20 йил ичида «нано» қўшимчасига эга бўлади, баъзи йўналишлар эса аллақачон бу номни олиб бўлган. Жумладан, нанотиббиёт, нанобиология, нанокимё, наноинформатикада («квант информатикаси» ҳам дейилади) катта аҳамиятга эга бўлган ривожланиш кутилмоқда. Наноинформатика нанокомпьютерлар, уларни яратиш усуллари ва уларнинг дастурий таъминоти ҳақидаги фан ҳисобланади.

Квант компьютерлари деганда, бир ахборот бирлигини (1 бит) ёзиш учун фақат бир ёки бир неча атомлардан фойдаланиладиган компьютерлар тушунилади. Таққослаш учун шуни мисол келтириш мумкинки, замонавий компьютерларда бир ахборот бирлигини ёзиш учун бир неча миллиард атомлардан фойдаланилади. Квант компьютерларининг имкониятлари чексиз, уларнинг тезлиги, ихчамлиги ва самарадорлиги эса замонавий компьютерларникига қараганда минглаб маротаба ортиқдир.

Нанотехнологиянинг тиббиёт соҳасидаги истиқболи чиндан ҳам фантастик кўринишга эга. Жарроҳлик ва терапевтик даволаш тадбирларини нанороботлар ёрдамида амалга ошириш ушбу жараёнларни бир ҳужайра даражасида манипуляция қилиш имконини беради. Нанокапсулалар керакли ҳужайраларгача ҳеч бир зарарсиз етиб бориши ва субҳужайра даражасида таъсир кўрсатиши мумкин.

Нанотехнологиядан фойдаланиш кўлами жуда ранг-баранг ва у келажакда янги моддалар синфини яратиш имконини беради. Нанотехнологик ишланмалар илмий лабораториялар деворлари ортида қолиб кетаётгани йўқ, балки аллақачон халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Улардан протезларни конструкциялашда ҳам фойдаланилмоқда. Улар протезлардаги бирикув жойларини бактериялардан ҳимоя қилувчи наноўлчамли кумуш заррачалар билан қоплайди. Бу эса сунъий бирикма стерилланган ҳолда қолишини кафолатлайди ҳамда инфекциялар тушишига йўл қўймайди. Келажакда нанотехнологияларни тиббиётда қўллаш кўплаб касалликларни ҳатто уларнинг клиник симптом (белги)лари пайдо бўлишидан аввал аниқлаш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги учун экологик хавфсиз бўлган ҳимоя воситалари, ўсимликлар ўсишини тартибга солувчи (регулятор) ва тезлаштирувчи (стимулятор) асбоблар, экиладиган уруғларни капсулалаштириш технологияси ишлаб чиқилди. Табиий полимерлардан бир қатор самарали дори препаратлари яратилди. Лабораторияларда синтезлаштирилган янги полимерлардан қурилиш материаллари, пайвандлаш электродлари, қоғоз ишлаб чиқаришда, кимё, озиқ-овқат саноатида кенг фойдаланилмоқда.

Барча нанотехнологик ишланмалар асосида жиддий ва пухта илмий тадқиқотлар ётади. Нанофан таркибига нанофизика, нанокимё, нанобиология каби бўлимлар киради. Нанофизиканинг энг истиқболли йўналишларидан бири наноэлектроника ёки молекуляр электроника бўлиб, унда ток ва қувват (энергия)ни узатиш учун сим сифатида молекуляр занжир, квант нуқталари ва нанонайчалардан фойдаланилади. Бундай кенг имконият туфайли электрон қурилмаларнинг самарадорлиги, ихчамлиги, тежамкорлиги бир неча ўн баробарга ортиб кетиши мумкин.

Бугунги кунда дунё бўйича нанофизика соҳасида юзлаб илмий марказлар иш олиб бораётган бўлиб, уларда мазкур соҳанинг турли йўналишлари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб борилмоқда. Айнан ана шу марказларда келажак нанотехнологик ишланмаларнинг асослари яратилмоқда.

Бундай марказ Ўзбекистонда ҳам бор. Республика Фанлар академияси томонидан мамлакатимизда нанотехнологияларни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилган. Унинг муаллифларидан бири Фанлар академиясининг иссиқлик физикаси бўлими бўлиб, у мазкур соҳадаги биринчи ва етакчи илмий муассаса ҳисобланади. Айнан шу ерда 90-йиллар ўрталарида ушбу йўналишдаги илк тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, фуллеренлар, углерод асосидаги опаллар каби наноматериаллар синтезланган, шунингдек, нур диоди яратилган. Иссиқлик физикаси бўлими қошида истиқболли тадқиқотлар лабораторияси ташкил этилган бўлиб, унинг асосий йўналиши нанофизикадир.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда рақобатдош нанофан ва нанотехнологияларни жадал ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Маълумки, Ўзбекистонда қаттиқ жисмлар физикаси, атом ва молекуляр физика, чизиқсиз оптика, юмшоқ конденсациялашган тизимлар физикаси каби соҳалар анъанавий тарзда яхши ривожланган ҳисобланади. Фаннинг айнан шу соҳаларидан нанофизика келиб чиққан ва эндиликда у ҳам замон талаблари даражасида жадал ривожланиб бормоқда.

ДНК МОЛЕКУЛАСИДАН ҚУТИ ЯСАШДИ

Дания ва Германия олимлари ДНК молекулаларидан янги компьютерлар учун қопқоғи ёпиладиган чипакам наноқутини йиғишга муваффақ бўлишди. Тадқиқотчилар акс таъсири кам бўлган дори-дармонларни ва ҳатто принципиал янги компьютерларни яратишда ўз ихтиролари муҳим қадам бўлишини башорат қилишмоқда.

Янги наноқутиларни яратиш усулини турли институтларнинг 15 нафар олимлари ишлаб чиқишди. Уларнинг ихтиролари микроскоп остида қўл билан яратилган бир мақсадли маҳсулот эмас – наноконтейнерларни кўплаб ишлаб чиқариш ва улардан микроскопик детекторларни тайёрлаш ҳамда дори-дармонларни организмнинг керакли нуқтасига етказиш воситаси сифатида фойдаланиш мумкин.

Олимлар микроскопик қути деворлари ва қопқоғини ДНК молекулаларидан йиғишди. Бунинг учун улар молекулалардан эркин шаклдаги мураккаб фигураларни тахлаш имконини берадиган технологиядан фойдаланишди. Мазкур усул 2006 йили америкалик биофизик Пол Ротмунд томонидан ишлаб чиқилиб, «ДНК-оригами» номини олганди. Дастлаб у фақат текис юзадагина ишларди ва тадқиқотчилар уни илк бор уч ўлчовли объектга ўтказишга муваффақ бўлишди.

Физиклар қурилиш ашёси сифатида ДНК танланиши сабабини ушбу молекула ўз чизиғининг турли участкалари орасида алоқаларни шакллантира олиши билан изоҳлашмоқда (жонли ҳужайралар ёки вирусларда бу хусусият чекланган ҳажм ичида узун молекулани йиғишга ёрдам беради). Параллел жойлаштирилган ДНК ҳалқалари бир-бирига уланиб, ягона текис юзани ташкил этади ва у кейинчалик микроскопик қути деворлари ва қопқоғига айланади.

Олимлар яратган митти қутичалар ҳажми жуда кичик – унинг ўлчамлари 42х36х36 нанометрга тенг. Агар уни қум донаси билан ёнма-ён қўйиб, гугурт қутиси баробарида катталаштирилса, унга пропорционал равишда катталашган қум донасидан баландлиги бир километрга тенг тоғ ҳосил қилади. Лекин қути алоҳида вирус ёки йирик молекулани сиғдира олишига қарамай, тадқиқотчилар ўз ихтиролари камида уч хил мақсадда иш бериши мумкинлигини таъкидлашмоқда.

Биринчидан, бундай қутичаларга дорилар молекулаларини жойлаштириш ҳамда унинг қопқоғини фақат бирон таъсир остидагина очиладиган қилиш мумкин бўлади. Бундай қутичалар кучли таъсир этувчи дори-дармонларни сақлаши ва бенистино фақат ўсимта ҳужайраларига яқинлашгандагина қопқоғи очилиб, соғлом ҳужайраларга зарар етказмаслиги мумкин.

Иккинчидан, қутичаларга иккита флуоресцент молекулаларни жойлаштириб, улардан индикаторлар тайёрлаш ўзлаштирилганди. Бундай қутичалар қопқоғи очилишида флуоресценция рангини қизғишдан яшилга ўзгартиради. Агар бу ҳодиса яна бир бор муайян моддалар мавжудлигига жавобан юз берса, бунда ўта микроскопик детектор ҳосил бўлади.

Олимлар тилга олган учинчи имконият, кундалик ҳаётда амалий қўлланишдан йироқлигига қарамай, энг қизиқарлисидир. Уларнинг наноқутилари икки ҳолатдан бирида – яъни очиқ ёки ёпиқ ҳолатда тура олиши микроскопик қутиларни компьютер ҳисоблаш қисмлари билан яқинлаштиради. Улар бир томондан (очилиш ва ёпилиш жараёнида) ахборотларни қабул қилиши, иккинчи томондан – (флуоресценция рангини ўзгартира бориб) уларни сақлаш ва узатиш ишини бажариши мумкин.

М.САЙДИВАЛИЕВ.

СПОРТ

Армия спорти

ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНДИ

Чоршанба куни Мудофаа вазирлигининг ҳарбий ўқув муассасалари жамоалари ўртасидаги I ёзги олимпиада ўйинларига старт берилди. У икки даврда ўтказилади. Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий ўқув муассасалари курсантлари ўртасидаги мусобақалар 12-20 август кунлари Марказий ҳарбий округда, ҳарбий округларнинг сержантлар тайёрлаш мактаблари жамоалари ўртасидаги баҳслар 10-19 сентябрда Тошкент ҳарбий округида ўтказилиши режалаштирилган.

Олимпиададан кўзланган асосий мақсад Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий ўқув муассасалари ва ҳарбий округлар сержантлар тайёрлаш мактаблари фаолиятини такомиллаштириш, курсантлар ва сержантларнинг жисмоний, юксак маънавий, ахлоқий-руҳий ҳамда жанговар маҳоратларини янада шакллантириш, улар ўртасида мусобақадошлик муҳитини яратиш, интеллектуал салоҳияти юксак кадрларни тайёрлашдир. Қолаверса, олимпиада ўйинларида қатнашиш курсант ва сержантларни ўз қобилиятларини намойиш этишга, ғалаба сари интилиш ва курашишга ундайди, мухлислик қилаётган сафдошларининг эса фахр ва ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади.

12 август куни ёзги олимпиада ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, маҳаллий ҳокимлик, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олий ва ўрта таълим муассасалари ёшлари иштирок этишди. Тантанали маросимда сўзга чиққанлар Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий ўқув муассасалари жамоалари ўртасида илк бора ўтказилаётган ёзги олимпиада ўйинларининг мақсади, курсантлар ва сержантларнинг жанговар маҳоратларини янада шакллантиришдаги аҳамияти хусусида тўхталиб, қатнашчиларни бу ажойиб спорт байрами билан қутладилар. Олимпиада ўйинлари келгусида армиямиз миқёсидаги энг нуфузли ва қизиқарли баҳсларга бой анъанавий мусобақа бўлиб қолишига, Қуролли Кучларда спортнинг янада оммавийлашуви ва ривожланишига хизмат қилишига, мазкур мусобақалар туфайли ҳар хил спорт турлари бўйича терма жамоа ларимизга истеъдодли номзодлар камол топишига умид билдирдилар.

Маълумки, шу йил февраль ойида Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий ўқув муассасалари жамоалари ўртасида илк бор қишки олимпиада ўйинлари бўлиб ўтган эди. Ёзги олимпиада ўйинлари кўлами, мусобақалар тури, қатнашувчилари ва бошқа бир қатор жиҳатлари билан қишки олимпиада ўйинларидан фарқ қилади. Жумладан, ёзги олимпиада ўйинларига сержантлар тайёрлаш мактаблари жамоалари ҳам жалб этилган бўлиб, улар ўртасидаги мусобақалар сентябрь ойида ўтказилади. Шунингдек, ёзги олимпиада ўйинларининг мусобақа турлари ҳам кенгайтирилган. Дастурдан тактик (махсус-тактик) тайёргарлик, ўқ отиш тайёргарлиги, техник тайёргарлик бўйича назарий ва амалий жиҳатдан бажариладиган, спорт тамойилларига уйғунлаштирилган бир неча йўналишли баҳслар ўрин олган.

Ёзги олимпиада дастуридан ўрин олган спорт мусобақалари олти йўналишдан иборат. Бокс, сузиш, турникда тортилиш, стол тенниси баҳслари соф спорт тамойиллари асосида ўтказилса, эстафета ва биатлон бўйича мусобақалар ҳарбийлар хизмат фаолиятига уйғунлаштирилган, яъни бу спорт турлари бўйича баҳслар жараёни ҳарбий хизмат амалиёти билан бирмунча бойитилган – комбинациялаштирилган. Зеро, олимпиада ўйинларини ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсадлардан бири бўлғуси офицер ёки сержант кадрларнинг профессионал маҳоратларини янада шакллантиришдир.

Олимпиадада иштирок этиш жараёнида бўлажак офицер ёки сержантларнинг нафақат кучи, эпчиллик ва мерганлиги, балки зукколик, топқирлик ва мураккаб вазиятлардан тезда чиқиб кетиш маҳорати ҳам синовдан ўтади. Хусусан, ёзги олимпиада ўйинлари дастуридан билимдонлар баҳси ҳам ўрин олган. У ҳам икки йўналишдан иборат. «Балли, йигитлар!» танловида жамоанинг ўн нафар аъзоси иштирок этади. Танлов шартлари жамоа аъзоларининг интеллектуал билими, ҳажв, юмор, мусиқа ва рақсга бўлган қобилияти каби сифатларини аниқлашга қаратилган. Билимдонлар танловида эса ҳар бир жамоанинг олти нафар аъзоси қатнашади ва етакчилик қобилиятига эга сардор жамоага бошчилик қилади. Бу танловда жамоаларнинг билими, зукколиги, ҳозиржавоблиги каби сифатлар баҳоланади.

Ёзги олимпиада ўйинларига режа асосида катта тайёргарлик кўрилди. Хусусан, 1 августга қадар ўйинларни одил бошқарувчи, спорт тамойилларининг бузилмаслиги, баҳсларнинг қизғин ва муросасиз кечишини таъминловчи ҳакамлар таркиби аниқланди. 1-10 август кунлари ҳакамлар ҳайъати билан ёзги олимпиада борасида ўн кунлик семинар ҳам ўтказилди. Бундан ташқари Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий ўқув муассасалари жамоалари ўртасидаги ёзги олимпиада ўйинларини ўтказиладиган майдонлар кўрикдан ўтказилиб, мавжуд камчиликлар бартараф этилди ҳамда зарурий шароитлар яратилди. Очилиш ва ёпилиш маросимлари ўтказиладиган майдонлар тадбирларга байрам руҳини бериш тарзида ҳозирланди, жумладан, спорт беллашувлари шиддатини акс эттирувчи, курашга чорловчи кўргазмали воситалар, жиҳозлар, чақириқлар билан безатилди. Кўрилган ана шу ва бошқа шу каби тадориклар – тайёргарлик тадбирлари I ёзги олимпиада ўйинларининг очилиш маросими байрамона руҳда ўтишига сабаб бўлди.

Ёзги олимпиада ўйинларининг тантанали очилиш маросими сўнгида қатнашчилар – Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк муҳандислик-қўмондонлик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти ва Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультети жамоалари оркестр садолари остида йиғилганлар қаршисидан саф тортиб ўтди.

Шу куниёқ I ёзги олимпиада ўйинларига старт берилди. Жамоалар мусобақа дастуридан ўрин олган 13 та йўналиш бўйича ўзаро баҳсларга киришишди. Комбинациялашган эстафета баҳсларида Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти жамоаси 1-ўринни эгаллади. Эслатиб ўтамиз, ёзги олимпиада ўйинлари жамоавий баҳслар тамойилига асосланган. Ғолиб жамоа барча йўналишлар бўйича эгалланган ўрин ва йиғилган балларга кўра аниқланади. Қиз- ғин ва шиддатли кечаётган баҳсларда бирор жамоа номини ҳозирча ажратиб кўрсатиш қийин, чунки асосий беллашувлар ҳали олдинда. Бу ҳақда биз газетамизнинг келгуси сонларида батафсил ҳикоя қиламиз.

Дарвоқе, ёзги олимпиада ўйинлари мобайнида қатнашчиларнинг маданий-маиший дам олишларини мазмунли ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Бу борада аниқ режа ишлаб чиқилган бўлиб, ўтказилаётган тадбирлар жамоа аъзоларининг кўтаринки руҳда навбатдаги баҳсларга киришишига, ўзаро мусобақадошлик муҳитини яратишга хизмат қилаяпти.

Майор Расул ЖУМАЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

МАҚСАД – ҒОЛИБ ЧИҚИШ

Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий ўқув муассасалари ўртасида ўтказиладиган I ёзги олимпиада ўйинларида қатнашувчи жамоалар, ҳакамлар ҳайъати ва мусобақаларни ўтказишга дахлдор бўлган барча кишилар 11 август куни баҳслар майдонига етиб келди.

Шу куни ташкилотчилар, ҳакамлар ҳайъати ва мусобақаларни ўтказувчилар томонидан ёзги олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олган 13 та йўналиш бўйича спорт беллашувлари ўтказиладиган майдонлар ҳолати яна бир бор кўрикдан ўтказилди. Улар баҳсларнинг қизғин ва шиддатли кечиши учун шай ҳолатга келтирилган. Спорт байрами қатнашчиларининг руҳи тетик. Жамоа аъзоларининг барчаси бўлғуси мусобақаларда ғолиб чиқишга астойдил бел боғлаган. Ким ғолиб чиқишини эса албатта баҳслар майдони, унга жамоаларнинг қай даражада тайёргарлик кўрганлиги кўрсатади. Хўш, илк марта ўтказилаётган бу ўйинларга олий ҳарбий билим юртлари жамоалари қандай тайёргарлик кўриб келишди? Курсантлар мусобақаларга тайёрми? Шу мақсадда биз уларнинг айримларини мусобақалар олдидан суҳбатга чорладик.

– Олий ҳарбий ўқув муассасалари ўртасидаги олимпиада ўйинлари курсантларининг жисмоний ва жанговар маҳоратларини янада шакллантиришга, олий ҳарбий ўқув муассасалари ўртасида ўзаро соғлом рақобатнинг пайдо бўлишига хизмат қилади, – дейди Чирчиқ олий танк муҳандислик-қўмондонлик билим юрти жисмоний кафедраси бошлиғи офицер Ҳусан Қўчқоров. – Рақобат бор жойда эса, албатта, олдинга интилиш, ўсиш, ривожланиш, тараққиёт бўлади. Буни қишки олимпиада ўйинлари ҳам кўрсатди. Мана, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти вакиллари қишки олимпиадада биринчи ўринни бизнинг ҳарбий билим юртимиз жамоасига бериб қўйишганидан афсусда эканликларини, ёзги олимпиада ўйинларида эса албатта ғолиб чиқишларини, шунга интилишларини газета орқали билдиришибди. Демакки, улар ёзги олимпиада ўйинларига ўзига хос равишда тайёргарлик ҳам кўришган. Тайёргарлик кўриш бу – ўз маҳоратларига янада сайқал бериш дегани. Албатта бизлар ҳам, бошқа олий ҳарбий билим юртлари ҳам қараб туришганн йўқ, муайян даражада ёзги олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўриш босқичидан ўтдик. Англаяпсизми, ҳали ўйинлар, мусобақалар бошланмасдан туриб олий ҳарбий билим юртлари ўртасида соғлом рақобат, маҳоратларига сайқал бериш, олдинга интилиш бошланган. Бу ривожланиш, тараққиёт гарови эмасми?! Баҳслар майдонида ким ғолиб чиқишидан қатъий назар ёзги олимпиада ўйинлари аввало ана шуниси билан қадрли.

– Мен хизматдан бўш пайтларим спортнинг бокс тури билан мунтазам шуғулланиб келаман. Ёзги олимпиада ўйинлари дастурига мазкур спорт тури ҳам киритилганидан жуда хурсанд бўлдим, – дейди курсант А.Тўраев. – Имконим борича ёзги олимпиадада Чирчиқ олий танк муҳандислик-қўмондонлик билим юртимизнинг умумжамоа ҳисобида ғолиб чиқишига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман. Мен ишонаман, бу баҳсларда жамоамиз ғолиб чиқади ва биздан кейин бу ерда ўқийдиган курсантлар ҳам биринчи ёзги олимпиада ўйинларида ўзлари таҳсил олаётган ҳарбий билим юрти ғолиб чиққанлигидан фахрланиб юришади.

Кумушбиби ЭРМАМАТОВА.

СПОРТ

Велоспорт. Тур Малайзии

«ЗОЛОТО» И «СЕРЕБРО» ВАДИМА ШАЕХОВА

В преддверии чемпионата Азии по велоспорту ведущие гонщики нашей страны успешно выступили на состязаниях тура Малайзии, завоевав несколько медалей.

Наибольший успех выпал на долю армейского гонщика Вадима Шаехова, уже на многодневной гонке на дистанцию 171,2 км занявшего второе место после своего соотечественника Владимира Туйчиева. А третьим тогда финишировал Ява Хервин из Индонезии. В пятерке сильнейших финишировали еще двое наших земляков Мураджон Холмурадов и Константин Калинин.

